ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**БОЗОРОВ НИЗОМИДДИН НЕМАТОВИЧ**

# МУҲАРРИРНИНГ МАТН УСТИДА ИШЛАШ МАҲОРАТИ
**(“Ҳуррият” газетаси 2013-2014 йиллар материаллари мисолида)**

**5А 220104 - “Ноширлик иши ва муҳаррирлик”**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

***<u>Д И С С Е Р Т А Ц И Я</u>***

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ф.ф.н. доц. М.И.Халикова

ТОШКЕНТ- 2014

МУНДАРИЖА

**КИРИШ**……………………………………………………………………3

**I БОБ. Газета матнининг моҳияти**

1. Матн ва унинг турлари, газета матнлари яратилиш тамойиллари……………………………………………………………………11

2.Газета матнларининг жанрий-услубий хусусиятлари……………………19

3. Муаллиф ва муҳаррирнинг матн устида ишлаш тамойиллари……………29

**II БОБ. Газета матнлари таҳрири ва унда муҳаррирнинг ўрни**

1. Газета матнларини таҳрир жараёнидаги ўзига хосликлар……………………38

2. Адабий таҳрирда услубиятнинг ўрни……………………………………45

3. Адабий таҳрирда муҳаррир маҳорати……………………………………54

**III БОБ.Газета матнлари таҳлили ва таҳрири масалалари**

1. "Ҳуррият" газетаси лисоний-услубий таҳлили……………………………58

2. Муҳарирнинг газета материаллари тили ҳамда услуби устида ишлаши……………………………………………………………………73

**ХУЛОСА**……………………………………………………………………93

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**……………………………………97

# КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бу жараён ислоҳатларга янгича ёндашилаётганлиги билан ажралиб туради. Президентимиз И.А.Каримов янгича ёндашув асосида Ўзбекистонда фуқоролик жамияти асосларини шакллантириш ва демакратик ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг еттита стратегик йўналишини белгилаб бердилар. Бу йўналишлардан - тўртинчи устувор йўналиш ОАВ соҳасига қаратилган. Президентимиз 2010 йилнинг якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида сўзлаган нутқларида янги йилларда ОАВларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳатларнинг очиқлиги ва ошкорлигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконига илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қариййб 10та қонун хужжати қабул қилинганлиги ҳақида[1] гапириб ўтганлар. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда ОАВ соҳасига доир кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

“Фақат демакратик жамиятдагина ижтимоий информация жамият тараққиёти, кенг омманинг манфаати учун хизмат қилиши мумкин”[2]. Миллий мустақилликка эришган ва демакратик, ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқоровий жамият тузиш йўлидан бораётган бизнинг мамлакатимизда ижтимоий информацияга бўлган талаб ошди ва уни йиғиш ва тарқатиш имкониятлари янада кенгайди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қабул қилинган қатор конунларда ахборот олиш, тарқатиш борасидаги демакратик ҳуқуқлар аниқ, равшан баён этиб берилган. “Давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади,”- дейилади Ўзбекистон Республикасининг

---

[1]Каримов И.А. Асосий вазифамиз- ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фароволигини янада юксалтириш – Т.: Ўзбекистон. 2010. 14-б.

[2]Жўраев С.Фуқоролик жамияти: назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон. 2003.6-б.

2002 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ахборот эркинлиги принцплари ва кафолатлари тўғрисида"[3]ги Қонуннинг 8-моддасида.

Бугунги кунда оммавий ахборот тили ва услуби, таҳрир масалалари, муҳаррир маҳорати мавзуига доир турфа хил назарий ва амалий муаммоларни атрофлича тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш ўзбек тилшунослиги ва услубияти фанлари олдида турган ниҳоятда муҳим ва далзарб вазифалардандир. Зеро, матбуот тили ёзма адабиётнинг ижтимоий-маданий ҳаётининг барча жабҳаларидаги ўсишу ўзгаришларга, силкинишу силжишларга бевосита дахлдор бўлган энг фаол ва оммабоп кўриниши ҳисобланади. Шу боис ҳам уни миллатнинг умумий мулоқот тили мақомида баҳолаш мумкин.

Адабий-услубий малака ва маҳорат унсуларини тадқиқ этиш матн услубияти муаммоларига мурожаат қилишни тақазо этади. Нутқий фаолиятнинг ёзма шаклда қайд этилган ўзаро тугал гаплар ўртасидаги узвий боғланишлар изчиллиги сифатида ифодаланган боғли нутқ одатда, матн деб юритилади. Матн маълум коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий ва лисоний ҳатти-ҳаракатни мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нуқтий ҳодиса. Матнни таркиблашда киши уни талқин этиш ҳамда тушуниш йўллари ва усулларини ҳам ҳисобга олади. Ахборот матни ўқувчи учун осон ва қулай бўлган талқин усулига мувофиқлаштирилади. Матбуотда бу журналистдан алоҳида маъсулиятни талаб қилади. Чунки бу жараёнда фақат грамматика қонун-қоидаларигагина эмас алоқа вазияти мақсади ва мазмунининг фаҳмланиш имкониятларига ҳам амал қилинади. Матн яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган ижодий жараёндир. Бундан ташқари матн таҳрир қилинган ахборотдир. Чунки унинг мукаммаллиги муҳарирнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳар қандай ижодий адабий ва илмий

[3]Ўзбекистон Республикасининг Ахборот эркинлиги принцплари ва кафолатлари тўғрисидаги Қонуни. –Т.:Ўзбекистон. 2002. 16-б.

ижодий фаолият матн яратиш, матнни қайта ишлаш, тузатиш, мукамаллаштириш жараёнини четлаб ўта олмайди.

Матн яратиш ва уни такомиллаштириш жараёни ёзма нутқий фаолиятнинг зарурий таркибий қисми сифатида китобат ва матбуот соҳаси мутахассисларининг; журналист, муҳаррирларнинг зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Таҳрир қилиш жараёнида ўқувчилар учун мавҳум бўлган сўзлар олиб ташланади, фактлар солиштириб кўрилади, ғализ жумлалар тузатилади. Чунки, арзимаган камчилик бўлиб туюлсада, ҳар бир салбий ҳодиса ёки ноаниқлик муштарийларни ранжитади, газетага бўлган иштиёқларини сўндиради. Матнни ўта жиддий эътибор билан қайта-қайта ўқиб чиқиш, камчилик ва хатоларни белгилаб олиш ҳамда муаллиф мақсади ва услубига зарар етказмайдиган тарзда такомиллаштириш муҳаррирдан теран билимни, юксак умумий маданиятни, мукаммал малака ва тажрибани тақозо этади.

Матбуот матни таҳрири ҳам ўзига хос билимдонликни талаб қиладиган жараёндир. Таҳрир танқидий нуқтаи назардан келиб чиқиб амалга оширилганда, албатта, унинг таъсири ўзгача бўлади. Ана шу танқид томонидан кўзланган мақсад матнни бекаму кўстлик даражасига етказиш, мавжуд хатоларни бартараф этиш, натижада ундаги тарбиявий, илмий моҳиятни оширишдир. Матн тилни пухта биладиган мутахассис томонидан таҳрир қилинсагина, ўзида мужассам сеҳрларни тўлалигича намоён этади. Акс ҳолда у тушунарсиз жумлалар мажмуидан иборат бўлиб қолади.

**Ишнинг долзарблиги.** Бугунги кунда, ахборот асрида жуда кўп нарса ахборот алмашинувига боғлиқ бўлиб қолди. Шу боис ҳам мамлактимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилди, қарор ва фармонлар қабул қилинди, қонунлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилмоқда.

Инсоният тарихига назар ташласак, унинг тараққиётига сезиларли таъсир қилган кашфиётларга гувоҳ бўламиз. Аввало, улар ўз даври учун янгилик бўлганлиги ҳамда кейинчалик инсонлар ҳаётига таъсир қилганлиги

билан характерланади Мана шундай мўъжизалардан бири оммавий ахборот воситаларининг, жумладан, матбуотнинг пайдо бўлишидир.

Юртимизда фаолият юритаётган босма нашрлар материалларини кузатиб уларнинг жамиятдаги ижтимоий муносабатларга таъсирини кўрамиз. “Ҳуррият” газетаси ҳам бу борада пешқадамдир. У юртимиз ижтимоий ҳаётидаги, адабиёти ва санъатидаги жараёнларни ёритиб боради.

Холис ва тезкор ахборот олиш, айтиш мумкинки, миллий журналистикамизнинг энг жиддий муаммоларидан бири, десак муболаға бўлмайди. XXI асрда яшаётган замондошимиз учун ахборотнинг аҳамияти сув ва ҳавонинг аҳамиятидан кам эмас. “Дунё – ахборот макони” тушунчаси онг ва шуурларга шу қадар чуқур сингиб кетдики, дунё ҳамжамиятининг ҳақли аъзоси – субъектига айланиш истагидаги ҳар қандай давлат ва шу давлат фуқаролари мазкур ахборот маконидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин. Бу жараёнлар эса ҳақли равишда ахборотларни тезкор олишни ва айни пайтда ОАВларнинг холис бўлишини тақозо этади. Бунинг учун аввало журналистлар воқеа-ҳодисаларга объектив ёндошишлари лозим. Материалларни талаб даражасида етказиш учун ҳам муаллиф, ҳам таҳририят ходимлари бирдек масъулдирлар. Айниқса, матннинг сайқалланган, тўғри ва таъсирли бўлишида муҳаррирнинг заҳматлари муҳимдир. Бундай ишда муҳаррир зиммасига алоҳида масъулият қўйилади. Муҳаррир маҳорати бу ўринда муҳимдир. Мазкур тадқиқот ишининг долзарблиги айни шулардан келиб чиқади.

Дунёдаги барча мамлакатларда оммавий ахборот воситалари етакчи ўрин тутади. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида етакчи роль ўйнаганлиги учун ҳам уларга тўртинчи ҳокимият тусини бериш оммалашган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасида “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар

ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди", дейилади.[4]

Буларнинг бари ОАВмизга катта имкониятлар беради. Мана шу эркинликни тўғри ҳис қилган ҳолда журналистларимизнинг мавзуга ёндашиши масалаларини ўрганиш, улардаги тезкорлик ва ҳолислик меъзонларини таҳлил қилиш, материални сифатли етказиб беришда муҳаррир фаолияти, муҳаррирга қўйиладиган талаблар бугунги глобаллашаётган замон учун айни долзарбдир.

Матн ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаган журналист ҳақиқий ижодкор эмас. Матн яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун махсус малака, билим, маҳорат талаб қилинади. Айниқса, тайёр матнни талаб даражасига келтириш учун муҳаррирлардан катта билим ва малака талаб этилади. Муҳаррир таҳрир жараёнида муаллифнинг "нима демоқчи" эканлигини ҳис эта олиши, матннинг услубий-жанрий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга ёндашиши лозимлигини унутмаслиги керак.

Оммавий ахборот воситалари соҳасида, хусусан, хусусий матбуотда кўплаб оғриқли нуқталарга дуч келишимиз бугунги кунга келиб негадир оддий, ҳамма кўз юмиб келаётган ҳолга айланиб бормоқда. Матбуотда сўзлардан нотўғри фойдаланиш, ғализ жумлалар тузиш, сарлавҳа ва матннинг бир-бирига уйғун эмаслик ҳолатларини кузатишимиз мумкин Бу хил камчиликларга нима сабаб бўлмоқда, уларни бартараф қилиш учун нималар қилиш керак? Шу сингари муаммолар журналистларнинг жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаси ҳисобланади. Матннинг ўқишли, оммабоп ва мукаммал чиқиши нафақат малакали журналистнинг меҳнати, балки таҳририят ходимларининг фаолияти билан ҳам узвий боғлиқдир. Ёзма нутқ яратиш ва уни таҳрир қилиш учун ижодкордан матний мулоқот, унинг турлари, вазифалари, тил ва услуб масалалари ҳақида

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2009. 21-б.

назарий билимга эга бўлиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан биз танлаган мавзу долзарбдир.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари**. Ҳозирги кунда мустақил давлатимизда Оммавий ахборот воситалари ва уларда хизмат қилаётган – ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошкора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мустақиллик йилларида Олий Мажлис томонидан бир қатор қонунлар қабул қилиндики, улар ҳар бир оммавий ахборот воситалари ва ҳар бир журналист учун дастуриламал, ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуни мамлакатимиздаги барча газета ва журналлар, радио ва телевидение воситаларини дунё миқёсига олиб чиқиш учун хизмат қилувчи асосий воситадир. Ана шу қонун асосида Оммавий ахборот воситалари ривожланмоқда. Бугун бу ривожланиш улар тарқатаётган ахборотларнинг тезкор ва холислиги билан белгиланмоқда. Тадқиқот ишининг мақсади мана шуларни инобатга олган ҳолга ОАВ материалларига ёндашишдан иборат. Вазифалари, эса кузатиш ва таҳлил давомида кўзга ташланган ютуқларни умумлаштириш, камчиликларни бартараф этиш борасида таклифлар беришни назарда тутади. Бунда, асосан, “Ҳуррият” газетаси материалларинининг таҳлили ва таҳрири масалаларига эътибор қаратдик.

**Илмий янгилиги.** Газета материалларининг лисоний-услубий, жанрий хусусиятларини ўрганиш, улардаги таҳрир ишларининг олиб борилиши, бунда муҳаррир маҳоратининг ўрни каби масаларни ўрганиш ишнинг асосий янгилигини белгилайди. Матн яратиш, уни таҳрир қилиш, таҳрир жараёнида муҳаррирнинг аҳамият бериши лозим бўлган жиҳатлар, матнда тил воситаларидан унумли фойдаланиш, таҳрир жарёнида матннинг жанрий-услубий хусусиятларини эътиборга олиш, матнга мос сарлавҳа танлаш йўлларини эгаллаш каби масалаларни ўрганиш ҳам ишнинг янгилигини ташкил қилади.

**Методологик ва назарий асоси**. Ишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик, маънавият ҳамда оммавий ахборот воситаларига доир асарларида баён қилинган қарашлар ташкил қилади. А.Шомақсудов, И.Тошалиев, Л.Тошмуҳамедова, М.Халикова, З.Тоҳиров, О.Шарафиддинов, С.Умиров, Б.Дўстқораев, Н.Абдуазизова, Х.Дўстмуҳаммад каби олимлар, журналистларнинг илмий ишлари мазкур диссертация учун илмий-назарий манба вазифасини ўтади. Ишда газета тили ва адабий таҳрир ҳақидаги ўзбек ва қардош халқлар тилшунослари, олимларининг илмий-назарий фикрлари ҳамда қатор ўзбек олимларининг дарслик ва мақолаларидаги назарий қарашлари ҳам назарий асос қилиб олинган.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Оммавий ахборот воситаларининг ва айнан матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, роли ошиб бормоқда ва ҳаётмизга кун сайин чуқурроқ кириб бораверар экан, бу ўз навбатида матбуот нашрлари сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жараёнларни акс эттираётган материаллар сафида, шубҳасиз, ижтимоий мавзуларни ёритувчи саҳифалар, улардаги янгиликлар журналистикаси пешқадамдир. Газетанинг оммабоп ва ҳаммабоп бўлишида унинг тилидаги мукаммалликнинг ўрни алоҳида. Материалнинг ўқишли ва таъсирли бўлиши энг аввало, унда тил воситаларидан тўғри ва ўринли фойдаланганлиги билан белгиланади. Бунда муаллиф ва муҳаррир маҳорати алоҳида ўринга эга. Мана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда уларни назарий жиҳатдан ўрганиш ишнинг илмий янгилигини ташкил этади. Ушбу тадқиқотдан оммавий ахборот воситалари тили ва таҳрир масалаларини ўрганишда; Олий ўқув юртларининг журналистика факультетларида "Ҳозирги ўзбек тили, услубият", "Оммавий ахборот тили, нотиқлик санъти", "Адабий таҳрир асослари" фанларидан маъруза ўқишда; махсус курс ва семинарлар ўтказишда; университет ва педагогика институтларида ўзбек филологияси ва журналистика факультетлари талабалари ва ўрта мактаблар, академик

лицейлар учун “Ҳозирги ўзбек тили ва услубияти” фани бўйича янги дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг объекти ва предмети:** Мазкур тадқиқот ишининг объектини “Ҳуррият” газетаси ташкил этади. Унинг предмети эса мазкур газета саҳифаларининг материаллари ташкил этади.

**Тадқиқот таркиби.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб “Газета материалларининг умумий хусусиятлари” деб номланиб, учта фаслдан иборат. Биринчи фаслда матн ва унинг турлари, газета матнлари яратилиш тамойиллари, иккинчи фаслда, газета матнларининг жанрий-услубий хусусиятлари, учинчи фаслда эса муаллиф ва муҳаррир, уларнинг матн устида ишлаш тамойиллари масалалари ўрганилди.

Иккинчи боб“Газета материаллари таҳрири ва унда муҳаррирнинг ўрни” деб номланиб, унда газета материалларини таҳрир жараёнидаги ўзига хосликлари, адабий таҳрирда услубиятнинг ўрни, адабий таҳрирда муҳаррир маҳорати масалалари тадқиқ этилди.

Учинчи бобда эса газета материаллари таҳлили ва таҳрири масалалари тадқиқ этилди. Ушбу боб икки фаслдан иборат бўлиб, унда “Ҳуррирят” газетаси мақолалари тили, услуби ва уларда журналист маҳорати ва муҳарирнинг газета материаллари тили ҳамда услуби устида ишлаши масалалари амалий таҳлилга тортилди.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда фикрлар қисқача баён этилиб, бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

# I БОБ. ГАЗЕТА МАТНИНИНГ МОҲИЯТИ

## 1. Матн ва унинг турлари, газета матнлари яратилиш тамойиллари

Газета матни нима? У қандай тузилади, мақсади, вазифаси ва бошқалар хусусида сўз юритишдан олдин асар юзага келиши нимадан бошланиши хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Матн муаллифи уни ёзишдан олдин, аввало, асарнинг шакли хусусида ўйлайди. Демак адабий асар шакли устида ишлаш матн ҳали қоғозга тушишидан анча олдин бошланади. Яратилажак асар хусусидаги ўйлар шаклланиши, ҳаётий фактларни идроклаш жараёнидаёқ асар жанрининг, баёнининг ўзига хос жиҳатлари пайдо бўла бошлайди. Яъни ижодкор асарни қандай шаклда беришни биринчи ўринга қўяди. Чунки шаклсиз мазмун бўлмайди, мазмунсиз эса шакл ҳам мавжуд эмас.

Мана, матн - муаллифнинг ёзувда акс этган ўз сўзи ҳам тайёр. Муаллифнинг фикри муайян шаклга солинган, тил воситаларида ифодасини топган ва ёзув белгиларида қайд этилган. Муаллиф учун матн адабий асар яратиш якуний босқичининг материали бўлиб ҳисобланади. Матн яратиш машаққатли ва ҳисоб-китобли, ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайдиган меҳнат тури саналади.

Нутқий фаолиятнинг ёзма шаклда қайд этилган ўзаро тугал гаплар ўртасидаги узвий боғланишлар изчиллиги сифатида ифодаланган боғли нутқ одатда, **матн** деб юритилади. Матн тушунчаси кенг ва тор маъноларда талқин этилади. Матн, кенг маънода адабий жиҳатдан қайта ишланган ёзма шаклдаги тугал асар, тор маънода муайян мазмуний-мантиқий тугалликка эга бўлган парча, банд.

Тилшунос И.Расуловнинг фикрича, матн - гапдан катта бирлик мураккаб синтактик бутунлик бўлиб, у фикран ва синтактик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган гаплар бирлашмасидан иборат. Унда фикр гапга нисбатан анча тўлиқ бўлади. Ҳозирги даврда матн турлари ва уларга хос бўлган белги-

хусусиятларни аниқлаш давом этмоқда. Биз матннинг ўзига хос белгилари сифатида ахборот бериш, мустақил гаплар ёки мураккаб синтактик бутунликдан ташкил топиши, таркибий қисмлар орасида мазмуний ва синтактик алоқаларнинг мавжудлиги, макон ва замон изчиллиги, яхлитлиги ва тугалланганлиги, бир умумий мавзуга эгалиги кабиларни тушунамиз. Матн ана шундай белгиларни ўзида мужассамлаштирган мураккаб коммуникатив - синтактик бутунликдир.[5] Ю. М. Лотман «матн ифодалилик (маълум бир фикр ифодаланган бўлиши), чегараланганлик (мазмун ва ифодадаги меъёрийликнинг бўлиши) ва структурал бутунлик белгиларига эга бўлиши лозим»[6]лигини таъкидлайди. Айниқса, бадиий матн учун мазкур белгилар фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Матн услубий моҳиятига кўра илмий матн (тезис, мақола, маъруза, аннотация, тақризлар), бадиий матн (насрий ва назмий асарлар), расмий матн (маълумотнома, қарор, буйруқ, тавсифнома, тавсияномалар), оммабоп матн (мақола, суҳбат, табрик ва хитоб нутқи матнлари) каби тармоқларга бўлинади.

Матннинг ҳажм белгисига кўра **микроматн** ва **макроматн** тушунчалари фарқланади. Микроматн кичик ҳажмга (ҳатто, битта гапдан иборат бўлган) эга бўлган, тугал мазмун касб этган асардир. Микроматн дейилганда бирор мавзуни ёритишга бағишланган қатралар, халқ донишмандлигини ифодалайдиган мақол, матал ва афоризмлар, миниатюралар, ҳажвий асарлар, номалар, шеър ва шеърий парчалар, умуман, кичик мавзуни қамраб олувчи бир неча гаплардан иборат бутунлик тушунилади. Матннинг ички томонини мазмун яхлитлиги, ташқи томонини эса турли шаклдаги боғламалар, синтактик воситалар бирлаштириб туради. Бунга мисол қилиб Ўткир Ҳошимовниннг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” номли китобида берилган матнларни келтиришимиз мумкин. Масалан, “Билимдон” сарлавҳали матн: “Ҳамма нарсани биламан, дейдиган одам ҳеч

---

[5] Ҳакимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. Фарғона, 2004. 103-б.

[6] Лотман Ю.М. Структура художественного текста. –М.: Высшая школа, 1970. С-67.

нарсани билмайди!” Ёки “Худбин” номли матн: “Ўзидан бошқа ҳаммани ёмон кўрадиган одам охир оқибат ўзидан бошқа ҳамманинг нафратига йўлиқади.”[7] жумласидан иборат. Ушбу матн битта гапдан ташкил топган бўлса ҳам тугал фикр берилган ва ўзининг мазмун-моҳияти билан ажралиб туради.Хатто ушбу матнларга сарлавҳа қўйилиши матнга қўйиладиган талабга тўлиқ амал қилинганлигидан далолати беради. Яна ушбу мисолларга эътиборни қаратсак: “Сунъий йўлдош яратилдию сайёрамиз глобал театрга айланди-қўйди, бу театрда ҳамма актёр, томошабин эса йўқ.”, “Ғилдирак оёқ учун қандай қулайлик яратган бўлса, тил, нутқ, сўз ҳам ақл учун ана шундай вазифаларни адо этади.”[8] Ушбу жумлаларда фикр тугаллиги мавжуд бўлиб, яхлит матнни юзага келтиради.Микро (кичик) матн яхлитлиги, бир бутунлиги шакл ва мазмун, мавзу ва мулоқот уйғунлигидан юзага келади.

Макроматн – катта ҳажмга эга бўлган ёзма матн. У қисмлар, боблар, параграфлардан ташкил топган бўлиши мумукин. Бадиий услубда ҳикоя, қисса, роман, эпопея каби йирик ҳажмли асарлар макроматн ҳисобланади. Макроматн микроматнлардан ташкил топади. Энг кичик бутунлик абзацга, энг катта бутунлик эса боб(қисм ёки фасл)ларга тўғри келади. Бундай матн таркибида эпиграф, сўзбоши (муқаддима), сўнгсўз (эпилог) каби ёрдамчи қисмлар ҳам иштирок этиши мумкин. Улар асар мазмуни ва ғоясига, шунингдек, мавзунинг танланиши ва ёритилишига оид айрим масалаларга қўшимча изоҳ, шарҳ бўлиб келади.

Матннинг энг кичик бирлиги (ва кўриниши) бўлган абзац хам ўзига хос мазмуний ва таркибий қисмлар қурилишидан иборат. Бундай мазмуний-мантиқий қисмлар одатда кириш, асосий қисм ва хулоса муносабатида таркибланади ҳамда мураккаб синтактик бутунликни, алоқавий тугалликни ҳосил қилади. Унинг мазмуний марказини мавзу ташкил этади.[9]

---

[7] Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. –Т.: Шарқ нашриёт-Матбаа акциядолик компанияси бош таҳририяти, 2013. 7- б.

[8] Дўсмуҳаммад Х. Ахборот – мўжиза, жозиба, фалсафа. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. 302-303-б.

[9] Тошалиев И. Матн услубияти.Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича ўқув дастурлари. - Т.: Университет, 1997.18-б.

Максимал матн ташқи жиҳатдан турлича шаклланган бўлади. Масалан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асари муқаддима, еттита бобдан иборат. Ҳар бир боб эса бир неча фасллардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида бобга оид муҳим масалалар ҳақида алоҳида ва чуқур фикр юритилган. Биринчи боб “Футувватнинг манбаи, моҳияти, тариқат ва одоб ҳамда унинг рукнлари ҳақида”, деб номланиб, 1-фасали “Футувватнинг мазҳари (моҳияти) ва унинг одоби ҳақида”, 2-фасали “Тариқатнинг маъноси ва унга тегишли нарсалар ҳақида”, 3-фасли “Тасаввуфнинг маъноси, унинг одоби ва рукнлар ҳақида”, 4-фасли “Фақр ва унинг одобу аркони ҳақида” сарлавҳалари билан берилган. Баъзи бобларда ўндан ортиқ фасллар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўзноми ва объекти мавжуд. Бундай ҳолат асарнинг мукаммаллиги ва изчиллигини таъминлаган. Ҳар битта айтилган фикр асосланилган.

Макроматн мазмуни ва қурилиши муайян қисмлар, боблар, рукнлар, фасл ёки бандлар орқали аёнлашади. Материал мавзу матн қисмлари ўртасида муносабат бавоситадир - мулоқотнинг умумий мақсади ва асосий мавзу талаби асосида боғланади.

Матний мулоқотда **кириш** қисм одатда руҳий (психологик) ёки бадиий (эстетик) ёхуд мақсад ва муаммолар тавсифи каби вазифаларни бажаради. **Асосий қисмда** мақсад баён қилинади, далилланади, шарҳланади. Матннинг бундай композицион таркибланиши яхлит нутқий тўқимани яратади.

Лингвистик нуқтаи назардан эътироф этадиган бўлсак матн лисоний ва нолисоний воситалар мажмуидан таркибланган асосий алоқавий-нутқий бирлик саналади. Биз, одатда, алоҳида сўзлар билан эмас, балки гаплар, матнлар воситасида мулоқот қиламиз. Шу маънода тугал фикр ифодалаган алоқа бирлигини матн дейиш мумкин. Лекин аксарият махсус тарзда уюшган ўзаро мантиқан боғланган, тугал мазмун ифодалаган гаплар, ифодалар силсиласи тадрижий қўлланиши назарда тутилади.

Матн ёзув воситасида ижро этилган шахсий ёки ижтимоий нутқий фаолият жараёни ва бу жараённинг қайд этилган натижасидир. Матн - тил воситалари орқали ёзма тарзда баён қилинган ва муайян бир тугал ахборот ташувчи ҳужжат. Матн бу инсон фаолиятини мувофиқлаштирувчи, бошқарувчи ва бирлаштирувчи восита; кишиларни турфа хил лисоний ва нолисоний ҳатти-ҳаракатларга ундаш, даъват этиш, уларнинг бир-бирини тушунишларини таъминлаш имкониятига эга коммуникатив бирлик, кенг маънода эса ижтимоий ҳамкорлик қилиш қуроли (коди) алоқа қилиш робитаси (канали) ҳисобланади.[10]

Матн маълум коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий ва лисоний ҳатти-ҳаракатни мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нуқтий ҳодиса.

Матн ижро этилган ва ижод қилинган мулоқот бирлиги сифатида нолисоний коммуникатив бирликлардан (имо-ишора, гавда, қўл ҳаракатлари, кўз қарашлари каби паралингвистик воситаларидан) фарқ қилади. Ёзма матнда эса бундай бирликлар вазифасини пунктуацион белгилар, шрифтлар, харфларнинг кўриниши кабилар бажаради.

Матн ўз “ички дунёси”га эга. Уни тушуниш матн таркибий унсуларигагина боғлиқ эмас. Бунинг учун бир томондан, унинг “ташқи дунё” билан, иккинчи томондан, мазмун ва ғоя билан боғлиқлигини ҳис этиш лозим. Социолингвистларнинг таъкидлашларича, ижтимоий манфаатлар ва зиддиятлар матн таркибланишда (семантика ва синтаксисида) ўзига хос тарзда акс эттирилади. Матн мазмуний товланишларида ижтимоий-ғоявий воқелик таъсири сезилади.

Матн муаммоси, аввало, коммуникатив ҳаракат (алоқа қилиш, хабар узатиш ҳаракати) - нутқий фаолият тури муаммоси билан боғлиқ. Чунончи, “мунозара” ёки “бахс” дейилганда маълум нутқий ҳатти-ҳаракат турини ҳам,

[10]Тошалиев И. Адабий таҳрир асослари. Намунавий ўқув дастури. –Т.:Университет, 2001. 6-б.

аён бир мунозара матнини ҳам англаймиз. Мунозара матни муайян нисбатан барқарор (андозали) қисмлардан иборат бўлади. Оғзаки муаммоларда савол-жавоблар матннинг одатдаги асосий қисмлари (сегмантлари) ҳисобланади. Шу маънода диалог маълум матн турини таркибловчи сегмант саналади. Демак, нутқ амали ва матн тури тушунчалари ҳам коммуникатив ҳаракат тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Масалан, “савол” нутқ амали ҳам, коммуникатив бирлик қисми ҳам ҳисобланади “Мактуб” (хат) ҳам айни шу хил мақомига эга.

Жамиятнинг ўзи ижтимоий матн(контекст). Адабий матн мана шу ижтимоий матн таъсирида шаклланади ва ундаги муносабатлар оламини акс эттиради. Бу журналистика матнларида устувор хусусият касб этади.Матн яратилшида социолингвистиқ, психолингвистик ва парагмалингвистик омиллар ҳам, тамойиллар ҳам иштирок этади. Бунда матнни ўқиш ва тушуниш талаби муҳим ўрин тутади. Чунки матн ахборотнинг асосий манбаи. Бу манба кимга мўлжаллангалигига қараб, аудиториянинг фаҳмлаш, тушуниш ҳамда қизиқиш хусусиятларидан келиб чиқиб оммабоп ёки махсус мутахассис мулоқоти тарзида ифодаланади. Ўқувчи матнни (манбани) ўз билими, тажрибаси, тасаввурларидан келиб чиқиб талқин этади.

Бу муаммо муаллиф ва ўқувчининг матндан англашилган ахборот тури, кўлами талқин доирасидан умумий хабардорлик даражасига дахлдор. Масалан, табобатга оид илмий мақола билан матбуотдаги мутахассис маслаҳати бир-биридан фарқ қилади. Илмий нутқ илм ахли учун мўлжалланган бўлади. Айни мана шу хусусият матннинг аудиторияга мўлжаллаб яратилшидан бир далолат бўлиб, нашр таснифий туркумланиши (типологияси) ҳамда адабиёт, адабий тил услублари туркумланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Илмий матн (асар), расмий матн (ёки услуб), бадий матн каби фарқлашлар шу асосида белгиланади.

Воқеликнинг баён қилиш усулига кўра хикоя, тасвир, мулоҳаза, таъриф, тавсия, мунозара каби турлари фарқланади. Матбуот матнида баён қилишнинг бу усуллари аралаш-қоришиқ ҳолда кенг қўйилади.

Товуш сигналларининг ёзувда қайд этилиши, нутқнинг ёзиб олиши ахборотнинг ноаниқ қисмини қайта ўқиш, матнни иккинчи бор тушуниш ва талқин этиш имконини яратади. Катта ҳажимли матнларда ( масалан: журнал, китобларда) бу ҳол юз бериши мумкин бўлган бир ҳодиса. Аммо оммавий мулоқотда матннинг бу тарзда таркибланиши ва қайта ўқиш орқали тушунилиши мақсадга мувофиқ эмас. Оммавий матний мулоқот бир ўқишли, тез ва онсон тушуниладиган мулоқотдир.

Матндаги ёзув воситаларининг (харфлар, мисралар, шрифтларнинг) жойлашиши, тартибланиши ҳам, уларнинг шакли ҳам маълум маъно ва мақсадни ифодалаш вазифасини касб этиши мумкин. Газета матни муаллиф ва ўқувчи мулоқоти вазиятини ифодалашнинг бутун бир график (параграфем) воситалари мазмунига эга. Газета ишлаб чиқаришнинг компьютерлаштирилиши фонографем ва параграфем воситаларининг турлари ва услубий имкониятларини янада кенгайтирди .

Босма матнни қабул қилиш ва тушуниш вазиятида у ёзилган шароитдаги мазмундан ўзгачароқ талқин этилиши мумкин. Чунки матн ёзилган шароит билан уни ўқиш шароити ўртасида вақт ва макон жиҳатидан маълум узилиш юз беради. Шу боис газета ахбороти ўқувчига қанча тезкорлик билан етказилса, бу узилиш туфайли юзага келадиган мазмуний ўзгариш ҳам, уни ўзгачароқ тушуниш ҳоллари ҳам шунча кам бўлади .

Газета матнини юзага келтиришда таҳрир назарияси ва амалиётидан билимларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Матннинг мукаммал бўлишида маҳоратли муҳаррирлар меҳнатининг ўрни алоҳида.Чунки матбуот, адабиёт соҳасига мансуб ижодий-адабий фаолият кишилари халқ билан асосан ёзма нутқ, демак, матн асосида мулоқот қиладилар. Ижтимоий маданий мулоқотнинг ниҳоятда фаол ва муҳим бўлган бу турини кенг маънода матний мулоқот деб аташ ҳам мумкин. Ҳар қандай матний мулоқот олиму адибдан, мухбиру журналистдан муайян бир муносабатни ифода этувчи маълум адабий тур ва жанрда матн яратишни назарда тутади.

Асар яратиш – мураккаб ижодий жараён. Ушбу ижодий жараён, энг аввало, матн соҳибининг – муаллифнинг нутқий фаолиятига дахлдор. Ҳар қандай матн яратилиш эътибори билан шахсий-ижодий тафаккур ва фаолият маҳсули. Ижодкорнинг услуби ёки маҳорати тушунчалари, матнни таҳрир этиш муаммолари шу асосида тайин этилади. Аммо нашр этилган матн бутун бир ижодий гуруҳ ҳамкорлигида юзага келади ва мураккаб таҳририй ва таҳлилий жараённи ўтайди. Бунда асосий жавобгар, масъул шахс муҳаррир ҳисобланади. Босма сўз ўзининг мақоми ва мароми билан ҳам, маънавий салмоғи ва самараси билан ҳам муҳим ижтимоий-маданий аҳамият касб этади. У энди алоҳида шахсга эмас, бутун инсониятга дахлдор, абадийликка даъвогар. Лекин унинг тақдири муҳаррир маҳоратига ҳам боғлиқ.

Англашилишича, адабий таҳрир муаммоларига журналист ижодкор муаллиф мақомида ҳам, нашр тақдирига жавобгар мутахассис мақомида ҳам бевосита даҳлдор.

Муҳаррир қўлёзма асарнинг биринчи ўқувчиси, унинг маънавий-ижтимоий, ахлоқий-маърифий қийматини баҳоловчи дастлабки қаттиққўл танқидчисигина эмас, матннинг камчиликларини аниқлаб, тузатиб, уни мукаммал босма асар ҳолига келтиришга қодир ижодий мутахассис ҳамдир. У матннинг қайта ишланишига, такомиллашувига жавобгар шахс. Демак, муҳаррир муаллиф ва муштарий олдида нашр тақдири учун масъул. Нашр этилган китоб, рисола ёки газета, журнал мақоласи хусусида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар муҳаррир ёки адабий ходимга ҳам тааллуқли.

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, газета матнида муайян адресатни ошкора ва очиқ кўрсатиш ёки мурожаат этиш ҳоллари ниҳоятда кам учрайди. Чунки газета матни монологик нутқ шаклида юзага келади, лекин у умумга йуналтирилган бўлади. Шу боис монологик публицистик нутқ моҳиятидан диалогик хусусият касб этади. Бу оммавий монологик мулоқотни функционал-коммуниактив табиатидан келиб чиқадиган хусусиятдир. Зеро,

журналист нутқи ҳар доим, ўқувчи, тингловчи билан бақамти келиш руҳи билан юзага келади.

---

“Ёзма тил”, “ёзма нутқ” тушунчаларибилан адабий тил, адабий мулоқот тушунчалари тенг емас. Чунки лаҳжавий нутқ ҳам ёзма шаклга эга бўлиши мумкин. Айни пайтда ёзма нутқ фақат ёзув (матн) шаклида эмас, оғзаки нутқ шаклида (масалан, радиода) мулоқот воситасига айланиши ҳам мумкин. Шунга кўра 1) бирламчи оғзаки нутқ, 2) иккиламчи (ёзилиб кейин ўқилган) оғзаки нутқ ва 3) тайёрланган (масалан, маърузалар, нотиқлар нутқи), **аммо** ёзилмаган оғзаки нутқни оғзаки мулоқотнинг ўзгарувчан ифода турлари сифатида ажратиш мумкин. Оммавий мулоқотда (радио ва телевидиниеда) оғзаки нутқнинг иккинчи ва учинчи турларидан фойдаланилади .

Журналист воқеликни тасвирлашда энг аввало уни кандай шаклда беришни ўйлайди. Шу маънода матн ва унинг турлари, матн яратишнинг асосий тамойиллари ва унинг мукаммаллигини таъминлашда асос бўладиган жиҳатлар ҳақида билим ва малакага эга бўлиши шарт. Муҳаррир учун эса матн, унинг таркибий қисмлари, услубий-жанрий хусусиятларини аниқлаш ва таҳрир жараёнида уларни эътиборга олиш муҳим саналади.Таҳрир илми ва таълимида матн таҳлили ва таҳрири: мавзу ва мазмун, матн қурилиши ва қисмларга бўлиниши, матн ва нашр турлари, мазмуний-мантиқий бирликлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари турли хил сифатдаги хато ва нуқсонларни аниқлаш ва бартараф этиш кабилар билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор берилади. Демак, таҳрир илми ва таълими алоҳида-алоҳида тил ҳодисалари ва бирликлари хусусида эмас, балки яхлит бир матн тузилиши, таркибланиши, лисоний-услубий унсурларнинг муайян бир мазмун, мақсадга, ўқувчилар тоифасига мувофиқлаштирилиши муаммоларидан баҳс юритади.

## 2. Газета матнларининг жанрий-услубий хусусиятлари

Кейинг йилларда янги таҳрирдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга, шунингдек, “Телекоммуникациялар тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминлади. Шу билан бирга, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотлар амалга оширилди”[11]. Ҳеч кимга сир эмаски, журналист жамиятнинг кўзгуси саналади. У юксак малакавий маҳоратга, билимга, шунингдек, истеъдодга эга бўлиши лозим. Маҳоратли журналист деганда кўз ўнгимизда қандай инсон гавдаланади? Профессионализм нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, журналистга биринчи навбатда қўйиладиган талаблар қандай бўлади?

Бу борада матбуотимиз ўзининг оммабоплиги, ахборот етказиш функцияси, ижтимоий-сиёсий ҳаётни таҳлилий ёритиши билан бир қаторда миллий ва умуминсоний маънавиятга, маданият ва маърифатга дахлдор ҳам ҳисобланади. У ижтимоий тафаккурга, мафкуравий юксалишга, сиёсий барқарорликка таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, матбуотнинг ривожи, унинг материаллари мазмун-моҳияти, матни, матний мулоқот маданияти, фикрнинг ўқувчига яхши етиб бориши, тушунмовчилик келиб чиқмаслиги билан боғлиқ ҳолда кечади. Матбуот, хусусан, газета тили оммавий мулоқотнинг ўзига хос шакли саналади. Унинг асосий моҳияти маданий матний мулоқот тарзида амал қилиши ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланганлигидир.

---

[11] Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан // Халқ сўзи, 13.11. 2010.

Газета матнининг мукаммал, бехато ва равон бўлиши учун журналистдан жуда катта маҳорат, билим, кўникма, зийраклик, материалларнинг ижтимоий-мафкуравий, маданий-ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиш малакаси, фикрни ёзма билдириш малакаси талаб этилади. Бунинг учун журналист адабий тил меъёрлари, жумла тузиш, фикрни ёзма билдириш маҳоратига эга бўлиши лозим. Матннинг таркибий қисмлари ва унсурлари орасидаги уйғун боғланиш ва изчиллик, мазмуний ва мантиқий тугаллик, уларнинг шаклий яхлитлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шунга кўра, ўқувчи тушуниши қийин бўлган сўзлар, терминларни сўраб билиб олиш имконига эга эмас. Бундай шароитда газета матни ҳамма учун бирдек тушунарли бўлишини таъминлашни тақозо этилади. Фикрни, хабарни тез ва осон тушунилишини қийинлаштирадиган нутқ воситалари ва синтактик тузилмаларнинг барчаси газета тили учун бегона ҳисобланади. Адабий тил меъёридан ташқарида бўлган тил воситалари (жаргонлар, диалектизмлар, архаизмлар)нинг ишлатилиши чекланади. Нутқ воситаларининг танлаб таркибланиши ҳамда адабий сайқал берилиши матннинг услубий мақоми ва таъсирчанлигини оширади. Матн ҳақида илк тасаввур ва маълумотни берувчи сарлавҳаларни қўллаш, матннинг жанрий хусусиятларини эътиборга олиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бундай жиҳатларни эътиборга олиш муҳаррирнинг ҳам асосий вазифасига киради. Чунки матннинг мукаммал бўлишида маҳоратли муҳаррирнинг ҳизматлари катта. Ҳар қандай матнни сайқаллаб, тўғрилаб, талаб даражасига келтириш муҳаррирнинг асосий вазифаси.

Журналист бирон мавзуда мақола ёзар экан, энг аввало, имловий, лексик, услубий ва бошқа хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилиши лозим. Агар шундай ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, муҳаррир бундай хатоларни “кўздан қочирмаслиги” керак. Ана шундагина газетада оригинал, ўзига хос ва мукаммал материаллар эълон қилиниши мумкин.

Газета тили оммавий мулоқотнинг ўзига хос шакли саналади. Унинг асосий моҳияти маданий матний мулоқот тарзида амал қилиши ва кенг

ўқувчилар оммасига мўлжаллanganлигидир. Газетани бутун халқ ўқийди. Демак, газета нутқи миқдор жиҳатдан кўп, ёши, касби, соҳаси, билими ва ижтимоий тоифаси жиҳатдан хилма-хил бўлган, ҳудудан тарқоқ бутун бир аудиторияга мўлжалланган. Таҳририят уларнинг барчаси билан алоҳида-алоҳида муносабатда бўла олмайди. Бундай шароитда газета тилининг ҳамма учун бир хилда тушунарли бўлишини таъминлаш зарур. Газетада тил воситаларини танлаш ва ишлатишнинг асосий тамойили шудир. Бу газета тилининг оммабоплик ва ҳаммабоплик хусусиятларини тайин этиб беради ҳамда кўпчиликка тушунилиши қийин сўз ва ифодалар, махсус терминларнинг, адабий тил маромидан ташқарида бўлган тил воситаларининг ишлатилишини чеклайди. Айниқса, бу борада муҳаррир эътиборли бўлиши талаб этилади. Ҳар бир сўз, ҳар бир термин матнга мос ва тушунарли эканлигини эътиборга олиши керак.

Газета тилининг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг мазмун кўламининг мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги билан боғлиқ.Яъни газета ахбороти кичик бир корхона ёки маҳалладаги янгиликларни ҳам, дунёда содир бўлаётган турли воқеаларни ҳам ўз ичига олади. Унда расмий-сиёсий материаллардан тортиб, кундалик турмушимиздаги оддий ҳодисаларгача ўз ифодасини топиши мумкин. Демак, газета тили бой тасвирий ифода воситаларига эгалиги билан сўзлашув, илмий ва расмий услублардан ажралиб туради. Газета нутқида расмий услубга хос сўзлар ҳам қўлланилади. Бундай унсурларнинг ишлатилиши кўпинча сунъий ифодалар, шаблон воситалар сифатида баҳоланади. Ўз навбатида, матбуотда расмий ахборотларнинг тез-тез бериб борилишини ҳам унутмаслик керак. Муҳаррир матнга жанр нуқтаи назаридан ёндашиши лозим. Ҳар бир жанрга қўйиладиган талаблар ва уларда тил воситаларидан қўлланишнинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим саналади.

Газета ахборотининг янгилик сифатига эга бўлишида кўп жиҳатдан унинг муайян вақт ва макон тушунчалари билан узвий боғлиқлиги асосида тайин этилади.Аммо ахборотга берилган таърифларда масаланинг айни мана

шу жиҳатига кўпинча эътибор берилмайди. Амалиётда ҳам журналистларимизнинг кўпчилиги ахборотнинг замон ва макон билан боғлиқлиги (булар ахборот манбаини ҳам кўрсатади) истеъмол аҳли учун муҳим аҳамият касб этишига беэътибордирлар. Таҳрир жараёнида муҳаррир масаланинг ушбу томонларига ҳам эътибор қаратиши лозим.

Газета материалларининг муштарийга қизиқарли эмаслиги ҳам умумзамонга хос, аён манбага эга бўлган, вақт ва макондан ташқаридаги азалий муаммоларни, сийқаси чиққан мавзуларни такрорлашдан келиб чиқади. Таҳририят ходимлари газета материалларининг мавзуларига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. “Теша тегмаган”, долзарб ва қизиқарли мавуларда ижод қилинган материалларни танлай олиш ва уларни саҳифаларга жойлаштириш, нашр эттириш бугунги кун журналистикаси олдида турган долзарб масалалардандир. Бу борада муҳаррирнинг фикрлари аҳамиятлидир. Чунки, таҳририятга келган асарнинг биринчи ўқувчиси – муҳаррирдир. Асарнинг чоп этилиши ёки этилмаслиги унинг кўрсатмаларига боғлиқдир.

Журналист ижод қилиш орқали матн яратади. Ўқувчи учун тансиқ бўлган ахборот журналист томонидан баҳоланиб, шарҳланиб узатилган бўлади. Бошқача айтганимизда, ахборот тушунтирилган, баҳоланган бўлади. Демак, оммавий ахборот объектив ва субъектив йўналишларга эга бўлади. «Ахборотнинг объектив жиҳати ҳаққонийлиги билан, субъектив жиҳати муаллиф баҳоси ва талқини билан боғлиқ»[12]. Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот тушунилган, тушунтирилган ва баҳоланган ахборот саналади.

Адабий тилнинг функционал услублари тил воситаларини ижтимоий фаолият соҳаларида маълум анъана ва қонуниятлар бўйича қўллаш тизимидир. Бу функционал тизимлар ихтисослашган тил воситалари ва уларнинг имкониятлари мажмуини ҳам, ҳар бир услубга хос матний қурилиш хусусиятлари ҳам қарор топтиради.

---

[12]Введениявсоциолингвистику. –М.: Высшая школа. 1979. С- 44.

Демак, оммавий мулоқот услуби ҳам ўзига хос тарихий-ижтимоий асослар ва анъаналарига, ахборий кўлам ва уни уюштириш ва узатишнинг усул ва шакллари ҳамда қонуниятларига эга. Унинг матний қурилиш усуллари ва шакллари турфа хил жанрлар билан узвий боғлиқ. Зеро, ҳар қандай нутқ услуби муайян жанрларда ифодаланади. Оммавий мулоқот услуби бой жанрлар силсиласига эга бўлиб уларнинг ҳар бири ўзига хос матний қурилиш тартиблари орқали тавсифланади.

Жанрлар таснифи асосида уларнинг матний қурилишида ўзига хослик ётади. Демак, муайян жанрдаги ахборот оммавий мулоқот услуби доирасида алоҳида хусусиятларга эга бўлган журналист ижодининг алоҳида бир тури ҳисобланади. Жанр таҳлили шакл орқали мазмунни тушуниш демакдир.

Ҳар бир жанр вазифаси ва имкониятларини англаш ҳамда уларга ижодий ёндашиш оммавий мулоқот самарадорлигини таъминлашга, мулоқот усулларини такомиллаштириб боришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан жанрга менсимай қараш ҳолларини маъқуллаб бўлмайди. Чунки жанрдаги аморфлик, қоришиқлик тасаввури амалиётчилар уқувсизлиги ёки жанр назариясидаги камчиликдир. Оммавий мулоқот услубидаги жанрлар тизимини инкор этиш матн қурилишидаги, ахборот ифодалаш усулларидаги қонуниятларни менсимасликка олиб келади, журналист ва муҳаррир маҳоратига қўйиладиган талабчанликни пасайтиради.

Янгиликлар мавзуидаги газета мақолаларининг матний қурилиши оммавий мулоқот соҳасидаги барқарор ижтимоий-услубий тажрибага мувофиқ яратилади;айни пайтда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар «иқлими» (контексти)нинг бевосита таъсирида таркибланади, демак, саҳифадаги шу мавзудаги материаллар билан мазмун ва шакл жиҳатдан маълум муносабатда бўлади.

«Янгиликлар»га хос яна бир хусусият энг муҳим ахборот матн бошланишида баён қилинади, сабаб, оқибат муносабатлари баёни ва буларнинг шарҳи асосий ахборотни тавсифлайди. Уларни таҳрир қилиш

жараёнида холислик, муаллиф келтирган факт-далилларга эътиборли бўлиш талаб қилинади.

Репортажлар нутқий қурилиш шаклларига ниҳоятда бой. Уларда ахборот ватаҳлилий жанрларга хос композицион тузилмалар кенг қўлланилади. Репортёр «Мени» матнга киритилган бўлиши ҳам, назарда тутилган, тасаввур қилинган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан у «Биз» шаклида ёки назарда тутилган ўқувчи тасаввурида ҳам ифодаланди. Бошқа ҳолларда эса журналист ўқувчи билан мулоқот қилиш усулини танлайди. Муҳаррирдан уларга диолог нуқтаи назаридан ёндошиш талаб этилади.

Журналист воқеа шоҳиди бўлмаган ҳолларда ахборот манбаига ҳавола қилади. Хабар жанрида бунинг репортёрга хос андозали ифодалари мавжуд: масалан, «фалон газетанинг (ёки газета мухбирининг) хабар беришича », «Х агентлиги хабарига мувофиқ» каби ҳавола усулларидан кенг фойдаланилади. Бундай ҳолларда журналист янгиликни узатувчи воситачи мақомида намаён бўлади.[13]

Ахборот манбаига ҳавола қилишда хабарнинг тўғрилигига узатувчи тўла кафолат беролмаслигини қўшимча қилиши ҳам мумкин. Баъзан бу «тасдиқланмади» деган хулоса билан якунланади. Бу усул ахборот узатаётган журналист шахсини («мен»ни) таъкидлаш учун ҳам хизмат қилади.

Журналист долзарб мавзуни танлаш, ишончли фактларни топиш ва қайта ишлаш жарёнида унинг мақбул ифода шаклини ҳам танлайди. Ифоданинг бу шакли ва услуби жанр ҳисобланади. У жараён ҳам журналист маҳоратига дахлдор, чунки нутқий ифода қурилиши (композиция) асосий мақсадни ўзига хос режалаштириш ва бошқариш тизими вазифасини ўтайди. Матн тўқимасини ҳис эта олиш – сарлавҳадан тортиб, матн тугаллагунча уни ўқувчи нуқтаи назаридан фаҳмлай олиш малакаси, маҳорати демакдир. У мазмун юклаш, зарур бўлганда кенгайтириш ёки қисқартириш, ўрин

[13]Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. –Т.: Университет, 2006. 109-б.

алмаштириш ёки қайта таркиблаш, шунингдек, ажратиш, бўлаклаш орқали қайд этиш ва таъкидлаш бу маҳоратнинг узвий қирралари ҳисобланади.

Истиқлол туфайли республика журналистларининг ижтимоий ҳаёт воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва ёритишга ёндашуви ҳам тубдан ўзгарди. Эндиликда журналистлар ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш ва ёритишда илмий билмларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, халқаро ҳамжамият эътироф этган умумдемократик қоидаларга таянмоқда. Тадқиқотимиз объекти бўлган "Ҳуррият" газетасини ҳам ана шулар қаторига қўшишимиз мумкин. Ушбу газетада эълон қилинаётган мақолаларда мазмун-моҳият масалалари билан бир қаторда журналист маҳорати муҳим ўрин тутади. Журналист қанчалик мақолага чуқур ёндашса, мақола шунчалик ўқишли, самимий чиқади. Шундай экан, "Ҳуррият" газетаси ўзини оқлай оляптими? У аудиторияга "оҳори тўкилмаган" хабар ва янгиликларни тўғри ва аниқ етказиб бера оляпти? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида "Ҳуррият" газетасида эълон қилинган материалларини мавзу ва жанр хусусиятларига кўра таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги давр ўқувчиларининг билими, савияси, маданий даражаси жуда юқори, уларнинг ўзаро алоқа қилиш доираси ҳам ниҳоятда кенг ва хилма-хил. Бугунги ўзбек газетхони фан-техникадан ҳам, сиёсат ва халқаро аҳволдан ҳам, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидан ҳам хабардор. Бинобарин, унинг хилма-хил воситаларини, турли услуб унсурларини бемалол тушуниш ва фаҳмлаш имкониятига эга. Газета тилида турли услуб воситаларининг ишлатилиши мана шу социолингвистик омил билан ҳам боғлиқ.

Газетанинг мавзу кўлами жуда ҳам кенг. Унда жамият ҳаётидаги долзарб мавзулар назардан четда қолдирилмайди. Масалан, "**Дунёда болам деб яшайди, ўзбек!**" (/HURRIYAT/ 52(856) /2013-YIL 25-DEKABR/) деб номланган мақола Президентимиз томонидан "2014 йил – соғлом бола йили" деб эълон қилинганлиги сабабли чоп этилди. Мақолада маънавиятни юксак

қадрлайдиган, насл-насаби тоза болажон ўзбек халқининг ҳамма орзу-умидлари фарзандлар камоли билан боғлиқ эканлиги, соғлом боланинг туғилиши, ақл-заковати, юксак маънавиятли бўлиб етишишида оила ва онанинг ўрни беқиёс эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, тил билган дунё кезади. Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини амалда қўллаш ҳақидаги “**Чет тилини ўрганиш-давр талаби**” номли мақоланинг берилиши ҳам бугунги кундаги долзарб масалаларни ёритишга эътибор қаратилаётганидан далолат беради. (/HURRIYAT/ 52(856) /2013-YIL 25-DEKABR/) “Ёшларимизни хорижий ахборот ресурсларидан тўлақонли фойдаланишлари ва уларнинг келажакда халқаро ҳамкорликларни янада кенгроқ йўлга қўйишлари учун пухта замин яратади.”, деган фикрлар бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни айтиб ўтиш керак-ки, “Ҳуррият” газетасида “**Жараён”, “Қарор ва ижро”, “Қонун ва ҳаёт”** каби рукнлар остида берилаётган материаллар долзарб мавзуларни қамраб олади. Бундан ташқари газетанинг биринчи саҳифасида бериб бориладиган **“Чоршанбадан чоршанбагача**” рукни остида бериладиган материалларда хафта ичида қабул қилинганЎзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат органлари фаолияти ҳақида маълумот бериб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан эълон қилинган **“Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асолари”** деб номланган мақолада (/HURRIYAT/ 48(852) /2013-YIL 27-NOYABR/)Конститутциямизнинг яратилиш даври, унинг ўзига хос томонлари, жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида фикр юритилади: “Ўзбекистон Республикаси конституциясининг муқаддимаси ва бошқа таркибий қисмларидан унинг моҳият ва мазмунини билиш мумкин. Унда адолат, ҳақиқат, маънавий, миллий аҳлоқий қадриятлар, умуминсоний ғоялар каби мезонлар талабидаги қоидалар мавжудки, бу ҳолат Конституциямизни

шарафлаш, уни бирламчи олий юридик куч манбаи, деб ҳисоблаш ҳамда устиворлигини тан олишга ундайди. ”

**“Ёшлар тарбияси – умуммилий вазифа”** номли мақола эса (/HURRIYAT/ 8(864) /2014-YIL 16-FEYRAL/)2014 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши муносабати билан ёзилган. Унда шундай фикрлар берилган: “Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асоланган ҳуқуқий-демократик давлат қуришдек эзгу мақсадимизни аҳолининг 60 фоиздан ортиғини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз, уларнинг қўллаб-қувватлашисиз амалга ошириб бўлмайди.”

Газетанинг 2014 йил 21 март сонида **“Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!”** шиори остида бир қатор материаллар берилди. Улар ичида энг эътиборлиси Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи эди. Юқоридагилардан кўриниб турибти-ки, “Ҳуррият” газетаси материалларининг мавзу кўлами турли-туман ва долзарбдир.

“Ҳуррият” газетаси саҳифаларида турли жанрларга хос бўлган материаллар мунтазам бериб борилади. Унда аниқ фактларга асосланган хабар ва репортажлардан тортиб, ўқувчини билимини оширишга ҳизмат қиладиган илмий-оммабоп материалларгача, юрагимизни туб-тубидан жой оладиган бадиий асар намуналарию ўйлашга мажбур қиладиган таҳлилий материалларгача чоп этилади. Масалан, “**Университетнинг янги биноси”** номли хабар (/HURRIYAT/ 14(870) /2014-YIL 26MART/), **“Адабиётнинг офтоби - кўнгил”** суҳбати (/HURRIYAT/ 14(870) /2014-YIL 26MART/),**“Газетхоннинг манфаати – асосий мезон”** суҳбат (/HURRIYAT/ 12-13(869) /2014-YIL 21 MART/),**“Медиамарказ: имкониятлар, янги режалар”** илмий-оммабоп мақола (/HURRIYAT/ 11(867) /2014-YIL 11MART/) ва ҳаказо.

“Ҳуррият” газетасида чоп этилаётган мақолалар савиясини янада ошириш устида мунтазам иш олиб борилмокда. Негаки, бугунги давр шиддати, оммавий ахборот воситалари олдига қўйилаётган талаблар ижодкорлардан тинимсиз изланишни, материалларни ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойитишни тақозо этмокда. Муҳарририят ходимларининг айни пайтдаги саъй-ҳаракатлари худди шу мақсадларга қаратилган.

## 3. Муаллиф ва муҳаррирнинг матн устида ишлаш тамойиллари

Матннинг мукаммал ва оммага бирдек тушунарли қилиб яратишда муаллиф ва муҳаррирнинг вазифалари белгилаб берилган. Матнни юзага келтиришда муаллиф ижтимоий ҳаётдаги долзарб масалаларни тил орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Бунда унинг ҳаётни ўрганиши, долзарб масалаларни топа олиши, уларни матн орқали ифодалаши каби фаолиятни амалга ошириши даркор бўлади. Журналист-ижодкор матн яратиш тамойилларини билиши лозим.

Матн яратишнинг, айниқса, уни таркиблаш ва тартиблашнинг ўзига хос тамойиллари мавжуд.Муаллиф энг авволо, матнни ўқувчи (аудитория) эҳтиёжидан келиб чиқиб ахборотннинг асоси ва қўламини, уни ифодалаш усулини танлайди, нашр тури талабаларини ҳисобга олади. Шунга мувофиқ у 1)оғзаки нутқ қурилиши 2) ёзма-босма нутқ қурилиши ёки ҳар иккаласидан аралаш фойдаланиш тамойилларига мурожаат қилади. Матн қурилишининг оғзаки нутқ тамойилигаасосланиши ўзига хос усул сифатида юзага чиқади:

1) контекст максимал қўлланади;

2) мазмуний боғланишлар қайд этилмайди-тасаввур қилинади;

3) узуқ-юлуқлик ва сўз тартибини ўзгартиришлардан;

4) оғзаки нутққа хос киришлар, муражаат шакилларидан фойдаланилади.

Қисқаси, оғзаки нутқ тасаввурини яратишга ҳаракат қилинади. Воқеликнинг баён қилиш усулига кўра хикоя, тасвир, мулоҳаза, таъриф, тавсия, мунозара каби турлари фарқланади. Матбуот матнида баён

қилишнинг бу усуллари аралаш-қоришиқ ҳолда кенг қўйилади. Амалиётда бу икки тамойилдан аралаш фойдаланиш кенг тарқалган. Оммавий мулоқотда:

1) одатдаги маромли матн;

2) услублаштирилган тақлидий матн (бу камроқ учрайди);

3) аралаш матнлар бемалол ишлатилади.

Матн қурилиши алоқавий-фикрий тадрижийлик (динамика) ва фаҳмлаш (декодлаш) қонун-қоидалариги мувофиқ тузилади. Алоқа жараёнида тилдаги барқарор андозалар, маромли тузилмалар турли ўзгаришларга учрайди, қайта таркибланади. Матн тилдаги қоидалар тизимидан кўра ахборот узатиш ва уни тушуниш нуқтаи назаридан келиб чиқиб тузилади.

Гап, матн қурилиши фикрлаш ва фаҳмлаш стратегиясига мувофиқлашади. Матний мулоқотнинг лисоний қурилиши аъмолий-алоқавий (функционал-коммуникатив) қонуниятларга мувофиқ таркибланади, тартибланади. Шундай экан, матннинг муаян мазмуний-мантиқий бўлаги гап шаклидагина эмас, сўз, сўз шакли, сўзлар тизими ёки сўз бирикмалари шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. *Шафтоли олиб чиқди. Янги узилган. Муздеккина* тарзида. Демак, матн таркибидаги гап грамматика дарсликларида тавсия этилган қоидалар тузилишга эга бўлмаслиги, ўзича мустақил қисмларга бўлакланиб ўзгариб, келиши табиий бир ҳол. Зеро ифода (матн ёки гап бўлаги) ўзи қўлланаётган алоқа вазияти матн мазмуни ва мақсадига мувофиқлаштирилганда маромли барқарор лисоний қурилмалар матний ўзгаришлар тадрижига бойсундирилади. Бу тилнинг табиятига зид ҳодиса эмас. Тил турли алоқавий вазиятларида матнни таркиблашда ўзини ўзи тартибга солувчи ҳамда шу орқали нутқ эҳтиёжларига мувофиқлаша оловчи ноёб ҳодисадир. Матн - лисоний асар; код (рамз)эмас, балки кодланган хабар, ахборот. Матн - боғли нутқ занжири, гаплар унинг халқалари. Бу халқалар ҳажми, бичими, тузилиши жиҳатдан бир хил эмас. Лекин муайян халқа (ифода) муайян матн тўқимасида ўзининг биргина имконияти (шакли,маъноси) билангини иштирок этадию барқарор

ўзгармас тил мулоқот асносида турфа хил ўзгаришларга учрайди. Қалам аҳли унинг бу табиятини яхши ҳис қилиши ва ўз фаолиятида бу фазилатлардан ўринли ва чиройли фойдалана олиши лозим.

Узатилган ахборотни адресатга айнан етказиш ва уни айнан тушуниш талаби журналистдан матнни таркиблашда ифода воситаларини тўғри танлашгина эмас, балки мақсадга мувофиқ ўринлаштиришни ҳам талаб қилади. Бу талаб матн унсурларини қўшиш, ажратиш, узоқлаштириш ёки яқинлаштириш, тенглаштириш ёки истисно қилиш, илова қилиш, қайта номлаш, такрорлаш каби нутқ амаллари орқали бажарилади. Бундай амаллар матн қурулишининг ўзига хос тадрижий алоқавий грамматикасибор дейишга асос бўла олади.

Матн яратилишда психолингвистик жараёнларнинг ҳам ўз ўрни бор.Оммавий ахборот матнларини яратиш (ижод қилиш)даги психолингвистик жараёнлар тахминан шундай кечади: коммуникатор (журналист) нутқий ифодани айтишдан ёки ёзишдан олдин, энг аввало, **хабар асоси**ни танлайди, кейин уни узатиш каналига мувофиқ келувчи **ифодалаш усуллари**ни белгилаб олади. Бошқача айтганда, журналист “Нима ҳақида ёзиши керак?” ва ”Уни қандай ёзиш лозим?” деган саволларга жавоб излайди ва ўз ҳатти-ҳаракатларини режалаштириб олади.

Хабар асоси - воқелик манзарасини ахборот доирасида ошкора гавдалантириш танланадиган тушунчалар мажмуи билан боғлиқ таг билимдан иборат; бу билим мулоқотдошларининг (комуникатор ва аудиториянинг) воқелик унсулари ҳақидаги умумий билим ва тасаввурларида ўзаро мувофиқликни ёки улар ўртасидаги тафовутни акс эттиради ва бир бутун ҳолда **ахборот (хабар) соҳасини,** мулоқот(матн) туриниҳамда ифодаланиш услубидаги ўзига хосликни белгилаб беради.

Журналистнинг мавзунинг, қаламга олинадиган соҳанинг асосий тушунчалари (сўз ва атамалари), ишлаб чиқариш жараёнларидан хабардорлик даражаси (билими) қанча юқори бўлса, матнни таркиблаш ва тартиблаш жараёни ҳам шунчалик осон кечади; ахборот тўплаши (масалан,

савол бериши), уни таҳлил қилиши ва қайта ишлаши осон бўлади. Ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган ёш журналистларнинг аксарият қисми айни мана шу масалада қийналишларини эътироф этишади. “Қурилишдан репортаж ёзиб келишим керак, лекин бу ишни кўнгилдагидай эплай олмадим. Менинг бу соҳадан бутунлай бехабарлигим панд берди; ҳатто қандай саволлар бериш кераклигини олдиндан ўйлаб ҳам олмаган эканман. Натижада, зарур ахборотни тўплай олмадим - ёзганим одий хабардан фарқ қилмай қолди,” - деб эслайди тажрибали журналист ўзининг эндигина иш бошлаган пайтларини. “... Кўп ҳолларда ҳамма нарсани тушуниб етолмайман, менимча, бу журналист учун табиий ва қонунийдир. Аммо жавоб олиш истагида берадиган саволлари моҳиятини билиб олмасдан туриб лабараторияга ёки олимдан интерью олишга ошиқмайман” - деб ёзади, машҳур шарҳловчилардан бири [14] . Ўзбек матбуотида илмий-оммабоп материалларнинг ниҳоятда кам нашр этилишини ҳам айни мана шу сабаб билан изоҳлаш мумкин. Машҳур олим академик В.Қ.Қобулов мухбирнинг “кенг халқ оммаси илм-фан янгиликларидан ўз вақтида хабар топмоқдами?!” деган саволига қуйдагича жавоб беради: “Тўғри, бу соҳада қалам тебратаётган журналистлар баҳоли кудрат ёзмоқдалар, лекин кашфиёт жараёнининг миридан сиригача “кўринмас” томонларигача ҳаммаси ўзларига аён бўлган олимлар бу соҳада кўп иш қилишлари керак. Чунки бадиий адабиёт (матбуот ҳам) ўқувчининг тилини бойитади, китобхон ўқиш жараёнида турли иборалардан, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишга, таъсирчан ёзишга одатланади. Халқ оммасига мўлжаллаб бирор асар ёзмоқчи бўлган олим формула тилида эмас, балки бадиий тилда сўзлаши керак. Бу осон эмас!”. Бу “кашфиётнинг миридан сиригача” номаълум бўлган журналистлар учун ҳам осон эмас. Бу мулоқот соҳалари (фан тили ва оммабоп тил) ва уларга хос тушунчалар олами ўртасидаги тафовут билан

[14]Эрназаров Қ, Маматова Ё, Тошалиев И. Репортёрлик фаолиятингназарияси ва амалиёти. Ўқув қўланма. -Т.: Университет, 2002. 167-б.

боғлиқ бўлиб, нафақат матнни таркиблашни ҳатто савол бериб, ахборот олишни ҳам қийинлаштиради.

Мавзуга, соҳага оид махсус сўз ва ифодалар миқдори қанча кўп бўлса, шунча матн ҳажми ҳам катта бўлади: қўшимча шарҳу изоҳлар бериш, таърифу тавсифлар киритиш талаб қилинади; бадиий тасвирий ифодаларга, метафорик қўлланишлар, ўхшатишу муқоясаларга эҳтиёж сезилади. Ахборот манбаи, ахборотни қайта ишловчи журналист ва аудиториянинг билим ва малакасидаги тафовут шу тарзда бартараф этилади - оммабоп матн яратилади.

Матн таркибий қисмларнинг яратилиши муаллиф мақсадига бевосита боғлиқ бўлиб, ундаги амаллар муайян ифодаларни таркиблаш усулларини ҳам белгилаб беради. Гаплар кетма-кетлиги матн яратишнинг асосий шартларидан бўлиб, ундаги аён тартибда ифодаланган билим ва маънолар биргаликда янада юқорироқ даражадаги яхлит ва тугал мазмуний бирликни ҳосил этиши керак. Бу ўқувчи онгида маълум фикрий ахборий майдонни, воқелиқ манзарасини гавдалантиришга йўналтириши даркор. Демак, оммабоп матннинг яратилишига намунавий адресант (ўқувчи) тимсоли омили муҳим мезон сифатида амал қилади. Оммавий ахборий матнни яратиш муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий-нутқий амалларининг турлари табиятига ва уларнинг таркибланиш қоидаларига, хусусан, матннинг қисмларга ажратилиш сабабларига боғлиқ бўлади.

Муаллиф хабар мазмунини ифодалаш учун катта миқдордаги лисоний воситаларни, уларни таркиблашнинг турфа усулларини танлаш имкониятига эга. Лекин бу имконият қуйидаги ҳолатлар таъсирида чекланади, чегараналади :

1. Фикрий амаллар (умуман, фикрлаш тарзи) матний тузилмани яратиш (уни таркиблаш, қисмларга бўлаклаш, таъкидлаш, парагматик муносабат ифодалаш) тамойилларга бевосита таъсир этади.

2. Фикрий бирликлар, воқелик унсурлари ўртасидаги турли хил боғланишлару муносабатлар муаллифнинг лисоний хотираси, нутқий

малакасидаги воситалар ва қоидалар мажмуи асосида акс эттирилади; муаллифнинг тил бойлиги, матн яратиш тажрибаси, воқеликни тушуниш ва талқин этиш имкониятларини, шахсий муносабатларини намоён этади.

3. Матн яратувчи журналист аудиториянинг хабарини қабул қила олиш хусусиятларини тавсифловчи ўлчаму мезонларга, чамалаш тасаввурларига таянган ҳолда иш кўради.

4. Матнни фаҳмлашни осонлаштирувчи турли усулларга, андозавий тузилмаларга кўпроқ мурожаат қилинади.

5. Фикрни грамматик қоидаларга мувофиқ гап ёки боғли нутқ шаклиги кўчиришнинг мавжуд қоидаларига риоя қилинади. Бу хусусиятлар матнни таркиблаш (ижод этиш)нинг мазмуний-мантиқий (семиотик) ҳамда психологик-парагматик асосларини ташкил этади.

Матн яратиш мураккаб жараён бўлиб, барчага бирдек тушунарли ва таъсирли тарзда ифодалаш учун муаллифдан билим ва маҳорат талаб этилади. Газета материалларини оммага етказишда муаллиф ва муҳаррирнинг ҳамкорликда ишлаши муҳимдир.

Матнни мукаммал тарзда эълон қилинишида муҳаррирнинг ўрни катта. Муҳаррир муаллифнинг биринчи ёрдамчиси.У асарнинг биринчи ўқувчиси, тақризчиси ва танқидчисидир. Муҳаррир асарнинг нашр йўлини белгилайди, нашрни йўналтиради, кўп жиҳатдан унинг тақдирини ҳал этади. Нашр жараёнида иштирок этувчи бошқа бўлинмаларнинг мутахассислари – техник муҳаррир, мусаҳҳиҳ, бадиий муҳаррир, бугунги кундаги дизайнер - қайсидир даражада унинг мўлжаллаганларини амалга оширадилар.

Нашрдан чиққан асар ғоявий-сиёсий, илмий, маърифий мазмунига кўра аудиторияни тўлиқ қаноатлантиришида муҳаррир масъулияти юксакдир, бу борадаги барча масъулият унинг зиммасига тушади. Ўз фаолияти мобайнида муҳаррир миллий мафкура тамойилларига амал қилиши лозим, адабий асар турларидан қай бирининг нашри учун

масъул бўлса, шу асар умумхалқ манфаатлари акс эттириши, миллий мустақиллик ғоялари, кучли қонунчилик давлатидан фуқаролик жамиятига ўтиш тамойиллари, давлат юритаётган оқилона халқпарвар сиёсатга мувофиқ бўлишлигини таъминлаши талаб этилади.

Нашр маҳсулотларининг сифатли бўлиши учун тинмай курашиш муҳаррирнинг фаолиятини асосини ташкил этади. У ҳар бир асар мазмун моҳияти, мақсади, қайси аудиторияга мўлжаллanганлигига кўра ўз вазифасини тўла-тўкис бажара оладиган бўлиши лозим.

Нашриётлар ва таҳририятлардаги асосий мутахассис, бу – муҳаррир. Адабий асар дунё юзини кўришида нимаики қилиш лозим бўлса, барчасида муҳаррирнинг қайсидир даражада иштироки бўлади.

Айтайлик, асар нашрдан чиқди. Бу, муҳаррирнинг иши тугади, дегани эмас. Ҳозирги замонноширлиги муҳаррирнинг вазифаси доирасини сезиларли кенгайтиришни тақазо этади. У китоб дўконларида, кутубхоналарда бўлиши, ноширлик ишига алоқадор анжуманларда фаол иштирок этиши, китоб савдоси бўйича тадбирларда, кўргазмаларда қатнашиши, китобхонларнинг китобларга берган баҳолари, фикрларини ўрганиши, хуллас, бир сўз билан айтганда, маркетинг билан ҳам шуғулланиши керак. Булардан ташқари, муҳаррир китобшуносликдан ҳам яхши хабардор бўлиши талаб этилади. Бу унга навбатдаги китобни нашрга тайёрлашда асқотади. Зеро, кейинги китоб олдингисидан, албатта қайсидир жиҳатлари билан яхши бўлиши лозим. Бунинг учун мунтазам, ҳар куни, бутун фаолияти давомида изланиш, ўрганиш ва тадқиқ этиш керак бўлади.

Муҳаррирнинг қизиқарли, мазмунга бой, камдан-кам учрайдиган серқирра фаолияти, бошқа ҳар қандай фаолиятидан фарқли ўлароқ, ҳамиша сиёсий жараёндан, фан ва техника, маданиятнинг энг янги ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлишини, мунтазам равишда

жамоатчилик фикрини ўрганишни,ноширлик соҳасидаги илғор тажриба ва технологиялар билан танишиб боришни, ўзида соҳавий иннавационусулларини амалга тадбиқ эта билиш малакасини ҳосил қилишни долзарб масала қилиб қўяди.

Қўлёзманинг биринчи ўқувчиси сифатида муҳаррир муаллифга ўз асарини чуқурроқ идрок этиш, четдан кўриш, тўлароқ ҳис этишда кўмакдош бўлади. Ҳар бир муаллиф, агар, у том маънода ижодкор бўлса, ўз асари учун бегона кўз қанчалар кераклиги эканини яхши билади. Муаллиф учун муҳаррир мутахассис сифатида жуда кераклидир. Муҳаррир  бошқалардан кўра, тийрак ва зийраклик билан асарни ўқийди. Китобхон учун эса муҳаррир – унинг вакили, унинг манфаатларини кўзловчи. Муҳаррир матнни ўқувчи нуқтаи назаридан ўрганди. Асар аудитория томонидан қандай қабул қилинади, баҳоланади, шуларни олдиндан сезади.

Бугунга келиб таҳрир ишига мураккаб техника жадал тадбиқ этилмоқда. Ўқийдиган қурилмалар, дисплейлар, шахсий компьютерлар, ноширлик тизимин ингқурилмалари, ўлчами турлича бўлган экранлар, унга бир йўла киритиладиган рақамлар, белгилардан матнни тузатишдаги барча юмишларни бажаришда фойдаланиш имкони мавжуд. Техника ёрдамида белгиларни олмаштириш, қўшимча қисм киритиш, сатрларни суриш, бир жойдан бошқа жойга ўтказиш, хатбошини тиклаш, йўқотиш ва ҳ. ларни амалга ошириш мумкин.

Нашр жараёнига янги техникани жорий этиш матн ташқи кўриниши – шаклини андозавийлаштиришга олиб келади, муҳаррирнинг уни қайта-қайта қўлга олишдан озод қилади. Тўғридан-тўғри «оқ»қа ўтишни талаб этади. Компьютерда ишлаш матн яратиш ишидаги техникавий жараённи осонлаштирибгина қолмайди, балки у муҳаррирнинг фикрлашини уйғунлаштиради, касбий малакани

такомиллаштиришга ёрдам беради. Бироқ муҳаррир нашр жараёнига тадбиқ этилган техникавий воситалар имконияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Шуни яхши билиш керакки, техника муҳаррирнинг ишини осонлаштиради, лекин, зинҳор, унинг ўрнини боса олмайди, чунки у ижодий вазифаларни бажаришга қодир эмас.

Табиийки, муҳаррир матн устида ишлашнинг бутун мобайнида, ниҳоятда фаол, ҳушёр, диққат-эътиборини бир ерга жамлаган бўлиши керак. У матнни қандай идрок этишлигини назорат қила олиши, муаллиф мулоҳазасидаги ўзига хосликни баҳолай билиши керак. Бу муҳаррирга ўзи тутадиган йўл (стратегия)ни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, айниқса, тузатиш жараёнида.

Тажрибали муҳаррирлар таҳрир ишининг энг қийин жойи матнни ўзгартиришни амалга ошириш, деб ҳисоблайдилар. Чунки, у матнда ёт унсурдек бўлиб қолмаслиги керак. Киритмалар бегоналиги сезилмаслиги, муаллиф матнининг узвлари бўлиб қолиши керак.

Муҳаррирнинг ҳар бир қайди қўлёзма камчилигининг таъкидигина эмас, балки аниқ тавсия вазифасини ҳам ўташи лозим. Бу муҳаррир қайдлари  муаллифга тақдим этилишидагина эмас, балки келгусида ишларни амалга ошириш дастури сифатида ҳам муҳимдир.Матнни фаол идроклаш, фикрлар аниқлиги муҳаррир фаолияти ва хатти-ҳаракатидаги зарурий жиҳатлар ҳисобланади.

## II БОБ. Газета матнлари таҳрири ва унда муҳаррирнинг ўрни

### 1. Газета матнларини таҳрир жараёнидаги ўзига хосликлар

Қалам аҳли иншо фани, услуб илми қонун-қоидаларини, ёзма мулоқот маҳорати, матн яратиш ва уни ислоҳ (таҳрир) қилиш орқали такомиллаштириш усуллари, йўл-йўриқларини бутун ижодий фаолияти жараёнида ўрганиб, ўзлаштириб боради. Журналист ижодий-услубий имкониятларининг кенгайишида, матн яратиш жараёни ҳам, уни таҳрир қалами билан мукаммаллаштириш ишлари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳрир атамаси энг аввало — “тартибга келтириш” (лотинча: “redactus”) [15] деган маънони англатсада, ҳозирги ўзбек тилида матнни текшириш, тўғрилаш, мукаммаллаштириш ва қайта ишлаш жараёнини ҳамда шу иш жараёнига оид фаолият турларини ҳам ўз ичига олади.

Умуман айтганда, адабий таҳрир ижтимоий-мафкуравий, адабий-ижодий фаолиятнинг матбуот материалларини чоп этиш, радио ва телевидениенинг эшиттириш ва кўрсатувларини эфирга узатиш, тайёрлаш, журналистика ихтисослиги билан бевосита алоқадор бўлган шакли ҳамда тури ҳисобланади.

Матнни таҳрир қилиш ижодий жараённинг зарурий элементи сифатида ўз материалини ўқувчилар, тингловчилар ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этаётган ҳар бир муаллифнинг бурчи, вазифаси ҳисобланади. Журналист ва нашриёт муҳаррирининг турли хил матнларни ижтимоий-мафкуравий, маданий ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиши ва таҳрир қила билиш малакаси, маҳоратига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Таҳрир малакаси ва маҳорати журналист ихтисослиги тавсифининг асосий шартларидан бири саналади. Муҳаррирлик турли хил матнлар устидаги кўп қиррали мураккаб ижодий иш. У таҳрир назарияси ва амалиётидан зарур билим ва малакани тақозо этади.

[15] В.С.Терехова. Литературное редактирование.- М.: Высшая школа, 1975. С- 6.

Таҳрир назарияси ва амалиёти матнни тартибга солиш, мукаммаллаштириш, нашрга тайёрлаш ва нашр этиш жараёнлари, бу жараёнларнинг ўзига хос тутумлари ва усулларини ўрганувчи ҳамда ўргатувчи илмий-амалий фан. Бу фан журналистика, хусусан, муҳаррирлик таълимининг (ишининг ҳам) назарий асоси ҳисобланади. Унинг асосий тадқиқот ашёси матнни таҳрир қилиш жараёни ва муҳаррирлик фаолиятидир.

Матн таҳлили ва таҳрири жараёнида ифода воситаларининг танланиш ва таркибланиш тарзи лексик-грамматик ва мазмуний-услубий жиҳатдан ҳам, аъмолий-алоқавий жиҳатдан ҳам танқидий баҳоланади. Бунда муҳаррирлар тўғри-нотўғри (хато), жоиз — ножоиз, жўяли — ножўя, мумкин — мумкин эмас, мақсадга мувофиқ — мақсадга мувофиқ эмас қабилидаги тушунча (баҳолаш амал) ларидан фойдаланадилар. Шунга қарамай, бу тушунчалар моҳияти, уларни қўллаш мезонлари аниқ ва тўлиқ белгиланган эмас. Шу боис матн унсурларининг танқидий таҳлилида, хато ва камчиликларни баҳолашда тил ва нутқ ҳодисалари билан боғлиқ икки ҳолатни ҳисобга олиш зарур:

**Биринчи ҳолат** лисоний воситаларни танлаш ва таркиблаш билан боғлиқ. Бу йўналишдаги танқидий таҳлил грамматика (тил тизими) қоидаларига ва адабий тил маромларига асосланиб, одатда, тўғри/хато, маромли/маромсиз тарзидаги муқобил баҳолаш амалларини тақозо этади.

**Иккинчи ҳолат** бевосита лисоний воситаларнинг матний қуршовда ишлатилиши (лисоний воқелик – нутқ жараёни) билан боғлиқ бўлиб, одатда жоиз/ножоиз, жўяли/ножўя, мумкин/мумкин эмас, мақсадга мувофиқ/мувофиқ эмас ифодалари орқали баҳоланади. Бу тушунчаларни умумлаштириб, “мақсадга мувофиқ ва мақсадга мувофиқ эмас” муқобили билан белгилаш мумкин.

**Мақсадга мувофиқлик** тушунчаси икки хил талқин этилади:

1) муайян ижтимоий-маданий лисоний мааром билан дахлдорлик;

2) мазмундорлик/мазмунсизлик,фаҳмланганлик/фаҳмланмаганлик тасаввурлари билан боғлиқлик сифатлари тушунилади.

Ҳар икки талқин моҳият эътибори билан мантиқий, аъмолий-алоқавий, матний-услубий баҳолашни назарда тутади

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, маромлилик/маромсизлик, мақсадга мувофиқлик/мувофиқ эмаслик тушунчалари нутқ (матн) соҳиби (муаллиф) маданий мақоми ва малакасининг тоифаланиши масаласи билан алоқадаор. Ушбу танқидий баҳолаш мезонларининг фаҳмланишига нисбатан нутқ амалларини баҳолашнинг уч сатҳини ажратиш мумкин:

**А.** Лисоний воқелик, яъни умуман нутқ фаолият жараёни одатда бутун халқ тушунчаси билан узвий боғлиқ тушунча. Бунда умумхалқ тилининг барча кўринишларига хос хусусиятлар ҳисобга олинади. Сўзловчи субъект — бу бутн халқ. Демак, муҳаррир матн таҳлилида лаҳжавий ва ижтимоий нутқ турларига хос хусусиятларни эътиборга олиш зарур.

**Б.** Умумадабий лисоний маромлар доирасидаги даражаланишлар муайян ижтимоий фаолият соҳалари, ижтимоий гуруҳлар нутқига хос жиҳатларни ҳисобга олишни тақозо этади. Турли нашрлар ва усулларга мансуб матнлар таҳририда бу мезон алоҳида аҳамият касб этади.

**В.** Лисоний тизим қоидалари ва нутқий қонуниятларнинг уйғун ҳолда воқеланиши одатда фаолияти тил билан боғлиқ ижодкорлар, зиёлилар, муҳаррирлар, тилшуносларнинг нутқий малакаси, матний маҳорати билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Демак, нутқни, матнни танқидий таҳлил этишда муҳаррирлар зиммасига алоҳида ижтимоий-маданий масъулият юкланади.

Муҳаррир фаолиятида фақат лисоний сезгининг ўзи камлик қилади. Лисоний сезги таҳрир жараёни самарадорлигини тўлиқ таъминлай олмайди. Муҳаррир тил тизими воситалари ва қоидаларини яхши билиши, нутқ жараёнидаги лисоний ва нолисоний қонуниятлару маҳорат мезонларини илмий асосда эгаллаган бўлиши даркор. [16]

Матн таҳрири ва таҳлилида эътиборга олиниши зарур бўлган лисоний ва нолисоний омиллар:

---

[16] А. Абдусатторов, И. Тошалиев. Оммавий ахборот воситалари тили ва услуби. - Т.: Ўзбекистон, 2000. 85 - б.

1. Мавзу ва воқелик соҳаси;

2. Муаллиф муносабати;

3. Ижтимоий алоқа соҳаси ва шароити;

4. Матн яратилган давр ва вазият;

5. Муаллифнинг шахси, мавқеи;

6. Муаллиф услубининг ўзига хослиги;

7. Матннинг жанрий хусусиятлари;

8. Нутқ турлари ва шаклларининг таъсири;

9. Умумхалқ тили кўринишлари унсурлари ва хусусиятлари иштироки;

10. Адабий тил услубий воситалари ва имкониятлари; иштироки ва вазифаси;

11. Матннинг мазмуний таркибланиш ва қисмларга бўлакланиш усули;

12. Матн қурилишидаги нутқий-услубий санъатлар;

Таъкидлаш жоизки, бу омиллар турли услубга оид матн(асар)ларда турлича нисбатда намоён бўлади ҳамда ўзига хос алоқавий-услубий қиймат касб этади.

**Матнни ўқиш.** Матн таҳлили қўлёзмани ўқишдан бошланади. Қўлёзма матнини ўқиш турлари ва унинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

**Биринчи ўқиш.** Ўқиш-танишув. Бунда асосан мавзунинг танланиши, ишланиши, қўлёзма матни адабий шакли ва унинг адабий жиҳатдан сифати баҳоланади. Биринчи ўқиш кўпроқ асарнинг мазмуний, ғоявий таҳлилига дахлдор. Бунда асарнинг асосий ғояси, структураси, умумий маъноси ва нашрга яроқлилиги кўздан кечирилади. Биринчи ўқиш, айниқса, муаллиф нигоҳидан четда қолган, аниқ-равшан кўриниб турган фактик, грамматик, маъновий, синтактик, стилистик, хатоларни тузатиш вазифасини бажаради. Асар ҳошиясида баъзи бир мулоҳазалар қайд этиб борилади. Биринчи ўқиш матнни ахборот шакли сифатида эмас, аён воқелик тарзида танқидий ўқишдир.

**Иккинчи ўқиш.** Таҳлилий ўқиш. Бунда қўлёзма матнини муайян ахборот шакли сифатида танқидий таҳлил қилинади. Асар ёки мақоланинг таркибий қисмларининг мазмуний-таркибий боғланишлари, компазицион тартибланишига доир камчиликлар белгилаб олинади. Матн фикран бобларга, боб(қисм)лар ички қисмларга, абзацларга, абзацлар эса гапларга бўлакланиб, улар ўртасидаги мазмуний ва грамматик боғланишлар танқидий таҳлил қилинади. Ва бу борадаги нуқсонлар қайд этилади ҳамда уларни бартараф этишга оид тадбиру тавсиялар белгилаб олинади. Матндаги фактлар, кўчирма(цитата)лар, адабиётларга қилинган ҳаволалар текширилади.

**Учинчи ўқишда** эса матнни адабий жиҳатдан қайта ишлаш, тузатиш ва бевосита таҳрир жараёни бошланади.

Матн таҳририда объектив баҳолашнинг сўнгги босқичи: муаллифнинг фактларни қўллаш маҳорати, мавзунинг қай даражада саводхонлик билан таърифлангани, ўз аудиторияси, унинг дид ва эҳтиёжларидан хабардорлиги, ўқувчи, тингловчи ва томошабин диққатини кучайтириш учун қўлланилган психологик методлардан қай даражада унумли фойдалангани ва албатта, журналистнинг айни пайтдаги энг муҳим мавзулар ва қизиқарли маълумотларни тўлиқ ва тушунарли тарзда баён этишдаги адабий қобилияти билан белгиланади[17].

Қолаверса, таҳрир бутун муҳарририятнинг ижодий потенциялини, ўша матн таҳририда ҳал қилувчи қарорни қабул қилган ходимнинг малака ва маҳоратини намоён этади.

Тажрибалардан маълум бўлдики, журналистик матн услубининг самарадорлигини ошириш ва мазмунан кучайтириш учун олдиндан кўриладиган чоралар, кейинчалик тузатиш билан боғлиқ бўлган ҳамда бошқа кўпгина муаммоларни олдини олади.

Муҳарририят ишида газета учун мавзу ва қаҳрамон танлаш билан бошланадиган, газета саҳифаларида пайдо бўлиши билан якунланадиган

---

[17] А.Н.Мельников. Литературное редактирование. - М.: Высшая школа, 1980. С - 25.

узлуксиз таҳрир ва ўз-ўзини таҳрир қилиш жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Қўлёзмалар устида ишлаш мураккаб ижодий жараён ҳисобланади. Уни муайян шаклга келтиришга ҳамманинг ҳам сабри чидамайди. Кўпинча, бу жараён таҳририятда ўзбошимчалик, нохолис фикрларнинг пайдо бўлишига, редакциядаги ходимлар ўртасида муносабатларнинг кескинлашишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу кўпроқ, муҳаррирлик этикаси билан боғлиқ масала.

Энг аввало, тузатишлар, қачонки уларнинг зарурлиги исботлансагина ўринли бўлади. Муҳаррир ҳар доим ўз қарорини нимага асосланиб қабул қилганини изоҳлаб бериши шарт. Нохолис баҳолаш, ўз дунёқараши, дидини устун қўйиб муаллиф фикри билан ҳисоблашмаслик, унинг услубини тан олмаслик бу ерда ўтмайди.

Маънавий тузатишлар поғонама-поғона амалга оширилиши керак: қўлёзмадаги нуқсонларни бартараф этиш, ҳатто, кўзга ташланмайдиган, кичик хатоларни ҳам зудлик билан олиб ташлаш лозим. Энг ёмони, қўлёзмани қайта-қайта тузатишдир. Бу эса ходимлар ўртасида ўша материалнинг яроқлилигига, муҳаррир малакасига шубҳа уйғотади.

**Адабий таҳрир мезонлари**

Журналистик материалларни баҳолаш қуйидаги асосий мезонлар билан ўлчанади:

— Чоп этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги;

— Материалнинг нашр тури ва мақсадига тўғри келиши;

— Матннинг мантиқий баёни ва семантик тузилиши;

— Фактик материалнинг сифати;

— Мақола компазицияси;

— Бадиий қиймати;

— Келтирилаётган маълумот ва ахборотларнинг тўғрилиги ҳамда аниқлиги;

— Фойдаланилган ҳаволаларнинг аниқлиги;

— Ҳаволанинг манбага мувофиқлиги;[18]

Материалга ўзгартиш киритиш меъёри тузатишнинг қуйидаги асосий турлари билан боғлиқ:

— Тузатиш-ўқиб чиқиш;

— Тузатиш-қисқартириш;

— Тузатиш-ишлов бериш;

— Тузатиш-қайта ишлаш;[19]

Фактик материалларни текшириш асосий уч босқичда амалга оширилади:

— Фактларни ишончли манбалар билан солиштириб кўриш;

— Ички текшириш (оригинал матндаги одамларда эътироз уйғотиши мумкин бўлган фактларни қарама-қарши фикрлар асосида текшириш);

— Расмий тасдиқ;[20]

Матн тили ва услуби устидаги тузатишларда қуйидаги асосий мезонларга риоя қилиш зарур:

Тил ва услубий воситалар материалнинг мавзу ва ғоясига тўғри келиши шарт. Бу ерда гап нутқнинг қай даражада ўринли эканлиги ҳақида кетмоқда. Таъкидлаш жоизки, оғзаки ва ёзма нутқ ҳар доим муайян мақсадга йўналтирилган бўлиши, аниқ адресатга мўлжалланган муайян ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиқиши ва аниқ мақсадни ифодалаш асосида амалга оширилади. Аслида, ушбу омилларсиз нутқнинг бўлиши мумкин эмас.

Ўринли нутқ тил воситалари ва материал мазмунининг ўзаро мутаносиблигини, нашр тематикасининг журналист олдига қўйган мақсадга мувофиқлигини тақозо қилади. Муайян нашр тили ўқувчилар контингенти учун тушунарли, содда ва ҳаммабоп бўлиши керак. Шу билан бирга, дағал ва ортиқча ўзига хосликдан чекиниш лозим.

---

[18] А.Н.Мельников. Литературное редактирование. -М.: Высшая школа 1980. С- 40.
[19] А.Н.Мельников. Литературное редактирование. -М.: Высшая школа 980. С- 40.
[20] Ўша асар. С- 41.

Муаллиф матннинг таҳририга киришишдан аввал муаллифнинг асосий мақсадини, фикр юритиш тарзини, мазкур нашр олдига қўйилган вазифани аниқ тушуниб, матн қисмлари орасидаги мазмуний-мантиқий боғланишларни, баён турларини белгилаб олмоғи лозим. Нашрнинг кимларга мўлжалланганлиги, ўқувчиларнинг матннинг фаҳмлаш имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Мантиқ, мантиқлилик — тафаккур қонунларига мувофиқ тўғри, мунтазам ва асосли фикрлашдир. Матндаги жумлалар, абзац ва бандлар, боб ва қисмлар ўртасида изчил боғланишлар занжири баён мантиқини белгилайди. Мантиқсизлик баёндаги, матндаги фикрлар оқимининг қусурлилигидан келиб чиқади. Матн қисмлари орасидаги синтактик боғланишлар мантиқ қоидаларига асосан тайин этилади. Фикрий чалкашликлар баён таркибидаги ғализликни туғдиради.

Шуниси ҳам борки, муҳаррир учун мантиқий таҳлил мавҳумот эмас, балки фикрлашдаги умумий қонунларнинг матн мазмунидаги хусусий ифодасини белгилаш жараёнидир. Бу фикрлаш тарзи ва баён услубидаги ўзига хос жиҳатларни тўғри баҳолашни тақозо этади.

## 2. Адабий таҳрирда услубиятнинг ўрни

Тил ва услуб таҳлили, умуман айтганда, адабий таҳрир, амалий услубият билан боғлиқ. Бундай таҳлилда эга ва кесим тўғри жойлаштирилиши, иккинчи даражали бўлакларнинг ўрни ва ҳоказоларнигина назарда тутилмайди, балки, агар махсус қўллаш тақозо этилмаса, бир хил сўзларни ёки ўзакдош сўзлардан такрор фойдаланиш маълум эмаслигини, тилдаги тасвирий–таъсирчан воситаларни, гарчи улар нутқнинг жозибардорлигини оширса–да кўплаб ишлатиш салбий натижа беришини ва бермаслигини ўргатади. Муҳаррир адабий таҳрир ва амалий услубият туфайли эга–кесим мослиги, қандай ҳолларда бир сўзни такрор қўллаш мумкин ёки ўринли эмаслигини, жумла тузиш қоидалари ҳамда меъёрларини билиб олади. Аммо амалиётдаги тажрибадан маълумки, услубиятининг барча

қоидалари ва тавсияларини яхши билган ҳолда ҳам муҳаррир таҳрир жараёнида кўпинча услубга оид хато ўтказиб юборади.

Бундан ташқари матнни тузатишда, унинг ўзи айрим ҳолларда хатоларга йўл қўяди. Демак, меъёр ва қоидалар хусусидаги билим амалда қўлланмаган бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳаррирнинг амалий услубият ва адабий таҳрир ҳақида билимга эга эканлиги уни тўлақонли фаолият олиб боради дегани эмас.

Шунга кўра асар тили ва услуби бўйича қўйиладиган асосий талабларни кўриб чиқамиз. Агар муҳаррир таҳлил ва таҳрир жараёнида шуларга тўлиқ амал қилса, жиддий хато ва камчиликларга йўл қўймай ўз вазифасини аниқ ҳамда яхши бажарган ҳисобланади.

Тил ва услуб таҳлилига қўйиладиган асосий талаблардан бири – матн тили ва услубининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини белгилашдан иборат. Бундай талабнинг қўйилиши, сабабсиз эмас, мустаҳкам асосга эга. Муҳаррир муаллиф асари тили ва услубидаги ўзига хос томонларни, асар мундарижаси ва унда фойдаланилган услубий йўсинлар йўналишини, унинг тилдан фойдаланиш ва жумла тузиш хусусиятларини, унга хос бўлган одатий хато, камчиликларни аниқласагина асар услуби бўйича танқидий фикр юритиши мумкин.

Асар тили ва услубининг ўзига хослигини белгилаш орқали муҳаррир матн тили ва услуби бўйича аниқ тасаввурга эга бўлади. Бу, агар лозим бўлса, муаллифга унинг асари хусусидаги танқидий мулоҳазаларни билдириши, қолаверса матнда тузатишларни амалга ошириш учун замин тайёрлайди.

Ана шу йўл билан асарнинг тили ва услуби бўйича ўз вазифасини аниқлаб олгач, муҳаррир таҳрир ишини бошлашга киришади. Лекин бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Муҳаррир муаллиф матнини нима учун саёзлигини, бир қолипда бўлиб қолганлигини аниқлаши ҳам керак бўлади. Бундан ташқари асарнинг қимматли, ўзига хос, арзигули жиҳатлари ва ҳоказоларни ҳам эътиборга олиши лозим.

Муҳаррир қайта-қайта ишлаш натижасида баъзи хатоларни тез (автоматик) тарзда илғай олиш малакасига эга бўлиб боради. Тажрибаси бор бўлган мутахассис кўздан қочирган баъзи хато ва камчиликларга кейинчалик такрор ва такрор дуч келиши натижасида бундай хато мисоли унинг кўзига тушадиган чўпдек бўлиб қолади, у бундай хатони ихтиёрсиз суратда ҳам пайқайди. Ана шундай малака ҳосил қилганлар таҳрир жараёнида бундай “кўз” хатоларни камдан-кам ўтказиб юборади. Қайта ўқиш пайтида муҳаррир ўтказиб юборган хатосини кўриб қолса, у бошқа бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

Муҳаррир бир қарашда, тўғридек туюлган, айнан бир хил, шу билан бирга муваффиқиятсиз қўлланган конструкцияларни кейинги ўринларда ўзгартириш, яъни бир хилликдан қутилиш, ранг–барангликка эришиш мақсадида уларни кўздан қочирмасликка ҳаракат қилади. Бундай қисмни, яъни такрорларни махсус излашга хожат қолмайди, бундай қўллашга кўзи тушган заҳоти, ихтиёрсиз уни ўзгартиришга киришади.

Кўп ҳолларда муҳаррир кўпинча муаллиф учун одатий бўлган услубий камчиликларни қўлёзмани ўқишнинг охирларига етганда пайқайди. Бундай ҳолатда қўлёзмани бошдан қайта ўқишига тўғри келади. Баъзан эса муҳаррир матннинг танқид қилинган бошқа жиҳатларини бартараф этишга киришиб кетади-да, баъзи бир “кўз” хатоларини сезмай қолади. Бундай хатолар топилганда эса кеч бўлган бўлади.

Муаллифнинг одатий ҳисобланган хатоларини муҳаррир томонидан қўлёзмани баҳолаш мақсадида ўқилаётганда белгилаш мақбулдир. Шунда сидирға ўқиш жараёнида ҳеч нарса назардан четда қолмайди. Лекин асар тили ва услубининг ўзига хослигини белгилаш мақсадида муҳаррир жуда эътиборли бўлиши талаб этилади.

Демак, мукаммал матн яратиш учун муаллиф ва муҳаррир нималар қилиши кераклигини белгилаб олиш керак бўлади:

Муҳаррир асар (муаллиф) тили ва услубини аниқлашда, аввало, тиниш белгилари тўғри қўйилган ёки қўйилмаганлигига эътиборни қаратиш лозим.

Барча тиниш белгиларининг ўз ўрни бўлиб, матннинг тўлиқ ва тўғри бўлишида уларнинг ўрни бор. Оғзаки нутқнинг имкониятларини ёзма нуткда тиниш белгилари орқали бериш мумкин. Биргина нотўғри қўлланилган вергуль ёки нуқта матннинг мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. Тиниш белгилари, айниқса, бадиий адабиётларда кўп қўлланади ва шу тур адабиётларда улар муаллиф услубини белгилашда муҳим аҳамиятга моликдир.

Ушбу мисолга эътиборни қаратсак: “Бошқа нима дейин?! Атрофни қара, назар сол, фикр эт, талотум тоши бошини ёраётган халқлар қанча. Бундай жойларда болалар спорти бўлиши мумкинми, спорт саройлари қуриш кўнгилга сиғармикин...”[21](№ 4 (175) 2014 йил 26 февраль. Қўчқор Норқобил “Болалигимдан узр сўрайман, Сенга эса ҳавас қиламан!”) Ушбу жумлада муаллиф ўз фикрини, муносабатини бераяпти, ўқувчига мурожаат орқали матнни жонли ва таъсирли бўлишига эришган. Ҳўш, муаллиф бунга қандай эришган? Таъсирчан сўзлар ва ибораларни қалаштирибми? Йўқ, тиниш белгиларидан ўринли фойдаланиб, уларни жой-жойида ишлатиб эришган.

Асар тили ва услубининг мукаммал бўлиши учун қўйиладиган биринчи талаб яъни тиниш белгиларининг ўрни юқоридаги мисолда яққол кўриниб турибди.

Услубни баҳолаш, тузатишлар киритиш, айрим қайдларда мулоҳазалар билдиришда субъективлик (бир ёқламалик)ка йўл қўймаслик – иккинчи талаб ҳисобланади.

Субъектив ружуни матнга услубий ўзгартириш киритишнинг объектив заруратлиги билан алмаштирилмаслик, ўқувига эга бўлиш муҳаррирликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Тилга нисбатан фарқсиз кишилар бўлмайди. Кўп ҳолларда, кузатилишича, айрим муаллифлар **авваламбор, бетакрор, нафақат, рўёбга чиқди** каби сўз ва сўз бирикмаларини ёқтирадилар ва ўз ёзишмаларида улардан зўр мамнуният билан

[21]Ҳуррият, № 4 (175), 29.01. 2014.

фойдаланадилар, муҳаррир эса таҳрир жараёнида уларни эътиборга олиши зарур.

Агар муаллиф муҳаррир ёқтирган конструкциядан сал четлашса тамом, муҳаррирда муаллиф нутқини ўз қолипига солиш учун кучли иштиёқ туғён уради. Буни бажаргач: ана энди яхши бўлди, таъсирчанликка эришдим, ҳам содда, ҳам тушунарли, дея енгил тортади.

Кўпгина услубий тузатишларнинг субъективлиги, ўз маромига солишга интилишларни тушинса бўлади. Бу ғайришуурий истак ҳар бир таҳрир қилувчининг матн, аввало, ўзи учун тушунарли бўлиш руҳияти билан боғлиқ. Ким бўлмасин матнни ўқир экан уни фикран эсда сақлаб қолиш учун ўзига яқинлаштиради, яъни мослаштиради.

Одатда, муайян нутқда ифода топган умумий мазмунни руҳий жиҳатдан тушунишга қисқартирилган ёки умумлашган тарздаги матн туфайли эришилади. Бунда баъзи, мантиқий-синтактик конструкцияларни айрим аудиторияга мўлжаллаб қайта тузишга тўғри келади. Муҳаррир учун эса ҳар қандай мантиқий-синтактик конструкцияни тушуниши муҳимдир. Агар мантиқий-синтактик конструкциялардан бирини ўзгартириш лозим бўлса, бу конструкция муҳаррир учун тушунарсиз бўлгани учун ўзгартирилмайди, балки нашр мақсадига тўғри келмаслиги ёки ўқувчилар учун мувофиқ эмаслиги туфайли ўзгартирилади.

Кўпчилик муҳаррирлар муаллиф фикрлаш тарзини ўз фикрлаш тарзидан фарқ қилса, буни муаллифнинг услубий хатоси сифатида баҳолайдилар. Хатони эса тузатиш керак. Натижада субъектив тузатиш – матнни қайта ишлаш бошланади. Мустаҳкам қарор топган, одатий, синовдан ўтган конструкция бошқача қўлланган, ғайриодатий, кам учрайдиган конструкция ўрнини эгаллайди, чунки у хато, муваффақиятсиз чиққан туюлади.

Баъзи мисолларни келтирамиз:

**Анчагина гаплар** бўлиб ўтди – ёзади муаллиф. **Кўп гаплар**... тузатади муҳаррир.

**Аста–секин**– гап бошлайди муаллиф. **Секин–аста** – тўғрилайди муҳаррир. **Инсонгарчилик** бундай бўлмайди – муаллифда.

**Одамгарчилик** бундай бўлмайди муҳаррир тузатиш киритади. Мустақил ҳаётга қадам **ташлаётган** – деб жумла тузатади муаллиф. Мустақил ҳаётга қадам **қўяётган** – таҳрирдан чиқаради муҳаррир.

Мана шу тарзда ёқинқирамаган ва ёки ёқмаган сўзлар, бирикмалар муаллиф матнидан ўз ўрнини одатий, таниш ва суюмли бўлиб қолганларга бўшатиб беради.

Муҳаррир ва муаллифнинг фикрлаш йўсини, нутқ услуби турли бўлиши мумкин. Масалан, муаллиф саводли, ёрқин ва аниқ ёзиши, лекин қисқа, лўнда бўлмаслиги мумкин. Гапни узоқдан бошлайди, кўп сўзли бўлади, муҳаррир эса, аксинча, қисқа, лўнда таъсирчанликни ёқтиради. Муаллиф тасвирга зўр берса маънолар бўёқдорлигига эътибор қаратса, муҳаррир тасвирий–таъсирчан воситаларсиз, анча қуруқ тилдаги баённи маъқул кўради. Нима қилиш керак, мутаносибликдан қандай қутилса бўлади? Бунинг ягона йўли – муҳаррир иродасини жамлаши яъни ўзини ўзи енгиб, муаллифни баён тарзи учун эмас, балки тил воситаларидан ўринсиз фойдалангани учун танқид қилиши керак. Ҳар қанақа бўлганда ҳам қайта ёзиб чиқмаслиги, матн қиёфасини ўзгартирмаслиги лозим.

Баъзан муаллиф услубини субъектив баҳолашга муҳаррирнинг билими ётишмслигии ёки ҳаддан ташқари эхтиёт тўлишга интилиши ҳам сабаб бўлади. Айрим муҳаррилар сўзларнинг кўп маъноли бўлишлигини унутиб қўядиларми, ҳар ҳолда ўзига яхши маълум бўлмаган маънода қўлланган сўзни муаллиф хатоси ҳисоблайдилар. Натижада қўлёзма матни четида танқидий фикр пайдо бўлади.

Ушбу муаллиф матнига эътибор берайлик: “...Кечга яқин сигирни соғиш учун бордим-да, боғидан бўшатишим билан шунақанги титраб, дилдираб боласи томон талпиндики, ҳайратда қотдим. Қарасам, бузоқча ипига ўралиб бўғилиб ўлиб қолган экан. Тасаввур қилинг, бу она сигирнинг кўз ўнгида рўй берган. Чорасиз жониворнинг бутун танаси тинмай титрар ва

жонсиз боласининг танасини ялаб-юлқар эди..”[22] (Ҳуррият” газетаси 2013 йил 11 декабрь сони. Х.Файзиева мақоласи) Ушбу мисолда “**дилдираб”, “ялаб-юлқар эди**” сўз ва бирикмаларининг сақланиб қолинганлиги муаллифнинг ўзига хос услубини намоён қилган.

Муҳаррирнинг қўлёзмани тузатишдаги яна бир субъективлиги кўр–кўрона бошқалар фикрига қўшилишидир. Масалан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан айрим сўзлар тилимизда пайдо бўлди. Бундай сўзлар адабий тил меъёрларига тўғри келмайдиган, архаик сўзлар бўлиб, адабий нутққа зўрма-зўраки тиқиштирилади:**Олийгоҳ, муҳандис, дорилфурун, тайёргоҳ, дилрабо** ва бошқалар. Булар матбуотда, радио ва таленутқда қўллана бошлагач, гўё мақбулдек туюлиб, турли соҳа ходимларининг ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқида учрай бошлади. Баъзи ҳолларда муҳаррирлар ҳам булар қай даражада мос ёки мос эмаслигини суриштирмай ўтказиб юборадилар, ёки ўзлари ҳам қўллаб-кувватлайдилар. Бугунга келиб, юқоридаги сўзлардан ҳануз “**олийгоҳ**” кулоққа чалиниб ва кўзга ташланиб келмоқда. Аслида, бу сўз ясама: олий + гоҳ. Лекин гоҳ қўшимчаси фақат от туркумига хос сўзлардан жой номи ясайди, яъни жангоҳ, лашгаргоҳ ва ҳ. Олий сифат туркумига оид шу туфайли унга гоҳ қўмиб сўз ясаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Сўзлашув услубидан олийгоҳ гўё мақбул туюлса-да, лекин адабий тил нуқтаи назаридан ўринсиз. Олийгоҳ – олий жой маъно ифодасини беради ва мантиқан жоиз эмас. Ёки бўлмаса, **лирик** термини ўрнига **дилрабо** атамаси ишлатила бошланди. “**Дилрабо шеър**” дейиш мумкин, лекин “**дилрабо шоир**” деб аташ ўринлимикан?

Тўғри, айрим муаллифлар тил бойлиги – сўзлардан ижодий фойдаланадилар. Ўз фикрлари таъсирчанлигини ошириш мақсадига айрим кўп маъноли сўзларнинг камдан-кам учрайдиган маъноларига эътиборни қаратадилар ва индивидуал қўллайдилар. Муҳаррир барча ҳолларда ҳар бир қўллашни зийраклик билан таҳлил қилиши лозим. Агар сўз тил қоидаларига зид қўлланмаган, ҳам контекстга боғлиқ бўлса, унда сўзнинг “ёмон”и ёки

[22]Ҳуррият, № 48 (484), 11.12.2013.

“яхши”си бўлмайди. Бунда фақат, сўзга объектив баҳо бериш, мазкур матнга у мос ёки мос эмаслигини аниқлаш лозим. Булардан ташқари матннинг вазифаси ва ўзига хос жиҳатини ҳам назарда тутиши зарур. Масалан, “Китоб дунёси” газетасининг 2014 йил 26 февраль сонида чоп этилган таниқли арбоб Бобур Алимовнинг “Устоз ибратлари” номли мақоласида шевага хос ва вульгар сўзлардан ўз ўрнида фойдаланилган. Бу асарнинг қимматига салбий таъсир кўрсатмаган, аксинча унинг эмоционаллигини оширган: “Ҳамма яхши билади, Озод ака ҳазил-мутойибага мойил киши эдилар. Дарров ҳазилга кўчиб давом эттилар: “**Чўрт побери**, ҳали **гонорар** ҳам берасизларми? Бошқа нашрётлар мендан пул сўраётган эди, сизлар аксинча, пул беряпсизлар!” Ушбу матнда унинг услубий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шевага хос бўлган сўзлардан бемалол фойдаланилган. Таҳрир жараёнида эса муҳаррир ҳам матннинг услубий имкониятларини эътиборга олган ҳолда уларни ўз ўрнида қолдирган.

Муҳаррирнинг матн тили ва услубини таҳлил этишда яна бир муҳим вазифаси - қўлёзмада учраган чет сўзларга алоҳида эътибор беришдан иборатдир. Ўз тилида муқобили бўлган чет сўзларниқўллаш, аввало, ўз ана тилига хурматсизлик саналади, қолаверса, муаллифнинг ё саводсизлиги ёхуд она тилига фарқсизлиги ҳисобланади.Мисол тариқасида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: **Бардавом, баркамол, бетакрор, нафақат**; диний–маърифий мавзудаги нутқларда **самовий–арозий** жуфт сўзлар учрайди.

Сўзларнинг маъносига кўра таҳлилидан маълум бўларини, бардавом, баркамол – форсча ясама сўзлар. -Бар олд, ясовчи қўшимча ҳаракат оти ва от сўзга қўшилиб сифат ясайди (форс тилида). Ўзбек тилида қуйидаги шаклга келади; -бар – ли, давом – давом. Бизнинг тилда ҳар қандай қўшимчалар сўз кетидан қўйилади, шунга кўра –ли сўз охирига тушади, яъни **давомли**.

Баркамол ҳам шундай. Лекин бунда давомли сингари ҳолатни кўрмаймиз, чунки, **камолли**, қандайдир ғайриодатий, сунъий туюлади. Бунда таҳлилга кўра шу нарса ойдинлашади: Бар – форсча, олд ясовчи қўшимча камол арабча от. Форс тиллари ўзлари учун ўз тилларидаги олд ясовчи

қўшимча ёрдамида арабча камол от туркумидаги сўздан сифат ясаган баркамол. Бу улар учун меъёрий. Лекин ўзбек тили учун бу ясама сифатни сунъий тиқиштириш (гўё нутқ таъсирчан, гўзал бўладигандек) тўғри эмас. Энди ҳар икки сўзни контекстда таҳлил этамиз.

| Қўлёзма варианти | Таҳрир варианти |
|---|---|
| Бундай учрашувлар **бардавом** бўлишига тилакдошмиз.<br>Фарзандларимиз **баркамол**бўлиши учун барча шарт–шароитларни яратиш лозим. | Бундай учрашувлар **давомли** бўлишига тилакдошмиз.<br>Фарзандларимиз **комил** бўлиши учун барча шарт–шароитларни яратиш лозим. |

Агар, мақсад бир хилликдан қутилиш, ҳар хилликка, таъсирчанликка эришиш бўлса, унда ўз тилимиздаги лексик ва синтактик синонимлардан фойдаланиш мумкин. Биринчи жумлада: доим, ҳар доим, мунтазам, ҳамиша, кўп – кўп ва ҳ. Иккинчи жумлада: комилликка эришишлари, камол топишлари, комил инсон бўлишлари, камолотга етишишлари, комиллашувлари ва ҳ.

Яна мисолларга мурожаат этсак. “Ҳуррият” таҳририятига келган материаллардан бирида ҳам чет сўзлари ўз тилимизда мавжуд бўлган сўзлар билан алмаштирилиши ўринлидир:

| Қўлёзма варианти | Таҳрир варианти |
|---|---|
| **Тарихдаги энг машҳур боксчилар сафидан ўрин эгаллаган** Муҳаммад Али 1964 йилдан 1966 йилгача ва яна 1974 йилдан 1978 йиллар оралиғида оғир вазнда мутлақ чемпион бўлган. 1960 йилги Олимпиада **чемпиони** ҳам ҳисобланади. | **Бокс тарихидаги энг машҳур шахслардан ҳисобланган** Муҳаммад Али 1964 йилдан 1966 йилгача ва яна 1974 йилдан 1978 йиллар оралиғида оғир вазнда мутлақ чемпион бўлган. 1960 йилги Олимпиада **ғолиби** ҳамдир. |

Бундан кўриниб турибди-ки, ушбу газета таҳририятида фаолият олиб бораётган муҳаррирлар ҳар бир сўз, ҳар бир жумлага эътибор билан ёндашадилар.

Муҳаррир қўлёзмани тил ва услубга кўра таҳлил ва таҳрир қилишида адабий тилдаги меъёрий услубият қоидалари ва тавсияларидан матн мақсади вазифасини назарда тутган ҳолда, хушёрлик кўрсатиб фойдаланиш лозим. Агар муаллифга баъзи эътирозлари бўлса, шуларга асосланиши талаб этилади.

Муҳаррирлар олдига бундай талаб қўйишнинг икки сабаби бор: **биринчидан,** айрим муҳаррирлар услубият қоидалари ва тавсияларидан ўринсиз, бир ёқлама фойдаланади, контекстнинг ўзига хослиги ва вазифасини мутлақо хис этмайди; **иккинчидан**, асар тили ўта нозик масала, қотиб қолган бир қолипдалик уни абгор қилиши мумкин.

Хуллас, кимда ким матнни услубга кўра танқид қилар ёки тузатар экан, албатта, у матнни асосан яхшилашга интилади. Бироқ муҳаррир объектив талаблар билан субъектив иштиёқни фарқлай билмаса, унда матнни яхшилаш ўрнига ўз измига бўйсундирган бўлади, ўзи учун тушунарли ва мақбул бўлишига эришади. Бунга бир томондан ўз одати, иккинчи томонидан муаллиф нуфузи таъсир этади.

Демак, муҳаррир ҳар қандай субъектив инжиқликлардан юқори туришини тил қоидаларини яхши билиши, матнни фақат унга асосланибгина танқид қилиши, контекстнинг ўзига хослиги ва вазифасига кўра баҳолаши керак.

### 3. Адабий таҳрирда муҳаррир маҳорати

Маълумки, муҳаррирнинг асосий вазифаси асарни, у қайси шакл ва ҳажмда бўлмасин, ўқувчига барча адабий тил меъёрларига, тил қоидаларига риоя этилган, чалғитувчи, муҳокамали жиҳатларга ўрин қолдирмаган тарзда етказиб беришдир. Бунинг учун муҳаррирдан маҳорат талаб этилади. Муҳаррир қўлёзма матни устида ишлашни муаллиф билан биргаликда олиб бориши керак. Бунда муҳаррир муаллиф ҳуқуқини хисобга олган ҳолда

кўздан қочирмаслиги лозим. Шундай қилиб муҳаррир матн тузилиши билан танишиб чиққач, ўз хулосаларини муаллиф билан маслахатлашади. Ва хулосаси бўйича муаллифнинг фикрларини ҳам ўрганади. Агар жоиз бўлса, таҳрир жараёнида уни ҳисобга олади.

Хўш, таҳрирни нимадан бошлаш лозим? Бу саволга жавоб бериш бир қатор омилларга боғлиқ:

- материалнинг мазмуни ва мақсади;
- ўқувчилар аудиторияси;
- муҳаррирнинг индивидуал услуби.

Муҳаррир матннинг таҳририга киришишдан олдин муаллифнинг асосий мақсадини, фикр юритиш тарзини, мазкур нашр олдига қўйилган вазифани аниқ тушуниб, матн қисмлари орасидаги мазмуний-мантиқий боғланишларни, баён турларини белгилаб олмоғи лозим. Нашрнинг кимларга мўлжалланганлиги, ўқувчиларнинг матннинг фаҳмлаш имкониятларини ҳисобга олиши зарур.

Муҳаррир материал таҳририни имловий хатоларни тўғрилашдан бошласа, бу унинг етарли тажриба ва маҳоратга эга эмаслигини кўрсатади. Негаки, асар тўлалигича ўқиб чиқилганда, матнда қисқартирилиши лозим бўлган ўринлар, мантиқий хатолар, услубий нуқсонлар борлиги аниқланиши мумкин. Уларни тўғрилаш жараёнида янги имловий хатолар келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу боис, аввал амалга оширилган таҳрир ўз-ўзидан вақтни беҳудага сарфлаш ва беҳуда меҳнат қилиш бўлиб қолаверади. Зеро, асар таҳрир жараёнида бир бутунлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим. Ундаги узвийликка амал қилинмаслиги бесамар таҳрирга олиб келади.

Агар муаллиф хатоларга йўл қўйса, табиийки мазкур носозликни тузатиш муҳаррир зиммасига тушади. Аввало ёзилган воқеа-ҳодисанинг ўзи уни нашр этишга яроқли ёки яроқли эмаслигини англаб олиш керак. Ўқиганда ҳам шошмасдан ортиқча сўзларни аниқлаб, кичик хатоларни ёдда тутиш учун белгилаб ўқилса бу бўлажак таҳрирга ёрдам беради. Шунингдек, таҳрир олди ўқиш жараёнида муаллифга бериладиган саволларни ҳам

белгилаб олиш лозим. Муҳаррир таҳрир давомида муаллифнинг воқеа-ҳодиса ҳақида ёзган далилларини, ёзиш услубини бузмаслиги (агар у яхши бўлса), қисқаси унинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи лозим. Агар материалда ноаниқлик ёки фикрни баён этишда ғализлик сезилса, уни бартараф этиши зарур.

Кўпчилик ҳолларда сўз ёки жумла, мақоллар ноўрин ишлатилади. Муаллифлар уларни гоҳида чуқур ўйламай, гоҳида тўлиқ англамасдан ишлатадилар. Баъзан эса, улар излаб топа олмаган, лекин «тилларининг учида турган» зарур сўзни муҳаррирлар топади.

Иқтибосларни, айниқса хориж вакилларининг фикрларини қўштирноқ ичига олиб ишлатиш жуда катта масъулиятни талаб этади. Муҳаррирлар бундай ҳолларда муаллифга ишонишга мажбур бўладилар. Лекин имкон даражасида уни қайта текшириб кўрсалар айни муддао бўлади. Бошқа тилда чоп этилган, дейлик Интернет орқали тарқатилаётган матнлардаги сиёсий арбоблар, таниқли кишилар, умуман сиз учун зарур фикрни айтган кишининг сўзлари аниқ, сўзма-сўз таржима қилиниши келгусида вужудга келадиган кўпгина нохуш ҳолатларнинг олдини олади.

Биз таҳрир жараёнидаги айрим хусусий жиҳатларга тўхталдик, лекин уларни амалга оширишдан аввал муҳаррир адабий асарнинг тузилишидаги мукаммалликка ишонч ҳосил қилиши керак. Бу энг муҳим ва, одатда, биринчи таҳрир босқичи бўлиб ҳисобланади. Фақат асар қурилишида нуқсонлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина тил ва услуб таҳририга ўтиш мумкин.

Энди муҳаррирлар журналистлар материални ишлаш жараёнида тузилмавий жиҳатдан тез-тез дуч келадиган нуқсонларни санаб ўтамиз:

- мавзудан чиқиб кетиш;
- қисмларни жойлаштиришда муваффақиятсиз танланган тамойил;
- мазмун баёни изчиллигидаги нуқсонлар;
- исмларнинг ҳажман бир-бирига мос келмаслиги;
- муваффақиятсиз тузилмавий услублар;

- қисмлараро боғлиқликнинг меъёрига етмаганлиги;

- тузилмавий шаклларнинг ноаниқлиги (муваффақиятсиз сарлавҳа, муқаддима, хотима).

Муҳаррир материал нуқсонларини бартараф этар экан, бу жараёнда унинг режага асосан ишлаши жуда муҳим аҳамиятга эга. Муҳаррир иш жараёнида уч хил режага асосан ишлаши мумкин:

- муаллифнинг асар ёзилишидан аввалги режаси;

- муаллифнинг асар тугаллангандаги режаси;

- муҳаррирнинг таҳрир режаси.

Муҳаррир бевосита ҳар учала турдаги режага асосан ишлаши мумкин. Лекин унинг фаолиятидаги энг муҳим жараён, албатта, муҳаррирнинг таҳрир режасига боғлиқ, негаки мазкур режага асосан материалга киритилган ўзгаришлар кўрсатилади. Шунингдек, қўлёзмани аниқлаштириш ва қайта ишлаш бўйича тавсияларни ўз ичига олган тақриз ҳам берилади.

Муҳаррир қўлёзма асарнинг биринчи ўқувчиси, унинг маънавий-ижтимоий, ахлоқий-маърифий қийматини баҳоловчи дастлабки қаттиққўл танқидчисига эмас, матннинг камчиликларини аниқлаб, тузатиб, уни мукаммал босма асар ҳолига келтиришга қодир ижодий мутахассис ҳамдир. У матннинг қайта ишланишига, такомиллашувига жавобгар шахс. Демак, муҳаррир муаллиф ҳам, муштарий олдида ҳам нашр тақдири учун масъул. Нашр этилган китоб, рисола ёки газета, журнал мақоласи хусусида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар муҳаррир ёки адабий ходимга ҳам тааллуқли. Англашилишича, адабий таҳрир муаммоларига журналист ижодкор муаллиф мақомида ҳам, нашр тақдирига жавобгар мутахассис мақомида ҳам бевосита даҳлдор.

## III БОБ.Газета матнлари таҳлили ва таҳрири масалалари

### 1. “Ҳуррият” газетаси лисоний-услубий таҳлили

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, оммавий ахборот воситалари тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш имконияти юзага келди. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда холис мустақил журналистиканинг ривожланишига жиддий эътибор қаратилди.

Оммавий ахборот воситалари ва матбуотда ўзига хослик пайдо бўла бошлади. Президентимиз оммавий ахборот воситаларининг ролини таъкидлаб: “Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда жамиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор”, - деган эдилар .

Бу даврдан бошлаб бир қатор янги нашрлар юзага келди. Шунингдек, 1996 йил декабрь ойидан “Ҳуррият” газетаси чиқа бошлади. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақами билан рўйхатга олинган. Ҳажми, А-2 бичимда, 4 босма табоқ. Газета муассиси – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси.

“Ҳуррият” газетаси Мустақил газета сифатида мамлакатимиздаги энг етакчи ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий нашр ҳисобланиб, унда энг долзарб мавзулардаги материаллар бериб борилади. Газета таҳририятида устоз-шогирд анъаналари асосида эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, таҳририятда ёш журналистларнинг фаолият олиб бораётганлиги қувонарли ҳол. Бугунги кунда газета бошқа вақтли матбуот нашрлари орасида ўзининг миллий анъаналарни давом эттираётгани ва уни келажак ёш авлодларга устоз-шогирд усулида ўргатаётгани билан аҳамиятлидир.

“Ҳуррият” газетаси матбуот майдонида қайнаётган, шу майдонга энди кириб келаётган ёшлар, жамият маънавий қиёфасига бефарқ бўлмаган жонкуяр инсонлар учун юксак минбарга айланган.

Ҳар бир матбуот нашрининг биринчи саҳифасида, одатда, бошқа саҳифалардагига нисбатан камроқ материал кетади. Чунки ушбу саҳифада

ўша нашрнинг номи, яъни умумий номи билан биргаликда унинг нашр кўрсаткичи, санаси, нечанчи йилдан бошлаб чиқаётганиҳамда нашр муассиси бўлган ташкилот номи сингари маълумотлар жой олади. Шу билан биргаликда, маърифатга, адолатга чақирувчи турли чақириқлар ҳам шу саҳифа тепасидан жой олади.

Газетани безаш ва уни ўқувчига сифатли, ёрқин рангларда бериш жуда муҳим ва масъулиятли ишдир. Маълумки, газетхон ўзи қизиққан ёки ёқтирган газетани танлар экан, у энг аввало, унинг номига, яъни умумий сарлавҳасига эътибор беради.У ортиқча безаксиз, яққол кўзга ташланиб турадиган ва катта-катта ҳарфлар билан ёзилган бўлиши керак. Бугунги ахборот алмашинуви, уни узатиш ва тарқатиш тезлиги жуда юқори бўлган бир вақтда ОАВ ўртасидаги рақобат ҳар доимгидан ҳам кескинлашган. Маълумотларнинг қизиқарли бўлиши журналистлар, мухбирлар зиммасига юкланса, саҳифаларни ёрқин, рангли ифодалаш, уларни кўрганда кўз қувонишини таъминлаш, албатта, саҳифаловчи-дизайнернинг вазифаси. Бугунги кунда газетанинг замонавий талабларга бўйсуниши учун газета саҳифалари рангли чоп этилмоқда. Чунки тезкор замонда ўқувчини йўқотмаслик учун нафақат газета мақолаларининг “тоши оғир” бўлишига, балки уларнинг безалиши, чиройли саҳифаланиши учун ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу жиҳатларини олганда, “Ҳуррият” газетаси бугунги кунда доимий рақобат билан яшамоқда. Чунки бу ҳолат, яъни доимий рақобат барча нашрлар учун умумийдир.

“Ҳуррият” газетасининг **“Ватан сийрати”, “Жараён”, “Биз ва Дунё”, “Тўртинчи ҳокимият”, “Дунёда нима гап?”, “Нигоҳ”, “Кўнгил гулшани”, “Қадриятларимиз”** каби рукнларининг ҳар бири ўзининг доимий ўқувчиларига эга. Бу рукнларда ўз мавзу доирасидаги энг долзарб, мукаммал, таъсирчан, мушоҳада юритишга чорлайдиган мақолалар, маълумотлар бериб борилади.

Ҳар бир рукн алоҳида йўналиш, алоҳида услуб, алоҳида ранг. Биргина сўз мақолада мавзу кўлами жиҳатидан турлича, ранг-баранг, бетакрор маъно касб этади. Масалан, **“Ватан сийрати”, “Биз ва Дунё”** рукнларидаги мақолада ишлатилган сўзлар ўзининг жиддий салобати билан ажралиб турса,**“Кўнгил гулшани”, “Қадриятларимиз”** каби рукнларда босилган мақола ва ижод маҳсулларининг тилидаги сўзлар таъсирчанлилиги билан ўқувчининг қалбидан жой олади.

“Ҳуррият” газетаси материалларини таҳлил қилиш жараёнида журналист маҳорати, тили ва услубига алоҳида эътибор қаратиш лозим.“Ҳуррият” саҳифаларини варақлар эказсиз, маҳоратли ва ёш журналистлар томонидан ёзилган публицистик материалларга кўзингиз тушади. Журналист публицистик материалда, гарчи, аниқ фактик материални ёритаётган бўлса-да, матн ҳаммага тушунарли ва таъсирли бўлиши учун бадиий, образли тасвирий воситалардан фойдаланади.Матн яратиш – мураккаб жараён. Бу жараён "**нима ҳақида, ким учун ва қандай ёзиш керак**" қабилидаги мезонлар тақозо этган баҳолаш ва танлаш, оройиш бериш ва такомиллаштириш билан боғлиқ адабий-услубий амалларни ўз ичига олади. Бу ёзма нутқнинг ижтимоий моҳияти, тайёрлиги асосида баён этилиши, ўқувчиларга ишланган, сайқал берилган ҳолда ҳавола қилиниши билан узвий боғлиқ. Ушбу ижодий жараён, энг аввало, матн соҳибининг – муаллифнинг нутқий фаолиятига дахлдор. Ҳар қандай матн яратилиш эътибори билан шахсий-ижодий тафаккур ва фаолият маҳсули. У ёки бужурналистнинг услуби ёки маҳорати тушунчалари шу асосида тайин этилади. Аммо нашр этилган матн бутун бир ижодий гуруҳ ҳамкорлигида юзага келади ва мураккаб таҳририй ва таҳлилий жараённи ўтайди. Бунда асосий жавобгар, масъул шахс муҳаррир ҳисобланади. Нвшр этилган матн ўзининг мақоми ва мароми билан ҳам, маънавий салмоғи ва самараси билан ҳам муҳим ижтимоий-маданий аҳамият касб этади. У энди алоҳида шахсга эмас, бутун инсониятга дахлдор, абадийликка даъвогар. Лекин унинг тақдири муҳаррир маҳоратига ҳам боғлиқ.

Бу борада “Ҳуррият” газетаси таҳририятида фаолият олиб бораётган журналистлар катта ишларни амалга оширмоқдалар. Газетада чоп этилаётган материалларнинг мазмун ва жанр жиҳатидан хилма-хиллиги, ўзига хослиги билан бошқа нашрлардан фарқланиб туради.

Шундай экан, “Ҳуррият” газетасида эълон қилинган мақолаларнинг услуби функционал услублардан бадиий нутқ услубига жуда яқиндир. Журналист воқеликни тасвирлаганда аниқлик ва фактларга асосланганлик билан бирга таъсирчанлик (эмоционаллик)ка ҳам эътибор бериши лозим. Бунинг учун у тилнинг барча имкониятларида унумли ва ўринли фойдалана олиш малакасига эга бўлиши даркор. Матн яратишда тилнинг тасвирий-таъсирчан воситалари, мақол ва маталлар, ибoралардан унумли фойдаланиш, кези келса, адабий тил меъёрларидан четга чиқиш ҳолларига ҳам йўл қўйишни билиш публицист учун муҳим. Буларнинг барчаси журналистнинг маҳоратини белгилаб беради.

“Ҳуррият” газетаси материалларининг аксарият қисмини ўқиш жараёнида ўқувчи ўзига янги информацияни қабул қилиш билан бирга, маънавий озуқа, руҳий таъсир ҳам олади. Бу эса, албатта, таҳририят аъзоларининг, у ерда фаолият олиб бораётган журналистларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига амалга ошириб келинмоқда. Масалан, маҳоратли журналист **Холида Файзиева**нинг қалимига мансуб публицистик мақолаларни ўқиганда, ўқувчи бевосита мақола “исканжаси”да қолади. Жуналист биринчидан, энг долзарб ва ўқувчини ўйлашга мажбур қиладиган мавзуни топа олади. Иккинчидан, мавзуни ўзига хос услубда, ўзига хос тилда баён эта олади. Учинчидан, мақола асосланган, аниқ факт ва даллилар, мисол ва ривоятлар билан тўлдирилган бўлади. Бундай тили равон, асосланган, долзарб асарни ким ўқишни хоҳламайди, дейсиз? Масалан, **Холида Файзиеванинг “Дунёда болам деб яшайди, ўзбек!”** номли мақоласига эътибор қаратсак.(/HURRIYAT/ 11(867) /2013-YIL 11DEKABR/) Мақоланинг долзарблиги шундаки, у 2014 йил Президентимиз томонидан соғлом бола йили эълон қилинганлиги муносабати билан ёзилган. Мақола ёзувчи Чингиз

Айтматовнинг “Охирзамон нишоналари” (“Кассандра тамғаси”) романи ҳақидаги фикрлар билан бошланади. Унда шундай фикрлар келтирилади: “Бугун ер юзи бўйлаб оммавий маданиятни ёқлаб, тарғиб этаётганлар, айрим Ғарб мамлакатлари (масалан, Франция, Англия, Голландия)да бир жинслилар никоҳининг қонунийлаштирилиши асосида қурилган оилаларда асраб олинаётган ўша иксзурриётлардан нима фарқи бор? Маълумотларга қараганда, бундай йўл тутиш учун улар инсон ҳуқуқларини дастак қилаяптилар. Файласуф олимларимиз эса, аксинча, буни бола эркини поймол қилиш ҳисобига уни таъминлаш – антигуманизм, болага қилинган зўравонлик, деб баҳолашмоқда.” Муаллиф бугунги кунда дунёда бола тарбиясига турли қарашлар, турлича ёндашувлар ҳақида фикрларни бериб, бизнинг Ўзбекистонимизда тарбиянинг ўзига хос томонларини янада яққолроқ тасвирлашга эриша олган: “Шукурки, маънавиятни юксак қадрлайдиган, насл-насаби тоза болажон ўзбек халқининг ҳамма орзу-умидлари фарзандлар камоли билан боғлиқ. Халқимиз нафақат ўз боласи, балки меҳрга муҳтож ҳар қандай боланинг бошини силашга қодир. “...Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз”, - дейилади Юртбошимиз маърузасида. – Айни вақтда бугунги замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда...” [23] Мақоланинг давомида мутахассис руҳшуносларнинг фикри, “Авесто”да берилган маълумотлар, ҳаётий воқеалар ва ривоятлардан парчалар келтирилиши матннинг мазмунан бой ва асосли бўлишига ҳизмат қилган: “Руҳшуносларнинг фикрича, бир кунда камида 8 та меҳрли сўз эшитиб улғайган бола келажакда иймон-эътиқодли, меҳр-оқибатли, умуман, мукаммал инсон бўлиб етишаркан.” Ёки ушбу жумлаларга эътиборни қаратсак: “...Кечга яқин сигирни соғиш учун бордим-да, боғидан бўшатишим билан шунақанги титраб, дилдираб боласи томон талпиндики, ҳайратда қотдим. Қарасам, бузоқча ипига ўралиб бўғилиб ўлиб қолган экан. Тасаввур

[23] Ҳуррият, №11 (867), 11.12. 2013.

қилинг, бу она сигирнинг кўз ўнгида рўй берган. Чорасиз жониворнинг бутун танаси тинмай титрар ва жонсиз боласининг танасини ялаб-юлқар эди...” Нақадар таъсирли жумлалар. Муаллифнинг тилидаги соддалик унинг таъсир кучини янада оширган. Мақола шундай сўлар билан якунланган: “Бугун ўз интеллектуал салоҳияти билан жаҳон саҳналарини забт этаётган ёшларни кўриб ҳавас қиламиз. Шулар қаторида бўлиш фарзандларимизга насиб этса ёки Ватаннинг қай бир корига яраса, бу бизнинг бахтимиз, ғуруримиз, берган нон-тузимизни оқлагани, эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қилганидир.” [24] Менимча, ушбу фиклар ҳар бир ўзбекнинг дилидаги сўзлардир. Муаллиф халқнинг дилидаги гапларни содда тил ва услубда ифодалаб беришга эришган.

Ушбу мақола публицистик асарга қўйилган талабларнинг барчасига жавоб беради. Мавзу долзарб, услуби содда, тили эса жозибали. Матнда ҳам расмий, ҳам илмий, ҳам бадиий ва сўзлашув услубларига хос бўлган элементлардан ўринли фойдаланилган. Масалан, **“...Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз. Айни вақтда бугунги замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда...”** жумлалари расмий услубга хос бўлса, **жонивор, ялаб-юлқар эди, бузоқча, она сигир**сўзлари сўзлашу услубига хосдир. Бундай ҳолат эса матннинг таъсирли ва асосли бўлини таъминлаган. “Ҳуррият”нинг кейинги сонларида ҳам **Холида Файзиванинг** бир қатор публицистик мақолалари эълон қилинган. Улардан: **“Ватаннинг буюк қўшиғи”**, **“Имконият ва самара”**, **“Мақсад улуғ, вазифалар аниқ”**, **“Газетхон манфаати – асосий мезон”**, **“Меҳр қолур, муҳаббат қолур...”**, **Асрлар қаридан келар бир садо”**, **“Ер қаридан чиқадиган ёғду...”**, **“Ҳеч ким қаришни истамайди, аммо...”** номли мақолалари мавзу кўламининг кенглиги, тили ва услубидаги ўзига хослиги, факт-далилларга таянилганлиги

[24] Ҳуррият, №11 (867), 11.12. 2013.

билан ажралиб туради. Ушбу мақолалар ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам салмоқли, яъни “тоши оғир” мақолалардан.

**Холида Файзиванинг** яна бир - “**Ҳеч ким қаришни истамайди, аммо...**”(/HURRIYAT/ 4(860) /2014-YIL 22YANVAR/) номли мақоласи диққатимни торти. Мақоланинг сарлавҳаси ўзига хос, тўғри танланган. Сарлавҳага кўзи тушган муштарий мақолани ўқиб чиқишга шошилади.Газетхон учун ҳам, газета учун ҳам алоҳида аҳамият касб этувчи энг асосий омиллардан бири бу –сарлавҳадир. Дарҳақиқат, ўқувчини ўзига жалб этувчи энг бирламчи восита мақоланинг сарлавҳаси ҳисобланади. Чунки ҳар қандай ўқувчининг эътиборини биринчи навбатда сарлавҳа жалб этади. Шунинг учун ҳам, “сарлавҳа-ярим мақола” деган гап бор. Бинобарин, газетада энг кўзга ташланадиган жумла мақола сарлавҳаси ҳисобланар экан, сарлавҳа шундай танланмоғи лозимки, у ўқувчини мақолани охиригача ўқиб чиқишига мажбур қилсин. Шу билан бирга сарлавҳа мақоланинг бошидан охиригача мос тушмоғи, унинг моҳият ва мақсадини очиб беришга хизмат қилмоғи лозим. Чунки сарлавҳа танлаш ҳам ўзига хос санъатдир. Сарлавҳа танлаш борасида журналист Холида Файзиева жуда аҳамиятли эканлиги яққол кўриниб турибди. “**Ҳеч ким қаришни истамайди, аммо...**” сарлавҳаси тузилиш жиҳатидан тугалланмаган гап шаклида бўлиб, ўқувчини ўйлашга чорлайдиган учта нуқта қўйилган. Матн билан танишиш давомида ўқувчи ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топади: “...Фақат бир жиҳатдан одамлар бир-бирларига ўхшаши мумкин. У ҳам бўлса ҳамма узоқ яшашни, доимо ёш ва гўзал кўринишни исташидир. Ҳаётида турли қийинчиликларга дуч келиб, туғилганига пушаймон қилса-да, ҳеч бир инсон тезроқ умрим поёнига етсин, деб ният қилмайди.” Матнда умр, ҳаёт ҳақида фалсафий фикрлар, тиббиёт илмининг донишманди Ибн Сино, америкалик олим Р.Колинз, рус олими И. Мечниковларнинг илмий қарашлари келтирилади. Ҳиндистондаги “Ёшлар водийси” деб номланмиш Хунза аҳолисининг турмуш тарзи ва умуман узоқ умр кўриш сир-асрорлари ҳақида фикр юритилган. Мамлакатимизда ҳам узоқ умр кўрган инсонларнинг ҳаётлари, хаттоки эксперт-олимларнинг қилаётган

кашфиётлари ҳам тилга олинган. “Ҳар қандай тўсиқларга қарамай, олимлар инсонларнинг азалий орзуси – узоқ умр кўриш ва ёшлик эликсирини яратиш мақсадида изланиш олиб бормоқдалар. Яқинда дунё матбуоти АҚШнинг Гарвард университетидан бир гуруҳ олимлар Дэвид Синклэр раҳбарлигида бу борада муҳим натижага эришдилар....Бир хафта ичида 22 ойлик жонивор 6 ойлик сичқонча сингари “ёшариб” кетди. Балки бу тадқиқотни бир кун келиб инсониятга ҳам фойдаси тегар. Аммо тақдир ёзиғини ўзгартириб бўлармикан?!” Ушбу ёзилган: “**Аммо тақдир ёзиғини ўзгартириб бўлармикан?!**” жумласи ўз ўрида айтилган гап. У мақоланинг бутун мағзини ташкил қилади, ўқувчини ўйлашга ундайди. Бу, албатта, журналистнинг маҳоратидан далолат беради. Ушбу мақоланинг қиммати шунда-ки ундаги фикрлар асосланган, бир эмас бир нечта мисоллар ва далиллар келтириш орқали ифодаланган. Тили ва услуби равон, таъсирчанлиги юқори. Мақола шундай якунланади: ”Аммо ҳар қанча ўзгаришларга қарамай, кўнгил қаримаслиги ҳам айни ҳақиқат. Бу ҳар бир инсоннинг ҳаётида ўз тасдиғини топиб бораверади. Қариликни бўйнига олган ҳар қандай одамнинг ҳам кўнгил тубида **МЕН ҚАРИШНИ ИСТАМАЙМАН, деган бир овоз доим янграб туради. Аммо...**” Мақоланинг якуни ҳам ўзига хос – мулоҳаза юритишга ундайди. Юқорида келтирилган мақолаларни ҳақиқий публицистик асар десак хато бўлмайди. Чунки уларда публицистикага қўйилган талабларнинг барчасига амал қилинган. Муаллифнинг муносабатидан тортиб, факт, далилларнинг келирилиши, тилининг бойлиги, услубининг соддалиги билан қимматга сазовордир.

Бадиийлик ва реалликнинг туташ нуқтасида Холида Файзиева публицистикаси юзага келади. У жамиятдаги энг долзарб мавзуларни топиб, уни ўқувчига “рангли тасвир”ларда етказиб бера олади. Шу билан биргаликда ўқувчини ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлай олади. Бу эса

унинг руҳиятидаги кузатувчанлик, фактлар билан тўғри ишлай олиши қобилияти, малакасини ифодалайди.

---

Аҳмаджон Мелибоев: “Ёзувчи публицистикаси муаллиф ва ўқувчи ўртасида бадиий асарга нисбатан активроқ восита ролини ўйнайди. У ёзувчининг ўзи, ижтимоий-маънавий қарашлари, кундалик воқеаларга муносабати ҳақидаги ижодий автобиографиясидир.”-деган фикрлари мавжуд. Чиндан ҳам бадиий публицистика фикрни эркин ифодалаб беришни, холисликни талаб қилади. Ахир журналист ўз кундалик фаолиятидан келиб чиқиб, дунёқараши кенг, мустақил фикрлаш ва ўз фикрларини эркин баён қилиш қобилиятига эга инсондир. Бу ҳаётни кузатишда, ўрганишда, тил ва бадиий воситалари орқали халққа етказиб беришда ёрдам беради.

Журналистнинг яна бир асосий вазифаси мавзуни ўқувчиларга хаққоний ва фактларга асосланган ҳолда етказиб бериш. Бу маънода “Ҳуррият” газетасида эълон қилинаётган материалларда катта эътибор қаратилади. Масалан, газетанинг 2013 йил 11 декабр сонида эълон қилинган ёш журналист Ситора Тожиддинова қаламига мансуб “Шифокор – оиланинг дўсти” номли мақоласи факт ва далилларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушбу мақола пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника ҳақида бўлиб, ҳар бир айтилган фикр асосланган: “Биз тилга олаётган тиббиёт маскани айни пайтда тумандаги 16 минг 800дан ортиқ оилага, яъни 41 минг 600 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Янаям аниқроғи, шифо маскани жамоаси ҳудудда истиқомат қилувчи 30 мингга яқин катта ёшли фуқаролар, 11681 нафар бола, 2071 нафар ўсмирлардан зарур тиббий ёрдам ва тегишли маслаҳатларни аямаяпти. Қолаверса, 12 та мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, 4 та коллеж ҳамда 4 та мактабнинг ўқувчилари соғлиғининг назорати мазкур поликлиника ходимлари зиммасида.” [25] Ушбу материалда юртимизда соғлиқни сақлаш борасида

[25]Ҳуррият, №11 (867), 11.12. 2013.

қилинаётган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилган. “Бугунги кунда миллат генофонини мустаҳкамлашга қаратилган “Соғлом она – соғлом бола” концепцияси ўзининг ажойиб меваларини бераётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу йил май ойида 161-сонли буйруғига асосан уй патронажини ташкил этилган.” [26] Бундай материал тайёрлаш журналистдан нафақат касбий билмларни, балки ўзи ёритаётган соҳа ҳақида ҳам маълумотга эга бўлишни талаб қилади. Ўша соҳанинг муаммоларини топа олиш ва уларни ўзига хос тилда (яъни терминларидан фойдаланиб) ифодалаб бериши учун журналист катта меҳнат қилишига тўғри келади. Ситора Тожиддинова эса бу ишни уддалай олганлигини унинг ижод маҳсулининг сифатидан билиб олиш қийин эмас. Унинг матнида тиббиётга хос бўлган бир қатор терминларнинг ишлатилиши матннинг қимматини оширишга ҳизмат қилган: ”Одатда **иммунитети** паст одамлар шамоллаш ва **вирусли касалликларга** тез-тез учрайди. ...таълим муассасаларида бўлиш, ўқувчиларда **гигиеник саломатликни** шакллантириш, касалликлар **профилактика**си каби мавзуларда маърузалар ўқилади.” Матнни ўқиш давомида ўқувчининг тиббий саводхонлиги ҳам ошиб боради.

Кузатувимиз давомида “Ҳуррият” газетаси таҳририятида фаолият олиб бораётган публицист-журналистлар “мактаб кўрган”, “қалами ўткир” ижодкор эканликларига амин бўлдик. Таҳририятга келаётган ҳар бир материал диққат билан ўрганилиб, таҳрир қилиниб сўнг нашр қилиниши газетанинг рақобатбардош газетага айлантирди.

“Ҳуррият” газетаси мақолаларининг услубий ўзига хослиги ҳақида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, газетада таниқли адиблар, олим ва тажрибали муаллифларининг мақолалари чоп этилади. Шу боис услубий жиҳатидан газета мақолалари бир-бирини такрорламайди. Ҳар бири гарчи мавзу ва йўналиши бир хил бўлган тақдирда ҳам ўзига хос,

[26]Ҳуррият, №11 (867), 11.12. 2013.

бетакрордир. Газетада забардаст қаламкашларнинг ижод намуналари, танқидий мавзудаги мақолалари, давра суҳбатлари чоп этилади. Бу ёш қаламкашлар, ҳавскор ижодкорлар учун “маҳорат мактаби” вазифасини ўтайди.

“Ҳуррият” газетаси ўқувчи ишончини оқлаб келаётган газета. Бугунги кунда “тоши оғир” мақолалар чоп этилаётган бармоқ билан санарли нашрлардан бири бўлиб қолган газета таҳририяти ҳам ўз фаолиятини такомиллаштириш учун янада жонбозлик кўрсатиши керак, деб ҳисоблаймиз. Журналистнинг ижодий жараёнда энг биринчи бўлиб мавзу танлайди, кейин эса шу мавзуни ифодалаш учун унга мос усул ва тил воситаларини танлайди. Яъни матн яратади. Публицистикада матн яратиш, унинг ўзига хос лисоний-услубий хусусиятлари ҳақида билим ва малакага эга бўлиш ҳам муҳим сифатлардан саналади.

Диққатимзни тортган ушбу мақола “**Тиббий атамалар тўғри ёзилса...**” сарлавҳаси остида “Ҳуррият”нинг 2013 йил 30 октябрь сонида эълон қилинган. Мақола муаллифи Бобур Муҳаммадиев мақолани шундай бошлайди: “Гап инсон саломатлиги, унинг тиббий маданиятини янада юксалтириш ҳақида кетар экан, бу мавзуни ёритиш борасида айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам баён қилиш ўринлидир. Маълумки, тиббиётга кўпроқ урғу берадиган газета ва журналларда чоп этилаётган мақолалардаги соҳага тегишли термин ҳамда тушунчаларни, илмий атамаларни ҳамма ҳам тўлиқ тушунавермайди. Шу боис уларни муштарийларга тушунарли тилда етказиш шу соҳага ихтисослашган журналистлардан катта маҳорат ва билимни талаб этади. Соҳани яхши билган қаламкаш томонидан ёзилган мақола ва суҳбатлар жонли, шунингдек тушунарли бўлади.” Журналист фикрларини давом этаркан, баъзи тиббиётга ихтисослашган газеталарнинг тилида учраётган камчиликлар, чалкашликлар ҳақида фикр юритади ва ўқувчини мушоҳадага чорлайди: “Масалан, айрим нашрлар **“эркак киши”** таржимасини **“кучли жинс вакиллари”** дея таржима қилишган. “...**қаҳва истеъмол қилган сичқон болалари қаҳва**

**истеъмол қилмаганларига қараганда**” ўрнига “**қаҳва бериб тажриба ўтказилган сичқонлар**” дейилса тўғрироқ бўлар эди. **“...тўпиқ суягининг ортида, унинг орқасида...**” деган жумла бор. Одамда тўпиқ суяги бўлмайди. **Ташқи тўпиқ кичик болдир суяги, ички тўпиқ эса катта болдир суяги ҳисобланади.“...симптоматик сўзи симтоматик**” тарзида ёзилган. **“истисқо**” атамаси **истесқо**, “**уруғ тизимчаси**” **уруғ тизими** тарзида бузиб ишлатилган. Тўғри, имловий хатоларни аксарият газеталарда учратиш мумкин. Лекин тиббий маслаҳатлар беришда ёки тиббий тушунчаларни ўқувчига етказишда сўзларни синчиклаб текшириш зарур.”[27] Ушбу мақола ҳам долзарб мавзуда бўлиб, аниқ мисоллар орқали уни очиб беришга ҳаракат қилинган.

“Ҳуррият” газетасининг мавзу кўлами жуда кенглиги ва ўзига хос жанрий-услубий хусусиятга эгалиги боис унда тилнинг турли воситаларидан бемалол фойдаланилади. Бу жиҳати билан унинг услуби бадиий нутқ услубига яқинлашади. Таъсирчанликни бериш мақсадида тилнинг тасвирий воситалари, мақол ва маталлар ва ибора яъни фразеологизмлардан кенг фойдаланилади. Ушбу газета материалларида баъзи ўринларда адабий тил меъёрларидан четга чиқиш ҳолларига ҳам йўл қўйилган. “-Ўртоғингиз **Аҳмад кал бало, каттаконлардан** шахсан Ҳожимуродовнинг унга **чатишган** жойи бор экан. ”, “-2005 йили кенжа ўғлим Соҳибжон кутилмаганда вафот этди. **Кампир** билан икковимиз еру кўкка сиғмай қолдик. **Зиқ тортгандан зиқ тортавердик.**”(/HURRIYAT/ 46(850) /2013-YIL 22-NOYABR/) Матнда шу каби шева хос сўларни қўллаш унинг таъсир кучини оширади. Муҳитни ўқувчи кўз ўнгида тўлиқ намоён бўлишига ёрдам беради.

Газетада, айниқса, фразеологизмлардан фойдаланиш унинг таъсирчанлигини оширади. Фразеологизм икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган яхлит бир маъно ифодалайдиган тил бирлигидир. Улар сўз бирикмаси ва гаплар каби нутқ жараёнида ҳосил бўлмайди, балки улар худди

[27] Ҳуррият, № 45 (849), 30.10. 2013.

сўзлар каби тилда тайёр ҳолда бўлади. Газета тилида фразеологик иборалар публицистик мақолаларда кўпроқ учрайди. Бу эса газеталардаги бадиийликни оширишга ёрдам беради. Халқ тилидан унумли фойдаланиш, халқ тили бойлигига таяниш газета тилининг оммавийлашувини, демократлашишини узлуксиз таъминлаб туради. Масалан, "Биламан уни! **Гапга қош қўяди**", "Бе, қўйсангиз-а, **бозорнинг киндигини кесади** у!", "Повестга кириши керак бўлган янги иборалар: **таъбим хира бўлиб, жон ҳолатда, дарз кетди, разм солмаган эканман, гапга чалғитди ҳамки, ўзимга келолмайман, кўнглим бузилиб кетди, икки-уч топқир ялингандан кейин, яғир кўрпача, рух самовар, гапимиз гапимизга қовушмади."** Яна бир мисол: "Радио эшиттиришларида, газета ва журналларда чорва ва чорвачилик ҳақидаги эшиттириш ва материалларда чунонам чалкашликлар бўладики, ўқиб **тепа сочинг тикка бўлиб кетади**." [28] (/HURRIYAT/ 4(860) /2014-YIL 22YANVAR/) Фразеологизмлардан моҳирона фойдаланиш ижодкорнинг ўзига хос хусусиятдир. Асарнинг муваффақиятли чиқишида ана шундай таъсирчан воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Нутқ жараёнида мақоллардан унумли ва ўринли фойдаланиш ҳам матннинг қимматини оширади. Бу жиҳатга "Ҳуррият" материаллари тили ва услубини таҳлил қилиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилаётганлигига амин бўлдик. Бадиий нутқ талабидан келиб чиққан ҳолда матн ва сарлавҳаларда халқ томонидан яратилган мақол ва маталлардан кенг фойдаланиб келинмокда. Мисолларга мурожаат қилсак: "-Арзоннинг шўрваси татимас, ўғлим. Қолаверса ер сотиб олишга менда бунча пул қаёқда." (/HURRIYAT/ 44(848) /2013-YIL 23-OKTABR/) "Бугун эса "**Юз марта эшитгандан бир марта кўриш**" бахти мушарраф бўлиб турганди", "Шундай пайтларда Одил ака "Қаловини тополмаяпсиз-да, хоним. **Қаловини**

[28]Ҳуррият, №4 (860), 22.01. 2014.

**топса, қор ҳам ёнади,** дейишади-ку" – дердилар-да, менинг ғазабимга сув сепардилар." (/HURRIYAT/ 4(860) /2014-YIL 22YANVAR/)

Журналист матнда ўз «Мени»ни (муаллиф шахси тимсолини) намоён қила олиши, мақола мазмунига ўз талқини ва баҳосини аниқ ва тиниқ ифодалай олиши лозим. Бундай воситадан фойдаланиш материалнинг ишончли ва таъсирли бўлишига, мулоқотни жолантиришга хизмат қилади.

Ушбу газета материалларини таҳлил қилиш жараёнида биз ушбу масалага ҳам эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Материалларда журналист "Мен"ини бериши, ўқувчи билан "бевосита мулоқот" шаклида алоқага киришишидан бугунги кунда кенг фойдаланиб келинмоқда. Масалан, "Бу одам билан шунчаки гаплашиб бўлмасди. **Менинг назаримда** унинг кўнгил денгизига қайиқ ташлаш учун камида Эрнест Хемингуэйнинг Сантьягосиники сингари журъат керак эди. Бунинг устига кишида маънавий ҳақ бўлиши лозимлигидан ҳам одам истиҳола қиларди. Шунинг учун узоқ тайёргарлик **кўргандайман.** Орадан йиллар ўтса-да ҳозир ҳам бунга **тайёр бўлдимми-йўқми, билмадим-у**, лекин ёзувчи билан грунглашиш жудаям мароқли"[29] (/HURRIYAT/ 49(853) /2013-YIL 4-DEKABR/)Ушбу жумлада муаллиф Фозил Фарҳод ўғли ўз фикрини, муносабатини бериш орқали матннинг таъсирчанлигига эришган.

Яна бир мақолага эътибор қаратсак, "**Ушбу мақолани ёзишимга яқинда ўзим гувоҳ бўлган ҳодиса** туртки бўлди. Шаҳримиздаги тўйхоналардан бирида ажойиб никоҳ тўйи бўлиб ўтмоқда эди." Сўзлари билан бошланган мақола сўнгида шундай фикрлар берилади, унда ёшларга қарата бевосита мурожаат қилинади: "**Азиз ёшлар**, юқорида таъкидлаб ўиганимиздек, уяли телефонлар ва плеерлардан янграётган куй-қўшиқлар сизга ҳозирча умуман беозор ва безарар туюлиши мумкин. Плеерни кунига бир соатдан ортиқ тинглаш, қолаверса, унинг овоз қувватни 80 фоиздан ошириш, албатта, қулоқ пардаларига жиддий зарар етказади. Иложи борича, қулоқбанд (наушник)лардан бутунлай **воз кечишга ҳаракат қилинг**. Шунда

[29]Хуррият, №49 (853), 04.12. 2013.

сиз қулоғингизни, асабларингизни, энг асосийси, саломатлигингизни асраб қоласиз."[30] Бу парча публицист А.Абдуллаевнинг "Иллатли шовқинлар" номли материали(/HURRIYAT/ 47(851) /2013-YIL 20-NOYABR/)дан олинган бўлиб, мулоқотни шахслантиришдан тўлиқ фойдаланилган. Матннинг самимий ва жонли чиқишига бундай воситалардан унумли ва ўринли фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Бундай усулдан фойдаланиш, албатта, малака ва маҳорат талаб қилади. Матнни ҳаммага бирдек ёқадиган, таъсир этадиган бўлишини таъминлайди.

Ушбу газета бир қатор услубий-лисоний камчиликлардан ҳоли эмаслигига тадқиқотимиз давомида гувоҳ бўлдик. Матнларда баъзи услубий хатоларга йўл қўйилган. Масалан, "Тасаввур қилинг, бу **она сигирнинг** кўз ўнгида рўй берган." Бу жумлада **она сигир** сўзи нотўғри қўлланилган. Эътибор қилинг,"Китоб дунёси"да эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Носир Фозиловнинг "**Тил боғланса...қўл ечолмас**" номли мақоласида (№ 14 (161) 2013 йил 24 июль) шундай фикрлар берилган: "Радио эшиттиришларида, газета ва журналларда чорва ва чорвачилик ҳақидаги эшиттириш ва материалларда чунонам чалкашликлар бўладики, ўқиб тепа сочинг тикка бўлиб кетади. Айниқса, "Ҳар бош она қўйдан...", "Она чўчқа балчиқда маза қилиб ағанаб ётарди..." каби жумлаларни эшитганингда, ўқиганингда, ўзингни қўярга жой тополмай қоласан. Дунёда "она"дан ҳам мўътабар зот борми? "Она" деган сўз илоҳий сўз. Шунақа экан, чорва молларининг ўз атамалари турган бўлсаю нима учун "она"ни ёнма-ён қўйиш керак? Ахир, халқда баъзи журналистлар тап тортмай айтаётган "она қўй"ни "совлиқ" дейилади-ку! Шунингдек, чўчқанинг урғочисини "мегажин", итникини "қанжиқ" дейишади (фақат шуниси борки, бу атамаларни сўкиш, ҳақорат даражасига кўтариб, бадном қилиб қўйганмиз), отники "бия", эчкиники "чивич" ва ҳоказо.", деган фикрлар мавжуд. Ушбу тамойил асосида қарайдиган бўлсак, "**сигир**"ни "**она сигир**"

[30]Ҳуррият, №47 (851), 20.11. 2013.

дейилиши услубий хато саналади. Чунки, тилимизда **сигир, бузоқ, буқа** сўзларинг мавжудлиги ушбу жоворнинг хилларини ажратишга етарли. Юқорида келтирилган фикрлар ўқувчини ўйлантириб қўяди, ўз нутқи, ўз сўзига эътиборли бўлишга ундайди. Шундай экан, тилимизнинг софлиги, тўғрилиги ва бойлиги ҳақида ҳар бир фуқаро қайғуриши лозим.

Маълумки, -у, -ю боҳловчилари "ва" боғловчисининг қисқартама шакли бўлиб, уларни ёзишда ўз қонун-қоидалари бор. Яъни чизиқчасиз ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади ва ундан сўзнг вергул қўйилмайди. "Орадан йиллар ўтса-да ҳозир ҳам бунга тайёр бўлдимми-йўқми, **билмадим-у,**лекин ёзувчи билан грунглашиш жудаям мароқли"(/HURRIYAT/ 49(853) /2013-YIL 4-DEKABR/) "...**билмадиму лекин**..." тарзида ёзилиши керак эди. Таҳрир жараёнида ҳам бундай хатоларни ўтказиб юборилишига йўл қўймаслик керак.

"Ҳуррият" газетаси материалларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали унинг тили бой ва услуби ранг-баранг эканлигига амин бўлдик. Мавзу кўламининг кенглиги, муаллифларнинг юқори савияси ва албатта, тилининг равонлиги бу газетанинг халқ ичида севилиб, ардоқланиб ўқилишига сабаб бўлмоқда. Газетани ўқиган муштарийнинг билим доираси кенгайиши билан бирга унинг сўз бойлиги ҳам ошиб бориши табиий. Ёш ижодкорлар, бўлажак журналистлар учун ушбу газета катта мактаб сифатида ҳам ҳизмат қилади. Бу борада газета таҳририятида фаолият олиб бораётган журналистларнинг ўрни алоҳида эканлигини эътироф этишимиз лозим.

## 2. Муҳарирнинг газета материаллари тили ҳамда услуби устида ишлаши

Маълумки, таҳрир жараёнида асосан икки шахс иштирок этади. Яъни муаллиф ва муҳаррир. Муаллиф мант яратар экан, унга сайқал берувчи, маромига етказиб таҳлил ва таҳрир қилувчи шахс бу, албатта, муҳаррир ҳисобланади. Шундай экан, муаллифнинг ижод фаолияти бевосита матн яратиш билан боғлиқ бўлса, матн таҳрири эса ўз-ўзидан муҳаррирга

тегишлидир. Муҳаррир ўз фаолияти натижасида жамият учун муҳим аҳамиятга молик вазифани адо этади. Унинг таҳриридан чиққан ҳар қандай асар маҳсули жамият аъзоларига бирдек фойдалидир. Шунга кўра муҳаррирлик ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади. Шу билан бирга нашриёт маҳсули бўладими, матбуот материалими барчаси жамият аъзоларининг маънавий дунёқарашини шакллантиради, ривожлантиради ва бойитиб боради. Материалнинг муваффақиятли чиқиши муҳаррирга ҳам бевосита боғлиқдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, асар-муаллиф ва муҳаррир ижодий ҳамкорлигининг мевасидир.

Матн устида ишлаш муҳаррирдан адабий тил нормаларидан мукаммал хабардор бўлиш ва улардан фойдалана олишни тақозо этади. Матнни услуб жиҳатдан баҳолаш, ундаги услубий, мантиқий, лексик, морфологик, пунктуацион ҳамда бошқа камчиликларни аниқлаш ва уларга тузатишлар киритиш матн устида ишлаш маҳоратининг таркибий тузилишларидан ҳисобланади. Матн муаллиф ва муҳаррир ҳамкорлигида баён этилгандагина талаб даражасидаги матнга айланади.

Матн яратиш ҳамда уни таҳрир ва таҳлил қилишда муҳаррирдан лексиканинг умумий-маромий қоидаларини билган ҳолда сўзнинг жўнлиги, мақсадга мувофиқлиги жиҳатидан кўриб, ўқиб тўлиқ танишиб чиқиб, таҳлил ва таҳрир қилиш талаб этилади. Матн устида ишлашда услубият, нотиқлик илмлари, таҳрир назарияси жиддий ўрганилиши шарт. Турли адабиёт тур жанрларига мансуб қўлёзмаларни талаб даражасида таҳрир қила олиш назариясини, адабий нутқ услубларига хос бўлган маром ва мезонларни билиш талаб этилади.

Асарни таҳрир қилишда муҳаррир, аввало, жанр талабларидан келиб чиқиб ёндашиши керак. Чунки жанр асарнинг шакл ва мазмун бирлиги мезонини сақлаб турувчи восита саналади. Ҳар қандай зўр мазмунга эга бўлган асарда ҳам муҳаррир томонидан кичик бир хатолик ўтказиб юборилган бўлса, бу ўқувчининг диққати сусайишига, шу асарга нисбатан оз бўлса-да, эътиборсизликка дуч келишига олиб келади.

Муҳаррирлик фаолияти ҳам ижодий фаолият саналади. У қўлёзма матни устида ишлашни муаллиф билан биргаликда олиб бориши керак.Шундай қилиб муҳаррир матн тузилиши билан танишиб чиққач, ўз хулосаларини муаллиф билан маслахатлашади. Ва хулосаси бўйича муаллифнинг фикрларини ҳам ўрганади. Агар жоиз бўлса, таҳрир жараёнида уни ҳисобга олади.

Муҳаррир матнни тил, ифода жиҳатдан мукаммал, мантиқсизликлардан ҳоли бўлиши учунгина эмас, композицион томондан ҳам бехато чиқишига қайғуриши, бу борадаги камчиликларни бартараф этишда муаллифга имкон борича кўмаклашиши даркор. Матнда композиция – воқеалар кетма–кетлиги, улар орасидаги мантиқий боғланишлар ҳар қандай нуқсондан ҳоли бўлса, бу матн мазмуни ўқувчи томонидан тез илғаб олинади.

Жумлани тўғри тузиш ҳам матннинг қимматини оширадиган жиҳатдир. Жумлалари равон тузилган матн мазмунини илғаб олиш осон кечади, у ўқувчига тушунарли бўлади. Муаллиф жумлаларни таҳрир қилиш жараёнида муҳаррир уларнинг содда ва қисқа бўлишини таьминлаши жоиз. Бу муаллиф услубини мутлақо ўзгартириш, уни ўзига хослигидан айириш дегани эмас.

Қуйида ишимизнинг объекти бўлмиш “Ҳуррият” газетаси материалларининг таҳрири билан танишиб чиқсак: Ушбу нашрда асосан ижтимоий-сиёси ва бадиий-публицистик материаллар бериб борилади. Биз ушбу газетанинг бир нечта сонларини ўрганиш орқали уларда таҳрир ишларига алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўлдик. “Ҳуррият”нинг турли хил рукнлари остида турли услубга хос бўлган материаллар бериб борилади ва уларнинг тил воситларидан фойдаланиши ҳам шунга хос тарзда амалга оширилади. Қуйида биз ушбу газетада чоп этилган материалларнинг қўлёзма ва таҳрир қилиниб, нашр эттирилган вариантларини қиёслаш орқали фикрларимизни асослашга эътибор қаратдик:

| Қўлёзма варианти | Таҳрир варианти |
|---|---|
| **УМР МАЗМУНИ – МЕҲНАТ**<br>Ҳаёт ўзи нима? Ўткинчи ҳою-ҳаваслар йўлидаги курашми? Ёки бугунги куннинг | **УМР МАЗМУНИ – МЕҲНАТ**<br>Инсоннинг ички гўзаллиги ташқи қиёфасига озгина бўлса ҳам таъсир қилади, |

| | |
|---|---|
| тезроқ якун топишини кутиб вақт ўтказишми? "Ҳаёт инсон учун бир маротаба бериладиган бахтли бўлиш имконидир. Айниқса, шу имкониятдан савоб ва яхшилик йўлида фойдаланилган бўлса, шу ҳаёт соҳиби эл-юрт назарига тушган ва ардоқли инсон бўлса...", - дейди таниқли журналист, эл назаридаги ижодкор Алишер Ибодинов.<br>Инсоннинг ички гўзаллиги ташқи қиёфасига озгина бўлса ҳам таъсир қилади, дейдилар. Долзарб публицистик, таҳлилий-танқидий мақоллалар муаллифи таниқли журналист Алишер Ибодинов билан суҳбатлашганимда бу гапнинг айни ҳақиқат эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Баъзи одамлар билан суҳбат қурганингда, унинг нима демоқчилигини нигоҳларидан сезиб оласан. Чеҳрасидан фарғоналикларга хос самимият акс этиб турган ёзувчи Алишер аканинг ҳам табиатан содда, меҳрибон ва камсуқум, камтар инсонлигини пайқаш қийин бўлмади. Наҳотки, ҳар бир сатрда шижоат, ғайрат, ўз "мен"ини ифодалашга бўлган ҳаракат, яхши маънодаги қайсарлик ифодаланган асарлар муаллифи шундай сокин ва камгап бўлса, деб ҳайратга тушдим.<br>Бутун ҳовлини ўраб олган ишкомлар орасидан тангадек офтоб тушмайди. Ҳовлидаги сўрига қўйилган хонтахта ёнида Алишер ака, рафиқаси Холида опа, ўғли Улуғбек ва келини Саида ўзлари ташкил қилган, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ёритиб бериладиган "Улуғ эл" газетасининг навбатдаги сонига кетадиган мақолалар ҳақида маслаҳатлашмоқда. Тўнғич ўғил Улуғбек ота-она касбини эгаллаганлиги, қолаверса журналист қизга уйланганлигини Алишер акани қувонтиради.<br>Истеъдодлар бештиги Фарғонанинг Олтиариқ туманида туғилган маоҳир журналист ўзи ҳақида гапиришни унчалик ёқтирмайди. Шундай бўлса-да, у кишидан журналистик фаолияти ҳақида сўзлаб беришини сўраганимизда шундай ҳикоя қилади: - Отам Умар Ибодинов ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлиб, ижодкор киши эдилар. Мендаги ижодга, ёзувчиликка муҳаббат дадамдан ўтган бўлса керак. Бироқ дадам эрта оламдан ўтиб | дейдилар. Долзарб публицистик, таҳлилий-танқидий мақоллалар **муаллифи,** таниқли журналист Алишер Ибодинов билан суҳбатлашганимда бу гапнинг айни ҳақиқат эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Баъзи одамлар билан суҳбат қурганингда, унинг нима демоқчилигини нигоҳларидан **сезасан.** Чеҳрасида фарғоналикларга хос самимият акс этиб турган Алишер аканинг ҳам табиатан содда, меҳрибон ва камсуқум, камтар инсонлигини пайқаш қийин **эмас.** Наҳотки, ҳар бир сатрда шижоат, ғайрат, **яхши маънодаги қайсарлик** ифодаланган асарлар муаллифи шундай сокин ва камгап бўлса, деб ҳайратга тушдим.<br>**Ҳаёт ўзи нима? Ўткинчи ҳою-ҳаваслар йўлидаги курашми? Ёки бугунги куннинг тезроқ якун топишини кутиб вақт ўтказишми? "Ҳаёт инсон учун бир маротаба бериладиган бахтли бўлиш имконидир. Айниқса, шу имкониятдан савоб ва яхшилик йўлида фойдаланилган бўлса, шу ҳаёт соҳиби эл-юрт назарига тушган ва ардоқли инсон бўлса...", - дейди эл назаридаги ижодкор Алишер Ибодинов.**<br>Бутун ҳовлини ўраб олган ишкомлар орасидан тангадек офтоб тушмайди. Ҳовлидаги сўрига қўйилган хонтахта ёнида Алишер ака, рафиқаси Холида опа, ўғли Улуғбек ва келини Саида ўзлари ташкил қилган, маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ёритиб бериладиган "Улуғ эл" газетасининг навбатдаги **сони хусусида суҳбатлашиб ўтиришган экан.** Тўнғич ўғил Улуғбек ота-она касбини эгаллаганлиги, қолаверса журналист қизга уйланганлигини Алишер акани қувонтиради.<br>**Алишер ака** ўзи ҳақида гапиришни унчалик ёқтирмайди. Шундай бўлса-да, у кишидан журналистик фаолияти ҳақида сўзлаб беришини сўраганимизда шундай ҳикоя қилади: - Истеъдодлар бештиги Фарғонанинг Олтиариқ туманида туғилганман. **Отам Умар Ибодинов зиёли, ижодкор киши эди.** Мендаги ижодга, ёзувчиликка **бўлган** муҳаббат дадамдан ўтган бўлса керак. Бироқ **дадамнинг умри қисқа экан.** Опа-сингилларим ва онамга ғамхўрлик қилиш масъулиятьи менинг зиммамга тушди. Оиланинг ягона эркаги |

| | |
|---|---|
| кетди. Опа-сингилларим ва онамга ғамхўрлик қилиш масъулиятьи менинг зиммамга тушди. Оиланинг ягона эркаги бўлганим учун опа-сингилларим, онам менга суянишади. Мактабни битиргач, ҳарбий хизматга кетдим. Ҳарбий денгиз флотида хизматни ўтаб юрган чоғларимда “Гулсафсар ҳиди”номли ҳикоямни ўша даврнинг таниқли журналларидан бири “Гулистон”га жўнатдим. Ҳикоям ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди, шекилли, жкрнал муҳаррири Асқад Мухтор мактуб йўллади. Мактубда, Асқад ака менга оқ йўл тилаб, денгиз ҳаёти ҳақида бирор нарса ёзиб беришимни сўрагандилар. Шу тариқа “Денгизчи” деб номланган ҳикоя ёзилди. Кўп ўтмай у ҳам журналда босилиб чиқди. Асқад ака эса кейинчалик менга устозлик қилдилар.<br>1975 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. Мандатдан ўтиб қувонч билан ортга бурилган Алишер рўпарасидан чиқиб қолган сочлари майда ўрилган, оппоқ юзли, суратлардагидай чиройли қизга урилиб кетди. Аммо қиз хафа бўлмади. Чунки у ҳам талабаликка қабул қилинган бахтдан масрур келаётган экан. Қизнинг самимий табассумидан дадилланган Алишер унга сўз қотди. Холидахон исмли бу қиз қаршидан келган. Алишер ва Холида журналистика факультетида бирга ўқишди. Умр йўллари ҳам шу ерда туташди.<br>Меҳнат фаолиятини “Фарғона ҳақиқати” газетасида бошлаган Алишер Ибодинов жамиятда бўлаётган ўзгаришларни журналистга хос ўткир нигоҳлар билан кузатди. Воқеликларга ўзининг фикрини дадил айтишдан чўчимади. Газетхонлар ёш журналистнинг ҳар бир мақола, лавҳа, очеркрини орзиқиб кутадиган бўлди. Ўткир қалам соҳиби сифатида республика газетаси раҳбарлари назарига туган. Алишер 1986 йилда “Ўзбекистон овози” газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбирибўлди. У юртда бўлаётган ўзгаришлар, муаммоларни маҳорат ва жасорат билан қаламга олди. Бир вақтнинг ўзида туман “Давр овози” газетасига муҳаррирлик қилди. Алишер ака “Адолат йўли”, “Фарғона ҳақиқати” газеталарида ҳам муҳаррир бўлиб ишлагн | бўлганим учун **барчаси** менга суянишди. Мактабни битиргач, ҳарбий хизматга кетдим. Ҳарбий денгиз флотида хизматни ўтаб юрган чоғларимда “Гулсафсар ҳиди”номли ҳикоямни ўша даврнинг таниқли журналларидан бири “Гулистон”га жўнатдим. Ҳикоям ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди шекилли журнал муҳаррири Асқад Мухтор мактуб йўллади. Мактубда, Асқад ака менга оқ йўл тилаб, денгиз ҳаёти ҳақида бирор нарса ёзиб беришимни сўрагандилар. Шу тариқа “Денгизчи” деб номланган ҳикоя ёзилди. Кўп ўтмай, у ҳам журналда босилиб чиқди. Асқад ака кейинчалик менга устозлик қилдилар...<br>1975 йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, **қаҳрамонимиз** Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. Мандатдан ўтиб қувонч билан ортга **қайтётганда** рўпарасидан чиқиб қолган сочлари майда ўрилган, оппоқ юзли, чиройли қизга урилиб кетди. Аммо қиз хафа бўлмади. Чунки у ҳам талабаликка қабул қилинган бахтдан масрур **эди. Шу тобда** қизнинг самимий табассумидан дадилланган Алишер унга сўз қотди. Холидахон исмли бу қиз қаршидан **келган экан. Шу тарзда улар** журналистика факультетида бирга ўқишди. Умр йўллари ҳам шу ерда туташди.<br>Меҳнат фаолиятини “Фарғона ҳақиқати” газетасида бошлаган Алишер Ибодинов жамиятда бўлаётган ўзгаришларни журналистга хос ўткир нигоҳлар билан кузатди. Воқеликларга **нисбатан** ўзининг фикрини дадил айтишдан чўчимади. Газетхонлар ёш журналистнинг ҳар бир мақола, лавҳа, очеркрини орзиқиб кутадиган бўлди. Ўткир қалам соҳиби сифатида республика газета**лар**и раҳбарлари назарига туш**ди**. 1986 йил**дан** “Ўзбекистон овози” газетасининг Фарғона вилояти бўйича муҳбири **сифатида иш бошлади.** У юртда бўлаётган ўзгаришлар, муаммоларни маҳорат ва жасорат билан қаламга олди. Бир вақтнинг ўзида туман**даги** “Давр овози” газетасига муҳаррирлик қилди. **Кейинчалик** Алишер ака “Адолат йўли”, “Фарғона ҳақиқати” газеталарида ҳам муҳаррир сифатида ишлаган чоғларида газета халқнинг |

| | |
|---|---|
| чоғларида газета халқнинг дилидагини айтувчи минбарга айланди. Шунданми газета ададлари сезиларли даражада ошди.<br>Алишер ака қаламини журналист сифатида чархлаш жараёнида ҳаётни, кишиларни, улар руҳиятини яхшилаб ўрганди. Бу тажрибалар натижаси бўлиб ҳикоялар, қиссалар дунёга келди. Энди у нафақат журналист балки ёзувчи сифатида ҳам эл назарига тушди.<br>Унинг “Латофат дўконидаги қатл”, “Гулсафар ҳиди”, “Оқ-оппоқ булутлар”, “Қўрбоши Мадаминбек”, “Қуёш ҳам олов” асарлари китобхонлар юрагидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Ёзувчининг детектив жанрда ёзилган асарлари ҳам ўз мухлисларин топди, десак хато бўлмайди.<br>Алишер ака ва Холида опа ўқишда ҳам, оилада ҳам, мехнатда ҳам, доимо ёнма-ён. Тўрт фарзандни олий маълумотли, эл корига ярайдиган, меҳнаткаш қилиб вояга етказишди. Нигора, Улуғбек, Элбек ва Сурайёхонлар худди ота-оналаридек фидойи ва укувли бўлиб улғайишди. Алишер акага ёнида уни тушунадиган оқила рафиқаси борлиги сабаб турмушнинг машаққатлари ҳам сезилмайди.<br>- У киши жуда раҳмдил ва қўли очиқ. Бировларнинг тақдирига, ҳаётига асло бефарқ қарамайди. Барчага қўлидан келганча ёрдам беради. Болаларига талабчан бўлса-да, доимо уларни тушунишга, қўллашга ҳаракат қилади. 30 йилки ҳамфикр, ҳамкасбмиз. Шундай умр йўлдошим борлигининг ўзи катта бахт, - дейди Холида Жабборова.<br>- дадамнинг журналистикада босиб ўтган йўли биз учун мактаб вазифасини ўтайди. Журналистик мен учун ҳам ота, ҳам она касб, - дейди “Ишонч” газетаси бўлим муҳаррири тўнғич ўғил Улуғбек Ибодинов.<br>Бугун 60 ёшини нишонлаётган ёзувчи, юксак масъулиятли инсон, ижодкор ва моҳир журналист Алишер Ибодинов мана 40 йилдирки Ватан, эл-юрт равнақи, бахт-саодати йўлида фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.<br>Унинг қуроли – сўз. Сўз эса ҳамиша қудратли ва навқирондир. Алишер Ибодинов ана шу қуролдан моҳирлик билан фойдалана оладиган замонамиз | дилидагини айтувчи минбарга айланди. Шунданми, газет**алар** ададлари сезиларли даражада ошди.<br>Алишер ака ҳаётни, кишиларни, улар руҳиятини яхшилаб ўрганди. Бу тажрибалар натижаси бўлиб ҳикоялар, қиссалар дунёга келди. Энди у нафақат журналист балки ёзувчи сифатида ҳам эл назарига тушди.<br>Унинг “Латофат дўконидаги қатл”, “Гулсафар ҳиди”, “Оқ-оппоқ булутлар”, “Қўрбоши Мадаминбек”, “Қуёш ҳам олов” асарлари китобхонлар **қалбидан** мустаҳкам ўрин эгаллади. Ёзувчининг детектив жанрда ёзилган асарлари ҳам ўз мухлисларин топди, десак хато бўлмайди.<br>Алишер ака Холида опа **билан** ўқишда ҳам, оилада ҳам, **ишда** ҳам, ёнма-ён. Тўрт фарзандни олий маълумотли, эл корига ярайдиган, меҳнаткаш **инсонлар** қилиб вояга етказишди. Нигора, Улуғбек, Элбек ва Сурайёхонлар худди ота-оналаридек фидойи ва укувли бўлиб улғайишди. Алишер акага ёнида уни тушунадиган оқила рафиқаси **борлигидан мамнун.**<br>- У киши жуда раҳмдил ва қўли очиқ. Бировларнинг тақдирига, ҳаётига асло бефарқ қарамайди. Барчага қўлидан келганча ёрдам беради. Болаларига талабчан, уларни тушунишга, қўллашга ҳаракат қилади. 30 йилки ҳамфикр, ҳамкасбмиз. Шундай умр йўлдошим борлигининг ўзи катта бахт, - дейди Холида Жабборова.<br>- дадамнинг журналистикада босиб ўтган йўли биз учун мактаб вазифасини ўтайди. Журналистик мен учун ҳам ота, ҳам она касб, - дейди “Ишонч” газетаси бўлим муҳаррири тўнғич ўғил Улуғбек Ибодинов.<br>Бугун 60 ёшини нишонлаётган ёзувчи, юксак масъулиятли инсон, ижодкор ва моҳир журналист Алишер Ибодинов мана 40 йилдирки Ватан, эл-юрт равнақи, бахт-саодати йўлида фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.<br>Унинг қуроли – сўз. Сўз эса ҳамиша қудратли ва навқирондир. Алишер Ибодинов ана шу қуролдан моҳирлик билан фойдалана оладиган замонамиз журналистларидан бири. Оиласини эса журналистлар сулоласи дейишга тўлиқ асос |

| | |
|---|---|
| журналистларидан бири. Оиласини эса журналистлар сулоласи дейишга тўлиқ асос бор.<br>Тун. Дераза ойнасидан мўралаётган тўлин ой Алишер ака қоралаб бораётган вараққа илиқ нурларини тўкади. Ўткир қаламдан тўкилаётган бетакрор фикрлар эртага янги ҳикоя ёки очерк бўлиб кишилар қалбини маънавиятга, меҳрга тўлдиришга.<br>Муҳаббат ҲАМИДОВА. | бор.<br>Тун. Дераза ойнасидан мўралаётган тўлин ой Алишер ака қоралаб бораётган вараққа илиқ нурларини тўкади. Ўткир қаламдан тўкилаётган бетакрор фикрлар эртага янги ҳикоя ёки очерк бўлиб кишилар қалбини маънавиятга, меҳрга тўлдиришга.<br>Муҳаббат ҲАМИДОВА. |

Юқоридаги таҳрир вариантида муҳаррир матннинг мантиқий кетма-кет жойлашишига катта эътибор қаратган. Биринчи абзацнинг ўрнини алмаштириш орқали муаллифнинг асосий айтмоқчи бўлган фикрларига янада ойдинлик киритилган.

Ортиқча сўз ва жумлалар олиб ташланиши матн тилини тўғри ва тушунарлибўлишини таъминлаган. Масалан, **таниқли журналист, ўз “мен”ини ифодалашга бўлган ҳаракат** каби ортиқча сўзлар олиб ташланган.

Муҳаррир айрим ноўрин қўлланган сўларнинг ўрнига мосини танлаб қўя олган: “...“Улуғ эл” газетасининг навбатдаги сонига кетадиган мақолалар ҳақида маслаҳатлашмоқда.” жумласи “...“Улуғ эл” газетасининг навбатдаги **сони хусусида суҳбатлашиб ўтиришган экан.**”, деб тўғриланиши ўринлидир. Ёки “Бироқ дадам эрта оламдан ўтиб кетди.” ўрнига “Бироқ **дадамнинг умри қисқа экан.**”, “Мандатдан ўтиб қувонч билан ортга бурилган Алишер рўпарасидан чиқиб қолган сочлари майда ўрилган, оппоқ юзли, суратлардагидай чиройли қизга урилиб кетди.” жумласи “Мандатдан ўтиб қувонч билан ортга **қайтётганда** рўпарасидан чиқиб қолган сочлари майда ўрилган, оппоқ юзли, чиройли қизга урилиб кетди.”, деб тўғриланиши ўринлидир. Сўзнинг мосини ўз ўрнида қўллаш орқали жумлаларнинг тушунарли бўлишига эришилган.

Таҳрир жараёнида муҳаррир нафақат сўзларни қисқартириш ёки алмаштиришга эътибор қаратган. Балки, баъзи ўринларда керакли сўзни қўшиш орқали ҳам матннинг мукаммаллигига эриша олган. Масалан, “1975

йилда ҳарбий хизматдан қайтгач, **қаҳрамонимиз** Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди.”, “**Кейинчалик** Алишер ака “Адолат йўли”, “Фарғона ҳақиқати” газеталарида ҳам муҳаррир сифатида ишлаган чоғларида газета халқнинг дилидагини айтувчи минбарга айланди.”, “Алишер ака Холида опа **билан** ўқишда ҳам, оилада ҳам, **ишда** ҳам, ёнма-ён. Тўрт фарзандни олий маълумотли, эл корига ярайдиган, меҳнаткаш **инсонлар** қилиб вояга етказишди.” Каби жумлаларда **қаҳрамонимиз,кейинчалик, билан,инсонлар**каби сўзларни киритилиши матннинг аниқлигини ва тўғрилигини таъминлаган.

Таҳрир жараёнида пунктуацион (тиниш) белгиларни тўғри қўйишга ҳам аҳамият қаратилга. Чунки битта вергуль ёки нуқтанинг қўйилмаслиги ёки нотўғри қўлланиши матннинг мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин.

| **Қўлёзма варианти** | **Таҳрир варианти** |
|---|---|
| Театр – бу ибратномадир.<br>(Беҳбудий)<br>Бундан икки ярим минг йил олдин Юнонистонда дастлабки театр вужудга келди. Асосан, байрамларда томошалар ташкил этилиб, унда ажойиб қочириқлар, қувноқ саҳналар, нозик юморга бой комедиялар инсондаги нуқсонларни очиб беради. Имкони бўлмаган қашшоқ фуқароларга театрга бориш учун пул ҳам берилган. Вақт ўтган сайин театр дунёнинг барча мамлакатларида пайдо бўла бошлади. Шу жумладан, Ўзбекистонда жадидларнинг ташаббуси билан XX аср бошида Самарқандда биринчи ўзбек миллий театри ташкил этилди. Театрни ташкил этишдан асосий мақсад ўша даврдаги онги ва қалби мудраб ётган инсонларнинг тафаккурини маънавият суви билан суғориш эди.<br>**Хўш, бугунги кундаги театрларимиз ўзининг шундай вазифасини тўлақонли бажара олаяптими? Тўғри, юртимизда нуфузли театрлар ҳам бор, аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, айрим театрлардаги қўйилаётган саҳна асарлари халқ маънавиятини бойитишга эмас, шунчаки даромад учун яратилгандек.** Бундан бир неча ой олдин ЎзМУ Маданият саройида наманганлик | Театр – бу ибрат**хона**дир.<br>(Беҳбудий)<br>**Манбааларда қайд этилишича б**ундан икки ярим минг йил олдин Юнонистонда аҳолига томошалар кўрсатиш оммалаша бошлаган. **Бу театрнинг вужудга келиши билан боғласа бўладиган факт.Ўшанда** асосан, байрамларда томошалар ташкил этилиб, унда ажойиб қочириқлар, қувноқ саҳналар, нозик юморга бой комедиялар **жамият**даги нуқсонларни очиб **беришга, инсонларга ўз камчиликларини англатишга хизмат қилган.** Имкони бўлмаган қашшоқ фуқароларга театрга бориш учун пул ҳам берилган. Вақт ўтган **сари** театр дунёнинг барча мамлакатларида пайдо бўла бошлади. Шу жумладан, XX аср бошларида**юртимизда -** Самарқандда биринчи ўзбек миллий театри ташкил **этилган.Уни** ташкил этишдан асосий мақсад ўша даврда**одамл**арнинг тафаккурини маънавият “суви” билан суғориш эди.<br>Бундан бир неча ой олдин ЎзМУ Маданият саройида наманганлик актёрлар жамоаси томонидан халқимиз ардрқлаган ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг “Тўйлар муборак” асари асосида спектакль намойиш этилди. Маданий ҳордиқ олиш ниятида Маданият |

| | |
|---|---|
| актёрлар жамоаси томонидан халқимиз ардрқлаган ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг “Тўйлар муборак” асари асосида спектакль намойиш этилди. Маданий ҳордиқ олиш ниятида Маданият саройи томон қизлар билан йўл олдик. Спектаклни томоша қилиш жараёнида “наҳотки, бу ўша асар”, - дея ёқа ушладик. Томошада ёзувчининг асаридан асар ҳам йўқ. Бунда қизларимизни таҳқирлайдиган бир қатор лавҳалар бор эди. Масалан, бир эркак қизларнинг либосини кийиб олиб, беихтиёр чўнтагидан аёллар ички кийимини чиқариб, даструмолча сифатида кўзёшларини артяпти. Залда бу воқеани томоша қилаётган йигитлар кулгидан ўзларини тия олмай ҳатто қийқириб юборишди. Ачинарлиси шундаки, уларга қўшилиб айрим қизлар ҳам кулишдан ўзларини тия олмади. Аммо иболи қизларимиз худди яширин сирлари очиб ташлангандек ғурури поймол килингандек, уятдан ер ёрилмадию ерга кириб кетмади. Азалдан қиз бола сирлилиги билан гўзал. Аёл нозик хилқат вакиласидир. Унинг сирларидан пинхоналикларидан кулги учун фойдаланиш маънавиятсизликдан далолат эмасми? Бу тамоша асарга нисбатан ҳурматсизлик ҳамда ибо-ҳаёнинг топталиши эканлигин айтиб, уларни кимдир тўхташини қизлар жуда хоҳлашади. Афсуски, залда ҳеч кимдан садо чиқмади. Аслида кулги ҳаётимизни безовчи оммилардан, аммо биз кулги билан масхара ёхуд енгилтабиатликни ажрата олмаяпмиз. **Санъаткорларимиз ва улар яраётган ижод маҳсули бўлиш керак эмасми?** Биз кўзгуда нимани кўраяпмиз? Инсон яралгандан буён эъзозлаб келаётган ибо-ҳаёни бир неча сонияда парчалаб ташлашга уринаётгандек. Бундай олиб қарасак, биз юқорида номини айтиб ўтган театр ўзининг асосий мақсадини бажара олмай, кўпроқ моддий томонга оғишиб, томошалари савияси пасайиб бормоқда экан, бизнес учун ўзларига бошқа даромад манбаини қидириб кўришгани яхшироқ. Зероки, бобокалонларимиздан бири М.Беҳбудий “Театр – бу ибратхона”,- дея бежиз айтмаган. Шундай экан, театрларимиз шу тарифга муносиб бўлиши керак.<br>ЎзМУ талабалари | саройи томон йўл олдик. Спектаклни томоша қилиш жараёнида “наҳотки, бу уша асар”, - дея ёқа **ушлашга мажбур бўлдик.** Томошада ёзувчининг **асарида кўтарилган мавзудан** асар ҳам **қолмапти.** Бунда хотин-қизлар шаънини таҳқирлайдиган бир қатор лавҳалар бор эди. Масалан, бир эркак қизларнинг либосини кийиб олиб, беихтиёр чўнтагидан аёллар ички кийимини чиқариб, даструмолча сифатида кўзёшларини **артди**. Залда бу воқеани томоша қилаётган йигитлар кулгидан ўзларни тия олмай ҳатто қийқириб юборишди. Ачинарлиси шундаки, уларга қўшилиб айрим қизлар ҳам кулишдан ўзларини тия олмади. Аммо **томоша кўрамиз, деб келганлар орасида**иболи қизларимиз ҳам бор **эдики, бу воқеа уларнинг**яширин сирлари**ни**очиб ташлангандек ғурури поймол килингандек, уятдан ер ёрил**саю** ерга кириб **кетишга тайёр ҳолат вужудга келди.** Азалдан**маълумки,**қиз бола **ўзининг** сирлилиги билан гўзал. Аёл нозик хилқат вакиласи. Унинг сирларидан, пинхоналикларидан кулги учун фойдаланиш маънавиятсизлик эмас, **хатто ахлоқсизлик ҳамдир.Ўша дамда б**у тамоша асарга нисбатан ҳурматсизлик ҳамда ибо-ҳаёнинг топталиши эканлигин айтиб, уларни кимдир тўхташини қизлар **жуда-жуда** хоҳлашади. Афсуски, залда ҳеч кимдан садо чиқмади. **Тўғри,** кулги ҳаётимизни безовчи оммилардан, аммо биз кулги билан масхара ёхуд енгилтабиатликни **ажратаётгандик ўша дам.**<br>Биз бу каби театрлар – маънавий кўзгуда нимани кўрдик? Инсон яралгандан буён эъзозлаб келаётган ибо-ҳаёни бир неча сонияда парчалаб **ташлагандек бўлди**. **Тўғрисини айтганда,** биз юқорида номини айтиб ўтган театр**ижодкорлари** ўзининг асосий мақсадини бажара **олмади.** Кўпроқ моддий томонга оғишиб, томошалари савияси пасайиб **кетганини сезмади**. Бундай инсонлар бизнес учун ўзларига бошқа даромад манбаини қидириб кўришгани **маъқулроқ эмасми?** Зеро, **ушбу соҳа жонкуярларидан бири, бобокалонимиз**Маҳмудхўжа Беҳбудий “Театр – бу ибратхона”,- дея бежиз айтмаган. Шундай экан, театрларимиз шу |

| | |
|---|---|
| Адолат Мўминова<br>Гулёра Назарова | тарифга муносиб **бўлишини жуда-жуда истардик.**<br>ЎзМУ талабалариАдолат Мўминова, Гулёра Назарова |

Ушбу матнни таҳрир қилишда муҳаррир анча меҳнат қилганлиги унинг қўлёзмасининг “лолазор” бўлганлигидан яққол кўриниб турибди. Муҳаррир матнни тил-услуб жиҳатдан бошидан-охиригача тузатиб чиққан. Лекин матннинг мазмунига, муаллифларнинг фикрларига путур етказилмаган. Аксинча, матндаги сўзларни, жумлаларни тўғрилаш орқали унинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги янада ошди. Матн мазмуни кенгроқ очиб берилди.

Эътибор берсангиз, муҳаррир ишни сарлавҳани тўғрилашдан бошлаган. Сарлавҳа адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сўзлари билан бошланган бўлиб, ундаги сўз нотўғри ишлатилган. Муаллиф агар машҳур олимларнинг сўзларидан парча келтирса уларни ўзгартириб қўллаши мумкин эмас. Шунинг учун: “Театр – бу ибратномадир” сарлавҳаси аслича “**Театр – бу ибратхонадир**” деб ўзгартирилди.

Матнга керакли сўзларни киритиш орқали унинг аниқлигига эришилган. Масалан, “**Манбааларда қайд этилишича б**ундан икки ярим минг йил олдин Юнонистонда **аҳолига томошалар кўрсатиш оммалаша бошлаган. Бу театрнинг вужудга келиши билан боғласа бўладиган факт.Ўшанда** асосан, байрамларда томошалар ташкил этилиб, унда ажойиб қочириқлар, қувноқ саҳналар, нозик юморга бой комедиялар **жамият**даги нуқсонларни очиб **беришга, инсонларга ўз камчиликларини англатишга хизмат қилган.”** Жумлаларида **Манбааларда қайд этилишича, аҳолига томошалар кўрсатиш оммалаша бошлаган, билан боғласа бўладиган факт, ўшанда, очиб беришга, инсонларга ўз камчиликларини англатишга хизмат қилган** каби сўз ва бирикмалар киритилиши билан унинг мукаммаллигига эришилган.

**“Хўш, бугунги кундаги театрларимиз ўзининг шундай вазифасини тўлақонли бажара олаяптими? Тўғри, юртимизда нуфузли театрлар ҳам бор, аммо гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, айрим театрлардаги қўйилаётган саҳна асарлари халқ маънавиятини бойитишга эмас, шунчаки даромад учун яратилгандек.”** Жумлалари матнда ортиқча бўлганлиги учун олиб ташланди.

Матнда муаллифлар муаммоли мавзуни кўтаришган. Таҳрир жараёнида эса унинг мазмуни янада аниқлашди, ўткирлашди. Муҳаррир ҳар бир сўзга, ҳар бир жумлага эътибор билан ёндашган. Масалан, “Спектакльни томоша қилиш жараёнида “наҳотки, бу ўша асар”, - дея ёқа ушладик. Томошада ёзувчининг асаридан асар ҳам йўқ. Бунда қизларимизни таҳқирлайдиган бир қатор лавҳалар бор эди.” Жумлаларида услубий ғализликларнинг мавжудлиги, сўзларнинг тушуб қолиши натижасида уни тушуниш қийин. Шунинг учун муҳаррир бундай таҳрир қилади: “Спектакльни томоша қилиш жараёнида “наҳотки, бу ўша асар”, - дея ёқа **ушлашга мажбур бўлдик.** Томошада ёзувчининг **асарида кўтарилган мавзудан** асар ҳам **қолмапти.** Бунда **хотин-қизлар шаънини** таҳқирлайдиган бир қатор лавҳалар бор эди.”

Ёки ушбу тузатишларга эътиборни қаратсак: “Аммо **томоша кўрамиз, деб келганлар орасида** иболи қизларимиз ҳам бор **эдики, бу воқеа уларнинг** яширин сирлар**ини** очиб ташлангандек ғурури поймол килингандек, уятдан ер ёрил**саю** ерга кириб **кетишга тайёр ҳолат вужудга келди.** Азалдан **маълумки,** қиз бола **ўзининг** сирлилиги билан гўзал. Аёл нозик хилқат вакиласи.” Жумлаларида янги сўз ва бирикмалар киритилган. Масалан, **томоша кўрамиз, деб келганлар орасида, эдики, бу воқеа уларнинг, кетишга тайёр ҳолат вужудга келди** ва бошқалар.

Қуйидаги мисолларга эътиборни қаратсак: “Инсон яралгандан буён эъзозлаб келаётган ибо-ҳаёни бир неча сонияда парчалаб **ташлагандек бўлди**. **Тўғрисини айтганда,** биз юқорида номини айтиб ўтган театр **ижодкорлари** ўзининг асосий мақсадини бажара **олмади.** Кўпроқ моддий томонга оғишиб, томошалари савияси пасайиб **керганини сезмади**. Бундай

инсонлар бизнес учун ўзларига бошқа даромад манбаини қидириб кўришгани **маъқулроқ эмасми?** Зеро, **ушбу соҳа жонкуярларидан бири, бобокалонимиз** Маҳмудхўжа Беҳбудий "Театр – бу ибратхона",- дея бежиз айтмаган. Шундай экан, театрларимиз шу тарифга муносиб **бўлишини жуда-жуда истардик."** Ушбу жумлаларда қорайтириб ёзилган сўзлар муҳаррир томонидан киритилган ва унинг тўғрилигига эришилган.

Ушбу матн муҳаррир "назаридан" ўтгандан сўнг эълон қилиниши мумкин бўлган, изчил ва мукаммал материалга айланди. Бунинг учун муҳаррир ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани синчиклаб ўрганиши орқали унинг тили, услуби ва мантиқий мукаммаллигига эришиши лозим. Албатта, бунда муҳаррирдан малака, маҳорат ва эътибор талаб этилади.

Энди эътиборни қуйидаги матннинг таҳририга қаратсак:

| **Қўлёзма варианти** | **Таҳрир варианти** |
|---|---|
| "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!"<br>Ҳарбий хизматчиларининг ўз Ватани, халқи ва Президентига садоқати тимсоли сифатида бирпо этилган "Ватанга қасамёд" мажмуаси қад ростлаган майдон. Бу ер **на**фақат байрам кунларида балки ҳар доим ҳарбий хизматчилар, талабалар, ўқувчилар билан гавжум бўлади. **Бугун ҳам** ушбу масканда шоду хуррамлик ҳукмрон. Чор тарафдан жанговар оркестр садолари янграмоқда. Ҳа, бу манзара ҳар қандай инсоннинг юрагини ҳаяжонга солади. **Худди тўю тантанадек таасурот қолдиради кишида.** Майдонда бир теккис саф тортган аскарлар шод-мамнун. Бу мамнуниятни йигитларнинг қувонч балқиган юзларидан, ўктам қарашларидан сезиш мумкин. Уларнинг жанговар хизматида роса тобланган юз-кўзларига, куч-ғайрат ёғилиб турган бўйи-бастига қараб, ўтган бир йил ҳаётларида қандай ўзгариш ясаганлигини ангаса бўлади. Ниҳоят, интиқлик билан кутилаётган онлар - келди энг аълочи аскарларга қисм қўмондонлиги томонидан тавсиянома топшириш тантанаси бошланди.<br>Тантанали тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги | **Юртим, шундай жасур ўғлонларинг бор!**<br>Ҳарбий хизматчиларининг ўз Ватани, халқи ва Президентига садоқати тимсоли сифатида бирпо этилган "Ватанга қасамёд" мажмуаси қад ростлаган майдон. Бу ер фақат байрам кунларида **эмас,ҳамиша** ҳарбий хизматчилар, талабалар, ўқувчилар билан гавжум бўлади. Ушбу масканда шоду хуррамлик ҳукмрон. Чор тарафдан жанговар оркестр садолари янграмоқда. Ҳа, бу манзара ҳар қандай инсоннинг юрагини ҳаяжонга солади. Майдонда бир теккис саф тортган аскарлар шод-мамнун. Бу мамнуниятни йигитларнинг қувонч балқиган юзларидан, ўктам қарашларидан сезиш мумкин. Уларнинг жанговар хизматида роса тобланган юз-кўзларига, куч-ғайрат ёғилиб турган бўйи-бастига қараб, ўтган бир йил ҳаётларида қандай ўзгариш ясаганлигини англаса бўлади. Ниҳоят, интиқлик билан кутилаётган онлар - келди энг аълочи аскарларга қисм қўмондонлиги томонидан тавсиянома топшириш тантанаси бошланди.<br>Тантанали тадбирда **Ўзбекистон** Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, сенатор **Иқбол** Мирзаалиев, кенгаш аъзолари - |

ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, сенатор И Мирзаалиев, кенгаш аъзолари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Ўзбекистон ҳалқ артисти Озодбек Назарбеков, “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Даставвал Ўзбек5истон Республикаси давлат мадҳияси янгради ва тантанали тадбир очиқ деб эълон қилинди. Тадбирда сўзга чиққан меҳмонлар, аскарларини бугунги унутилмас ку ва хизматда эришган улкан муваффақиятлари тавсиянома олганликлари билан чин дилдан муборакбод этдилар ва эзгу тмлаклар билдирдилар. “Зулфия” номидаги давлат мукофоти совриндорлари эса Ватан ва ватанпарварлик туйғусини, йигитлардаги мардлик ва шижоатни тараннум қилувчи шеърларидан ўқиб бердилар. Шундан сўнг сафда турган аскарларга тантанали равишда тавсияномалар топширилди. Қувонарлиси шундаки, тантанада жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликларда юксак натижаларни қўлга киритган аскарлар кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

- Бугун юртимизда муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган аскарларга қисм қўмондонлиги тавсияномаси топшириш тадбири ҳам катта бир тантанага, ўзига хос байрамга айланиб бораётгани бизни ҳам қувонтиряпти, дейди Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, таниқли шоир И.Мирзаалиев. аслида ҳам Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигига камарбаста бўлаётган бу ўғлонлар мана шундай эътирофга, рағбатга лойиқ. Улар тинчлигимиз, осойишталигимиз халқимиз фаровонлигининг ҳимоячиларидир. Тинчлик туфайли кўнглимиз хотиржам ижод қилаяпмиз, хонадонларда шодлик, осойишталик ҳукумрон. Тинчлик-осойишталик бир экан, Ватнимиз равнақ топади, ривожланади. Юртда улкан ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар бўлади. Айни дамда сафда турган алп йигитларга қараб, кўнглимдан шу сўзлар ўтаяпти. Беихтиёр мана шундай дорулмон кунларда яшаётганимизга шукрона келтиряпман. Аскарларнинг кўзларидаги ишонч, қатъият,

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Ўзбекистон ҳалқ артисти Озодбек Назарбеков, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Даставвал Ўзбек5истон Республикаси давлат мадҳияси янгради ва тантанали тадбир очиқ деб эълон қилинди. Тадбирда сўзга чиққан меҳмонлар, аскарларини бугунги унутилмас ку ва хизматда эришган улкан муваффақиятлари - тавсиянома олганликлари билан чин дилдан муборакбод этдилар ва эзгу тмлаклар билдирдилар. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари эса Ватан ва ватанпарварлик туйғусини, йигитлардаги мардлик ва шижоатни тараннум қилувчи шеърларидан ўқиб бердилар. Шундан сўнг сафда турган аскарларга тантанали равишда тавсияномалар топширилди. Қувонарлиси шундаки, тантанада жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликларда юксак натижаларни қўлга киритган аскарлар кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

- Бугун юртимизда муддатли ҳарбий хизматини ўтаётган аскарларга қисм қўмондонлиги тавсияномаси топшириш тадбири ҳам катта тантанага, ўзига хос байрамга айланиб бораётгани бизни ҳам қувонтиряпти, - дейди Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, таниқли шоир **Иқбол** Мирзаалиев. Аслида ҳам Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигига камарбаста бўлаётган бу ўғлонлар мана шундай эътирофга, рағбатга лойиқ. Улар тинчлигимиз, осойишталигимиз халқимиз фаровонлигининг ҳимоячиларидир. Тинчлик туфайли хотиржам ижод қилаяпмиз, хонадонларда шодлик, осойишталик ҳукумрон. Тинчлик-осойишталик бир экан, Ватнимиз равнақ топади, ривожланади. Юртда улкан ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар бўлади.

Бир йил кимларнингдир наздида кўч очиб юмгунчалик муддат туюлар. Аммо муддатли ҳарбий хизматини ўтаб қайтган йигитлар учун бу давр бир умрга татийдиган ўчмас из, бой таассуротлар қолдиради. Бу ўлар учун жисмоний ва

савлатидан ёғилиб турган шижоатдан ўтган бир йил бежиз кетмаганини сезиш мумкин. Буларнинг бари истиқлол шарофати. Истиқлол туфайли миллий армиямизга эга бўлдик уни замин талаблари асосида шакллантирдик. Энг асосийси, йигитларимиз ўз ерида, ўз Ватанида ўз оиласи, яқинлари ҳимоя қиляпти. Буям бир бахт аслида.

Мана аскарларга тантанали равишда тавсиянома топширилди ъ. Тадбирда мени тўлқинлантирган жиҳат ҳар бир аскар сафга қайтишдан олдин баралла овозда “Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!” дея хитоб қилгани бўлди. Бу уларнинг ўз юртига бўлган садоқати, меҳр-муҳаббатидан дарак беради. Мен қуйидаги шеъримни мана шу хитобдан рўхланиб ёзганман:

Унвоним – озод юрт фуқаросиман,
Наслу насабимни мансаб биламан.
Сафда камарбаста турибман: ростлан!
“Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!”

Ҳа, бир йил. Бу вақт кимларнингдир наздида кўч очиб юмгенчалик муддат туюлар. Аммо муддатли ҳарбий хизматини ўтаб қайтган йигитлар учун бу давр ҳаётларида бир умрга татийдиган ўчмас из, бой таассуротлар қолдиради. Бу ўлар учун жисмоний ва маънавий жиҳатдан янада юксалиш ва шаккланиш даври бўлади. Ушбу ўзгаришлар уларни кўп нарсага, жумладан, ота-онанинг, яқинларининг қадрига етишга, Ватанга бўлган меҳрининг янада ортишига, бундан кейинги фаолиятлари давомида фидойилик кўрсатишга ўргатади.

Ҳаяжонимни сўз билан таъсирлаб беролмайман, дейди Қашқадарё вилояти Косон туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Муҳриддин Хайруллаев. Бу йил Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Ўйланманки, қўлга киритган тавсияномам бунда албатта асқотади. Мақсадим қатъий. Ўтган бир йил мобайнида устоз офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга харакат қилдим. Ҳизматдан бўш вақтларимда кутубхонада билимларимни бойитдим. Келажакда маънавий жиҳатдан янада юксалиш ва шаккланиш даври бўлади. Ушбу ўзгаришлар уларни кўп нарсага, жумладан, ота-онанинг, яқинларининг қадрига етишга, Ватанга бўлган меҳрининг янада ортишига, бундан кейинги фаолиятлари давомида фидойилик кўрсатишга ўргатади.

- Ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беролмайман, - дейди Қашқадарё вилояти Косон туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскар Муҳриддин Хайруллаев. - Бу йил Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Ўйланманки, қўлга киритган тавсияномам бунда албатта асқотади. Мақсадим қатъий. Ўтган бир йил мобайнида устоз офицер ва сержантлардан ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштиришга харакат қилдим. Ҳизматдан бўш вақтларимда кутубхонада билимларимни бойитдим. Келажакда офицер бўлиб, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилмоқчиман.

- Тавсияномани қўлимга олганимда кўз олдимга беихтиёр ота-онам ва яқинларимнинг мамун чехраси намоён бўлди, - дейди яна бир суҳбатдошимиз, қорақолпағистонлик оддий аскар Беҳзод Искандаров, - Бундан кўнгим кўтарилди. Масофа узоқ бўлса-да, яқинларим доим мен билан эканлигини, ҳаётда эришган ҳар бир муваффақиятим уларни қувонтиришини бугун яна бир бор дилдан ҳис қилдим. Яқинларимнинг, устозларимнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман. Бу йил Ўзбекистон олий ҳарбий божхона институтига ўқишга киришни мақсад қилганман. Бунинг учун билим ҳам етарли, қолаверса, тавсияномам ҳам бор. Демак, бу йил албатта талабалар сафидан жой олшимга ишонаман!

Оддий аскар Фарҳод Омонов Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидан. У ҳам жорий йил сафдоши беҳзод каби ўзбекистон олий харбий божхона институтига ўқишга кирмоқчи. Дарвоқе, оддий аскар Фарҳод Омонов тантанали тадбирда “Жанговар тайёргарлик аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

- Ҳизматим туфайли мана шундай эътирофга сазовор бўлганимдан бахтиёрман, - дейди у биз билан суҳбатда. -

| | |
|---|---|
| офицер бўлиб Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилмоқчиман.<br>Тавсияномани қўлимга олганимда қўз олдимга беихтиёр ота-онам ва яқинларимнинг мамун чехраси намоён бўлди, - дейди яна бир суҳбатдошимиз, қорақолпағистонлик оддий аскар Беҳзод Искандаров, - бундан кўнгим кўтарилди. Ораликдаги масофа узоқ бўлса-да, яқинларим доим мен билан эканлигини, менинг ҳаётда эришган ҳар бир муваффақиятим уларни қувонтиришини бугун яна бир бор дилдан ҳис қилдим. Яқинларимнинг, устозларимнинг ишончини оқлаганимдан хурсандман. Бу йил Ўзбекистон олий ҳарбий божхона институтига ўқишга киришни мақсад қилганман. Бунинг учун билим ҳам етарли, қолаверса, тавсияномам ҳам бор. Демак, бу йил албатта талабалар сафидан жой олшимга ишонаман!<br>Оддий аскар Фарҳод Омонов Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидан. У ҳам жорий йил сафдоши беҳзод каби ўзбекистон олий харбий божхона институтига ўқишга кирмоқчи. Дарвоқе, оддий аскар Фарҳод Омонов тантанали тадбирда "Жанговар тайёргарлик аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.<br>Ҳизматим туфайли мана шундай эътирофга сазовор бўлганимдан бахтиёрман, дейди у биз билан суҳбатда. Бунинг учун командирларимдан миннатдорман. Ушбу эътироф мени руҳлантирди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида шу нарсани англаб етдимки, инсон астойдил интилса, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқиши мумкин. Бу йўлда фақат ишонч ва қатъият бўлса бўлгани.<br>Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА<br>Катта лейтенант | Бунинг учун командирларимдан миннатдорман. Ушбу эътироф мени руҳлантирди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида шу нарсани англаб етдимки, инсон астойдил интилса, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқиши мумкин. Бу йўлда фақат ишонч ва қатъият бўлса бўлгани.<br>Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА<br>Катта лейтенант |

Ушбу матнни таҳрир қилишда муҳаррир ишни сарлавҳани ўзгартирищдан бошлаган. Чунки сарлавҳа таъсирли ва матнга мос бўлиши талаб қилинади. Сарлавҳанинг муваффақиятли чиқиши – мақоланинг ярим ютуғидир. Шунинг учун "**Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!**" ўрнига "**Юртим, шундай жасур ўғлонларинг бор!**" сарлавҳасини

қўйилиши ўринлидир. Бу йўл билан муҳаррир сарлавҳанинг матнга мос ва таъсирли бўлишига эриша олган.

Бунда тузатишнинг қисқартириш усулидан фойдаланилганлиги матннинг ҳажми қисқариб кетганлигидан кўриниб турибди. "**Айни дамда сафда турган алп йигитларга қараб, кўнглимдан шу сўзлар ўтаяпти. Беихтиёр мана шундай дорулмон кунларда яшаётганимизга шукрона келтиряпман. Аскарларнинг кўзларидаги ишонч, қатъият, савлатидан ёғилиб турган шижоатдан ўтган бир йил бежиз кетмаганини сезиш мумкин. Буларнинг бари истиқлол шарофати. Истиқлол туфайли миллий армиямизга эга бўлдик уни замин талаблари асосида шакллантирдик. Энг асосийси, йигитларимиз ўз ерида, ўз Ватанида ўз оиласи, яқинлари ҳимоя қиляпти. Буям бир бахт аслида.**

**Мана аскарларга тантанали равишда тавсиянома топширилди ъ. Тадбирда мени тўлқинлантирган жиҳат ҳар бир аскар сафга қайтишдан олдин баралла овозда "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" дея хитоб қилгани бўлди. Бу уларнинг ўз юртига бўлган садоқати, меҳр-муҳаббатидан дарак беради. Мен қуйидаги шеъримни мана шу хитобдан рўхланиб ёзганман:**

**Унвоним – озод юрт фуқаросиман,**
**Наслу насабимни мансаб биламан.**
**Сафда камарбаста турибман: ростлан!**
**"Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!**" жумлаларнинг олиб ташланиши матннинг мазмунига путур етказмаган, аксинча унинг аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаган.

Матнда сўз қўллаш билан боғлиқ бўлган ва имловий хатолар тузатилган. Масалан, "Бу ер фақат байрам кунларида **эмас, ҳамиша** ҳарбий хизматчилар, талабалар, ўқувчилар билан гавжум бўлади." жумласида **эмас, ҳамиша** сўзлари киритилган. Сўларни катта билан ёзилиши, исмларни тўлиқ берилиши, ҳатто, тире ва чизиқчани фарқлаш, қўштирноқ белгиси қўйилиши каби жиҳатларга ҳам эътибор берилган: "Жамоатчилик кенгаши раиси,

таниқли шоир **Иқбол** Мирзаалиев.", "**Ўзбекистон** Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари" кабилар. Натижада талаб даражасидаги материал юзага келган. Бундан кўриниб турибдики, матннинг мукаммаллигида муҳаррирнинг меҳнатлари зарур. Чунки ҳар қандай қўлёзмани ўз ҳолида эълон қилиш ҳам газетанинг сифатига ҳам ўқувчиларнинг савиясига салбий таъсир этиши мумкин**.**

| **Қўлёзма варианти** | **Таҳрир варианти** |
|---|---|
| **Етти тонналик манго**<br>Австралиянинг Квинсленд штатидан етти тонналик манго меваси йўқолди. Баландлиги ўн метр келадиган бу мева-ҳайкал туристларни жалб қилиш мақсадида боуэн шаҳридаги боғ ёнига ўрнатилган ҳозирча номаълум. Боғ маъмурияти ўғриларни қидирувга берган. Кузатув камераларида фақат улкан меванинг бир кечада ўғирлаб кетаётилаётганида автокўрсатгич кўриниб қолган. Улкан манго 2002 йилда ўрнатилган бўлиб, унга тўқсон минг АҚШ доллари сарф қилинган. **Мамлактда 150та шундай улкан меваларни учратиш мумкин.**<br>**Янада қулай**<br>Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган "Mobile World Congress" анжуманида "WhatsApp" мессенжерида овозли қўнғироқ хизмати пайдо бўлиши маълум қилинди. **Маълумотларга қараганда**, ушбу хизмат йилининг иккинчи чорагидан йўлга қўйилди. Дастур асосчиси Ян Кумнинг сўзларига қараганда хизмат "Android" ва "iOS" каби операцион системаларида бир пайтда ишга тушади. Фойдаланувчилари 450 миллиондан ошган бу мессенжернинг овозли қўнғироқ хизмати охирги тўрт йилдаги жиддий иши. Шунингдек, "WhatsApp" вакиллари уни ҳар доимгидек реламалардан ҳоли бўлишини алоҳида таъктлади.<br>**Энг қиммат қўқоплар**<br>Таниқли боксчи Мухаммад Алининг биринчи ғалабасига эришиш вақтида фойдаланган қўлқоплари кимошди савдосида сотилди. Дунёдаги энг қиммат қўлқоп нақ 836.5 АҚШ долларга баҳоланди. Харидор ўзини ошкор этишини хоҳламади. | **Етти тонналик манго**<br>Австралиянинг Квинсленд штатидан етти тонналик манго меваси йўқолди. Баландлиги ўн метр келадиган бу мева-ҳайкал туристларни жалб қилиш мақсадида боуэн шаҳридаги боғ ёнига ўрнатилган ҳозирча номаълум. Боғ маъмурияти ўғриларни қидирувга берган. Кузатув камераларида **ўғирлик жараёниданфақат** автокўрсатгич кўриниб қолган. Улкан манго 2002 йилда ўрнатилган, унга тўқсон минг АҚШ доллари **сарфланган эди.**<br>**Янада қулай**<br>Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган "Mobile World Congress" анжуманида "WhatsApp" мессенжерида овозли қўнғироқ хизмати пайдо бўлиши маълум қилинди.Ушбу хизмат йилининг иккинчи чорагидан йўлга қўйилди. Дастур асосчиси Ян Кумнинг сўзларига қараганда, хизмат "Android" ва "iOS" каби операцион системаларида бир пайтда ишга тушади. Фойдаланувчилари 450 миллиондан ошган бу мессенжернинг овозли қўнғироқ хизмати охирги тўрт йилдаги жиддий иш. Шунингдек, "WhatsApp" вакиллари уни ҳар доимгидек реламалардан **холи** бўлишини алоҳида таъктлади.<br>**Энг қиммат қўлқоплар**<br>Таниқли боксчи Мухаммад Алининг биринчи **ғалабали жангидакийган** қўлқоплари кимошди савдосида сотилди. Қўлқоп нақ 836.5**минг** АҚШ **долларига** баҳоланди. Харидор ўз**номини о**шкор этишини хоҳламади. Ярим миллиондан старт олган нархни ўн бир нафар бокс ишқибози қисқа муддатда 836.50**минг** АҚШ долларигача **кўтарди.** Муҳаммад Али ушбу қўлқоплардан 1964 **йил Майамида** |

| | |
|---|---|
| Ярим миллиондан старт олган нархни ўн бир нафар бокс ишқибози қисқа муддатда 836.50АҚШ долларигача чиқарди. Муҳаммад Али ушбу қўлқоплардан 1964 Майами шаҳрида бўлган жангда фойдаланган эди. Тарихдаги энг машҳур босқичлар сифатида ўрин эгаллаган Муҳаммад Али 1964 йилдан 1966 йилигача ва яна 1974йилдан 1978 йиллар оралиғида оғир вазнда мутлоқ чемпион бўлган. 1960 йилги Олимпиада чемпиони ҳам ҳисобланади.<br>**Оғирлик қилди**<br>Вьетнамнинг Лайтяу вилоятида дафн маросими ўтказилаётган кўприк қуллаб тушди ва натижада етти киши ҳалок бўлди. Қишлоқ аҳолисидан 37 киши жароҳатланган бўлса, 23 нафарининг аҳволи жиддий. Маълумотларга қараганда, тобутни сой устидан кўтариб ўтилаётган пайтда осма кўприк ипларидан бири узилиб кетади. Оқибатда маросим иштирокчиларининг аксарият қисми йигирма метр баландликдан туби тошли сойга тушиб кетишади. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда ҳаддан ташқари кўп одамларнинг бир хил қадам ташлашидаги пайдо бўладиган резонанс кўприк ипи узилишига сабаб бўлган. Кўприк ўтган йилнинг ёзида қурилган эди.<br>Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади. | бўлган жангда фойдаланган эди. **Бокс тарихидаги энг машҳур шахслардан ҳисобланган**Муҳаммад Али 1964 йилдан 1966 йилигача ва яна 1974йилдан 1978 йиллар оралиғида оғир вазнда мутлоқ чемпион бўлган. 1960 йилги Олимпиада **ғолиби ҳамдир.**<br>**Оғирлик қилди**<br>Вьетнамнинг Лайтяу вилоятида дафн маросими **пайтида** кўприк қуллаб тушди ва натижада етти киши ҳалок бўлди. 37 киши жароҳатланган, 23 нафарининг аҳволи жиддий. **Маълум бўлишича**, тобутни сой устидан кўтариб **ўтишётганда** осма кўприк ипларидан бири **узилади.** Оқибатда маросим иштирокчиларининг **аксарияти** йигирма метр баландликдан сойга тушиб **кетди.** Мутахассислар ҳаддан ташқари кўп одамларнинг бир хил қадам **ташлашидан** пайдо бўладиган резонанс кўприк ипи узилишига сабаб **бўлганини айтишмоқда. Шуниси қизиқки,** кўприк **эски эмас,** ўтган йилнинг ёзида қурилган эди.<br>Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади. |

Юқорида хабар жанрида ёзилган материаллар таҳрир қилинган. Маълумки, хабар ўзига хос жанр бўлиб, унда аниқлик, асосланганлик билан биргаликда қисқаликка интилиш катта. Муаллиф ва муҳаррир иш жараёнида хабарнинг мана шу жиҳатларини эсда тутиши лозим.

Хабар ва янгиликларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири энг муҳим материал матн бошланишида баён қилинади, сабаб, оқибат муносабатлари баёни ва буларнинг шарҳи асосий ахборотни тавсифлайди.

Матнда қисқалик ва аниқликка эришиш учун ҳар бир сўз ва жумлаларни ўринли эканлиги муҳимдир. Шу маънода ушбу матнда муҳаррир сўзларнинг ўз ўрнида қўллашга, ортиқча жумлаларни олиб ташлашга ҳаракат

қилган.  Масалан, “Кузатув камераларида фақат улкан меванинг бир кечада ўғирлаб кетилаётганида автокўрсатгич кўриниб қолган.” жумласи “Кузатув камераларида **ўғирлик жараёниданфақат**автокўрсатгич кўриниб қолган.”, деб тўғриланган. “**Мамлактда 150та шундай улкан меваларни учратиш мумкин**”,“**Мутахассисларнинг сўзларига қараганда”** каби бирликлар матнда ортиқчалиги учун олиб ташланган. Чунки ҳаддан зиёд қайтариқлар, кераксиз жумлалар матннинг аниқлигига зиён етказади. Айниқса, хабар ва янгиликларда бундай ҳолатларга йўл қўйилмаслиги керак.

Матннинг аниқлигига эришиш учун, баъзида унга лозим бўлган сўз ва бирикмаларни киритишга ҳам тўғри келади. Муҳаррир таҳрир жараёнида мана шундай тузатишлардан ҳам фойдаланган. Масалан, “Мутахассисларнинг сўзларига қараганда ҳаддан ташқари кўп одамларнинг бир хил қадам ташлашидаги пайдо бўладиган резонанс кўприк ипи узилишига сабаб бўлган. Кўприк ўтган йилнинг ёзида қурилган эди.” жумлалари “Мутахассислар  ҳаддан ташқари кўп одамларнинг бир хил қадам **ташлашидан** пайдо бўладиган резонанс кўприк ипи узилишига сабаб **бўлганини айтишмоқда. Шуниси қизиқки,** кўприк **эски эмас,** ўтган йилнинг ёзида қурилган эди.”, шаклида ўзгартирилиши ўринли.

Матнда ноўрин қўлланилган сўзлар тузатилган: **“**Таниқли  боксчи Мухаммад Алининг биринчи ғалабасига эришиш вақтида фойдаланган қўлқоплари кимошди савдосида сотилди.” ўрнига “Таниқли  боксчи Мухаммад Алининг биринчи **ғалабали жангидакийган** қўлқоплари кимошди савдосида сотилди.”, “Тарихдаги энг машҳур босқичлар сифатида ўрин эгаллаган...” ўрнига**“Бокс тарихидаги энг машҳур шахслардан ҳисобланган”** деб тўғриланган.

Таҳрир жараёнида имловий хатоларга эътибор берилган. Масалан, “**рекламалардан ҳоли бўлиш**” эмас “**холи бўлиш”** деб тўғриланган. Кўпинча “х” ва “ҳ”ни фарқлашга қийналамиз. Лекин уларни фарқламасдан қўллаш мазмуннинг ўзгариб кетишига олиб келади. Бунда **холи (аҳвол), холи (озод)** маъносини беради.

Юқоридаги мисолда шуни кўришмиз мумкинки, муҳаррир иложи борича талаб даражасида матнга ёндашишга ҳаракат қилган ва ўз олдидаги вазифани бажарган.

Газета материалларини нашрга тайёрлаш, таҳрир ва таҳлил қилиб, такомиллаштириш ишлари масъулиятли ва мураккаб жараёндир. Шу ўринда бир фикрни келтирсак: “Таҳрир деган сўзга беписандлик билан, ҳатто ғаши келиб қараш кайфиятлари йўқ эмас. Қўйиб берсангиз таҳрирдан сўз очилса цензура деб айюҳаннос соладиганлар ҳам учрайди. Аслида саводли, маҳоратли ва зиёли муҳаррирнинг қиммати ҳеч қачон, ҳеч қандай замонда қадрини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам. Таҳрир муаллифнинг фикрини қайчилаш эмас, таҳрир – муаллиф айтмоқчи бўлган, лекин ўхшатиб ифодалай олмаган фикрларга йўл очиш демакдир. Сўзга, жумлага сайқал бериш сўз сеҳри ва жозибасини ҳис қилиш, мулоҳазаларни изчил равишда баён этиш, ортиқча ва ўқувчи эътиборини муҳимдан чалғитадиган номуҳимлардан воз кечиш деганидир”[31]

Муҳаррир асар мазмуни ва у нима эвазига ўқувчилар аудиторияси учун тушунарли бўлаётганига, баёнда юзакилик ва дағаллик йўқлигига амин бўлмоғи лозим. Бошқа томондан эса матн оғир, тушунарсиз терминлар ва жумлалар билан тўлдирилмаганлигига эътибор қаратиш керак бўлади. Шунингдек – соддалик бу фақат баённи қандай келтирилиши билан боғлиқ бўлган матнни англашни осонлаштирувчи воситагина эмаслигини ҳисобга олиш керак. Соддалик - материалнинг муаллиф талқинининг таркиби ва характери қандай бўлиши лозимлигининг кўрсаткичидир. Ўқувчи уни тушуниши учун маълум даражада куч сарфлаши керак.

[31]Хуршид Дўстмуҳамад. Қадр. Кўнгилдаги мунавварлик. –Т.: Маънавият, 2009. 18-б.

# ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани туфайли барча соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситалари тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш имконияти юзага келди. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда холис мустақил журналистиканинг ривожланишига жиддий эътибор қаратилди.

Оммавий ахборот воситаларининг ва айнан матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, роли ошиб бормоқда ва ҳаётмизга кун сайин чуқурроқ кириб бораверар экан, бу ўз навбатида матбуот нашрлари сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур жараёнларни акс эттираётган материаллар сафида, шубҳасиз, ижтимоий мавзуларни ёритувчи саҳифалар, улардаги янгиликлар журналистикаси пешқадамдир.

Ҳаммага бирдек тушунарли ва манзур бўладиган материал тайёрлаш матн услубияти ва адабий таҳрир муаммоларига мурожаат қилишни тақазо этади. Матн маълум коммуникатив фаолиятнинг алоқа соҳаси, тури, алоқа вазияти ва муаллиф мақсадига мувофиқ фикрий ва лисоний ҳатти-ҳаракатни мунтазам мажмуи сифатида, семантик ва синтактик жиҳатдан изчил боғланишлар асосида таркибланган ва тартибланган тугал нуқтий ҳодиса. Матнни таркиблашда киши уни талқин этиш ҳамда тушуниш йўллари ва усулларини ҳам ҳисобга олади. Ахборот матни ўқувчи учун осон ва қулай бўлган талқин усулига мувофиқлаштирилади. Матбуотда бу журналистдан алоҳида масъулиятни талаб қилади. Чунки бу жараёнда фақат грамматика қонун-қоидаларигина эмас, алоқа вазияти, мақсади ва мазмунининг фаҳмланиш имкониятларига ҳам амал қилинади. Матбуот матнини яратиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган ижодий жараёндир. Бундан ташқари матн таҳрир қилинган ахборотдир. Чунки унинг мукаммаллиги муҳаррирнинг маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳар қандай ижодий адабий ва илмий ижодий фаолият матн яратиш, матнни қайта ишлаш, тузатиш, мукамаллаштириш жараёнини четлаб ўта олмайди.

Таҳрир қилиш жараёнида ўқувчилар учун мавҳум бўлган сўзлар олиб ташланади, фактлар солиштириб кўрилади, ғализ жумлалар тузатилади. Чунки, арзимаган камчилик бўлиб туюлсада, ҳар бир салбий ҳодиса ёки ноаниқлик муштарийларни ранжитади, газетага бўлган иштиёқларини сўндиради. Матнни ўта жиддий эътибор билан қайта-қайта ўқиб чиқиш, камчилик ва хатоларни белгилаб олиш ҳамда муаллиф мақсади ва услубига зарар етказмайдиган тарзда такомиллаштириш муҳаррирдан теран билимни, юксак умумий маданиятни, мукаммал малака ва тажрибани тақозо этади.

Матбуот матни таҳрири ҳам ўзига хос билимдонликни талаб қиладиган жараёндир. Таҳрир танқидий нуқтаи назардан келиб чиқиб амалга оширилганда, албатта, унинг таъсири ўзгача бўлади. Ана шу танқид томонидан кўзланган мақсад матнни бекаму кўстлик даражасига етказиш, мавжуд хатоларни бартараф этиш, натижада ундаги тарбиявий, илмий моҳиятни оширищдир. Матн тилни пухта биладиган мутахассис томонидан таҳрир қилинсагина, ўзида мужассам сеҳрларни тўлалигича намоён этади. Акс ҳолда у тушунарсиз жумлалар мажмуидан иборат бўлиб қолади.

“Ҳуррият” газетаси мамлакатимиздаги энг етакчи ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий нашр ҳисобланиб, унинг таҳририяти жуда катта адабий мактабга эга, устоз-шогирд анъаналарини бардавом сақлаб келаётган даргоҳдир. Газетанинг мавзу кўлами жуда кенглиги ва ўзига хос жанрий-услубий хусусиятга эгалиги боис унда тилнинг турли воситаларидан бемалол фойдаланилади. Бу жиҳати билан унинг услуби бадиий нутқ услубига яқинлашади. Таъсирчанликни бериш мақсадида тилнинг тасвирий воситали, мақол ва маталлар ва ибора яъни фразеологизмлардан кенг фойдаланилади. “Ҳуррият” да фаолият олиб бораётган журналистлардан Холида Файзиева, Акмал Жумамуратов, Фозил Жабборов, Бобур Муҳаммадиев, Ситора Тожиддиновалар журналистика олдига қўйилган талабларнинг “юк”ини ҳис этган ижодкорлардандир. Улар ҳар бири ўзининг овозига, ўзининг услубига эга. Воқеликни факт ва бадиийликни

уйғунлаштирган ҳолда акс эттира оладиган, содда ва таъсирли тилда ижод қиладиган журналистлар ҳар замонда, ҳар ерда ўз қадрини топади.

Матнни таҳрир қилиш ижодий жараённинг зарурий элементи сифатида ўз материалини ўқувчилар, тингловчилар ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этаётган ҳар бир муаллифнинг бурчи, вазифаси ҳисобланади. Журналист ва нашриёт муҳаррирининг турли хил матнларни ижтимоий-мафкуравий, маданий ахлоқий, адабий-услубий жиҳатдан баҳолай олиши ва таҳрир қила билиш малакаси, маҳоратига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Таҳрир малакаси ва маҳорати журналист ихтисослиги тавсифининг асосий шартларидан бири саналади. Биз тадқиқотимиз давомида ушбу газетада таҳрир ишлари талаб даражасида йўлга қўйилганлигига амин бўлдик. Ишимизда ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтдик.

Бу борада "Ҳуррият" газетаси ходимларига бир неча тавсияларни беришимиз мумкин:

- журналист ахборот тўплашда ҳам, ахборотни узатишда ҳам мулоқот вазиятини тез ва тўғри белгилай олиши лозим.
- ахборот кўламини, умумий мазмуний бирликни ва унинг ички бўлакланиши (компазицион қисмлари)ни тўғри режалаштира олиши алоҳида аҳамият касб этади.
- журналист ахборот матнида ўз «Мени»ни (муаллиф шахси тимсолини) намоён қила олиш, ахборот мазмунига ўз талқини ва баҳосини аниқ ва тиниқ ифодалай олиши лозим.
- оммавий ахборот канали тавсифи ва имконияти билан боғлиқ вазиятини баҳолай олиши ва шу оммавий ахборот воситасига мувофиқ ифода усулини танлай олиши лозим.
- журналист ҳам, таҳририят ҳам ахборот матнида турли хил лисоний, услубий нуқсонларга йўл қўйишнинг олдини олиши,
- муҳаррирнинг адабий таҳрир жараёнига ниҳоятда маъсулият билан ёндошмоғи

- муҳаррир таҳрир жараёнида матннинг услубий-жанрий хусусиятларини эътиборга олиши талаб қилинади

Муҳаррирлик фаолияти ҳам ижодий фаолият саналади. У қўлёзма матни устида ишлашни муаллиф билан биргаликда олиб бориши керак. Шундай қилиб муҳаррир матн тузилиши билан танишиб чиққач, ўз хулосаларини муаллиф билан маслахатлашади. Ва хулосаси бўйича муаллифнинг фикрларини ҳам ўрганади. Агар жоиз бўлса, таҳрир жараёнида уни ҳисобга олади.

Муҳаррир матнни тил, ифода жиҳатдан мукаммал, мантиқсизликлардан ҳоли бўлиши учунгина эмас, композицион томондан ҳам бехато чиқишига қайғуриши, бу борадаги камчиликларни бартараф этишда муаллифга имкон борича кўмаклашиши даркор. Матнда композиция – воқеалар кетма–кетлиги, улар орасидаги мантиқий боғланишлар ҳар қандай нуқсондан ҳоли бўлса, бу матн мазмуни ўқувчи томонидан тез илғаб олинади.

Жумлани тўғри тузиш ҳам матннинг қимматини оширадиган жиҳатдир. Жумлалари равон тузилган матн мазмунини илғаб олиш осон кечади, у ўқувчига тушунарли бўлади. Муаллиф жумлаларни таҳрир қилиш жараёнида муҳаррир уларнинг содда ва қисқа бўлишини таьминлаши жоиз. Бу муаллиф услубини мутлақо ўзгартириш, уни ўзига хослигидан айириш дегани эмас.

Ишимизда “Ҳуррият” газетаси материалларининг таҳрири билан танишиб чиқиш жараёнида уларда таҳрир ишларига алоҳида эътибор қаратилганлигига амин бўлдик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

### I Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1.Ўзбекистон Республикасинииг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

3.Мустақил телерадиоканалларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ва ҳужжатлар тўплами. № 45. 2005.

4. Тўртинчи ҳокимият.Ўзбекистон Республикасинииг қонунлари, қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Т.: Меҳнат, 2003.

5.Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

### II.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнннг асарлари

1.Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992.

2.Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура -Т.: Ўзбекистон, 1993.

3.Каримов И. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.

4.Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

5.Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. - 5 том. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

6.Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид ва барқарорлик шартлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.

7.Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

8.Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

9.Каримов И. Ўзбекистон XXI интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

10.Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этищдир. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

11. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

## III. Асосий адабиётлар

1. Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. Иккинчи жилд. - Т.: Шарқ, 2008.

2. Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликлари. – Т.: НД., 2006.

3. Бухарцев Д. Творческий потенциал журналиста. - М.: Высшая школа, 1985.

4. Дўсмуҳаммад Х. Ижод кўнгил мунаввarлиги. – Т.: Mumtoz so'z, 2011.

5. Ирназаров Қ.Т. ва бошқалар. Ҳозирги замон журналистикаси. – Т.: Алоқачи, 2008.

6. Муаллифлар жамоаси.Политология асослари. - Т.: Университет, 1992.

7. Маҳмудова С.Сўз яратиш санъати. – Т.: Университет, 2003.

8.Мелибоев А. "Қирқ бешинчи бекат" – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008.

9. Мусаев О.Р. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. – Т .: Ижод дунёси, 2004.

10.Сулаймонов И. Мен — журналистман. – Т.: Шарқ, 2001.

11. Toxirov Z. Adabiy tahrir (O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi tomonidan oily ta'lim muassasalari jurnalistika fakultetlari talabalari uchun darslik sifatida nashrga tavsiya etilgan). - T.: "Tafakkurbo'stoni". 2012.

12. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006.

## IV. Қўшимча адабиётлар

1. Тошев Ф. Журналистнинг нони қаттиқ. Самарқанд, 2005.

2. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. – Т.: Шарқ, 2000.

3. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. -Т.: Шарқ, 2000.

4. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Т.: Шарқ, 2004.

5. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Т.: Маънавият, 2004.

6. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2011.7.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. 2000.

**V. Даврий нашрлар**

1. “Ҳуррият” газетасининг 2011-2013 йил сонлари.

2. Ўзбекистон матбуоти журнали

**VI. Интернет сайтлари**

1. www.google.uz